

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРОҲИМ ДАРВИШОВ

**АРЕАЛ ТИЛШУНОСЛИК:
ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН
ШЕВАЛАРИНИНГ ФОНЕТИК-ФОНОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(монография)

УЎК: 811.512.133(575,123) (043.3)

КБК:

Дарвишов, Иброҳим.

Ареал тилшунослик: жануби-ғарбий Наманган шеваларининг фонетик-фонологик хусусиятлари.

И.Дарвишов. – “_____” 2019 й. – ___ б.

Масъул муҳаррир: **Дилора Набиева**, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Муминов Сидиқжон**, филология фанлари доктори, профессор,

Шукуржон Акрамов, филология фанлари номзоди, доцент

Монографияда жануби-ғарбий Наманган шевалари товушлар тизимининг таснифи ва тавсифи, ўзига хос фонетик-фонологик хусусиятлари, уларнинг тарихий генезиси, тарқалиши ва амал қилиш ареалини белгилаш масалалари ҳақида фикр юритилади. Шевадаги фонетик-фонологик хусусиятлар ва қонуниятларнинг воқеланиш жараёнлари қиёсий-тарихий ёритилган. Жануби-ғарбий Наманган шевалари ареалидаги ўзига хос лингвистик хусусиятлар, жаҳон туркий тиллари ва бошқа ўзбек шевалари билан артикуляцион-акустик жиҳатларидаги муштарак белгилар экспедициялар натижасидаги мисоллар асосида аниқланган ва улар ҳақидаги хулосалар баён қилинган.

Монография олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва, умуман, ўзбек шевашунослиги ихлосмандларига мўлжалланган.

Монография Наманган давлат университети Кенгашининг 2019 йил 25 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида нашрга тавсия этилган. (Баённома № 2.)

Марҳум падари бузрукворим, волидаи муҳтарамам ҳамда устозим Абдулҳамид Нурмоновнинг пок руҳларига бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Жаҳон тилшунослигида тилни ареал-типологик ва ареал-лингвистик методлар орқали ўрганиш, ҳар қандай лингвистик назария ва концепцияларнинг бошланғич нуқтаси бўлган шеваларни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим масалалардан бирига айланди. Ареал лингвистиканинг пайдо бўлиши диалектология соҳасидаги турғун бўлиб қолган айрим жиҳатларни, диалект ва шевалар моҳияти, хусусиятлари, ўзаро алоқалари, уларнинг таснифи, тавсифи масаласидаги тушунчаларни янгича баҳолашга, янгича усулларда ҳал қилишга кенг йўл очди.

Дунё тилшунослигида ареал тилшунослик кўп мундарижали соҳа бўлиб шаклланди, чунки ареалогия италян неолингвистлари, жаҳон лингвогеографлари ҳамда тиллар иттифоқи йўналиши вакили бўлган тилшуносларнинг амалга оширган тадқиқотларини ўзида мужассамлаштирди. Тадқиқотлар негизида ареал лингвистик концепцияларнинг тадрижий тараққиётини анализ ва синтезлаш натижасида диалектларни умумий тилшуносликнинг бир аспекти сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди. Диалектларни ареалогик тамойиллар ва лингвистик тадқиқот методлари асосида ўрганиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Бинобарин, тил системасини яхлит ўрганишда диалект ва шева ареалларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиши учун олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда ўзбек тилшунослиги олдига қўйилаётган вазифаларни бажаришга тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, тилимизни ҳар томонлама ўрганиш масаласига бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда ўзбек шевалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ареал лингвистик тадқиқотлар назарий асосларига таяниб, тарихий-қиёсий ва этнолисоний жиҳатдан тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Соҳанинг номукамал, оддий

тавсифий ва тасвирий жиҳатлардан иборат ноаниқ ўринларни янгича қарашлар асосида, ментал нуқтаи назаридан ўрганиш ва тўлдиришга зарурат сезилмоқда. Зеро, “...бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”¹. Ўзбек диалектлари ареалогияси соҳасида ҳам у ёки бу шевага хос бўлган хусусиятларни чуқур тарихий-этимологик нуқтаи назардан, бир қатор бобо тил фактлари асосида пухта ўрганиш кўплаб тарихий-лингвистик муаммоларнинг ҳал этиш ечими ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида К.де Монбре, Ж.Жильерон, Д.Монье, Г.Венкер, Ф.Вреде, К.Яберг, Я.Юд, П.Меер, В.М.Жирмунский, С.И.Бромлей, Д.И.Эдельман, В.Пизани, Г.Курат, Т.Фринж, П.Традгил, Й.Чеймберс, И.И.Срезневский, Н.З.Гаджиева ва бошқа тилшунослар ареалогия соҳаси ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди².

Ўзбек тилшунослигида ҳам А.Боровков, К.Юдахин, Е.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, А.Ишаев, С.Иброҳимов, А.Алиев, С.Отамирзаева, А.Шерматов, А.Жўраев, Ҳ.Шариповларнинг³ шу йўналишда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 23.

² Шерматов А. Лингвистик география нима? – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 10; Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 3.

³ Боровков А.К. Узбекский говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963; Юдахин К.К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958. – № 1. – Б. 31-35; Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1933; Юнусов Ғ.О. Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба. – Тошкент: Ўқувўздавнашр, 1937; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент, 1962; Решетов В.В. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1965. – № 5; Абдуллаев Ф. Фонетика Хорезмских говоров. – Ташкент, 1967; Ишаев А. Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1961; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. – Тошкент: Фан, 1967; Шерматов А. Каршинский говор узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Алиев А. Ю. Уйчинский говор узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент, 1975; Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1974; Шарипов Ҳ. Жанубий Қирғизистон ўзбек шевалари: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1964.

тадқиқотлари мавжуд, бироқ ўзбек тили диалектлари, уларнинг ареаллари масаласи етарли даражада ўрганилган эмас. Хусусан, Наманган вилояти жануби-ғарбий ҳудуди шевалари ҳам алоҳида олиниб, уларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари очиб берилмаган, монографик тарзда ўрганилмаган.

Жануби-ғарбий Наманган (ЖҒН) шеваларидаги ўзига хос фонетик-фонологик хусусиятларини таҳлил қилиш, товушлар тизимини тасниф ва тавсифлаш, фонетик жараёнларнинг тарихий генезиси, уларнинг тарқалиш ва амал қилиш ареалини белгилаш ва хариталаштириш масалаларининг амалга оширилиши ўзбек ареал тилшунослиги соҳаси ривожига ҳисса бўлиб қўшилиши табиий.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги масалаларни ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик:

1) жануби-ғарбий Наманган шеваларининг фонетик ва фонологик хусусиятларининг генезиси ва тарихий-қиёсий асосларини, этнолисоний белгилари ҳамда гуруҳ ва шохобчаларини аниқлаш;

2) мазкур шеваларнинг ҳудудий таснифини тавсия қилиш ва унинг таркибий ҳамда ташкилий тизими хусусиятларининг ареалини белгилаш;

3) шевалар ареалининг фонетик-фонологик структурасини адабий тил, ўзбек шевалари ҳамда туркий тиллар билан қиёслаш;

4) жануби-ғарбий Наманган шевалари товушлар тизимининг парадигматик ва синтагматик хусусиятларини, шевага хос фонетик ҳодисаларнинг бошқа шеваларидан фарқи ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, унинг ўзбек шевалари системасида тутган ўрни ҳамда ўзбек адабий тили билан муносабати каби масалаларни ёритиш.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари лингвогеографик, ареал-лисоний, анализ, синтез, индукция, дедукция, тарихий-қиёсий, дистрибутив таҳлил усуллари орқали ўрганилди.

Олдимизга қўйган вазифаларни бажариш асносида жануби-ғарбий Наманган шевалари ўзига хос характерли лингвистик хусусиятлари чуқурроқ ўрганилди. Фонетик-фонологик структураси шохобчаларга ажратилди ва хариталаштирилди. Шеванинг гуруҳ ва шохобчалари этногенезиси, уруғ ва қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши

(миграция), бирлашиши (консолидация) жараёлари илмий-тарихий асосда далилланди. Дунё туркий тиллари ва ЖҒН шеваларининг фонетик-фонологик тизимидаги товушларнинг вариантлашуви, кучли ва кучсиз оппозицияси ва артикуляцион-акустик жиҳатларидаги муштарак белгилар аниқланди. Шева ареали субстратининг ўзаро бирлаштирувчи изоглосслари қадимги бобо тил ва эски ўзбек тилининг тарихий далиллари асосида белгиланди. ЖҒН шевалари ундошлар тизимида қадимги туркий ҳамда эски ўзбек тилларининг фонетик структурасига хос айрим (х, ң(нг), п каби) рудимент фонемалар мавжудлиги исботланди.

ЖҒН шевалари фонетик-фонологик хусусиятларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар, яратилган шева ареал-лингвистик харитаси, асосланган мос ҳодисалар, инновация маркази, иррадиация белгилари ва тил ландшафти диалектология, ўзбек ареал тилшунослиги, тилшунослик назарияси, фонетика, фонология, лексикология, лексикография каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун фактик материал ва маълумотлар бериши шубҳасиз. Мазкур материаллардан ўзбек тилининг умуммиллий диалектологик харитаси ва миниатласлар тузиш, туркий этимологик, ҳудудий-лисоний ва қиёсий-тарихий йўналишдаги изланишлар, ўзбек диалектологияси ва ареал тилшунослик фанини ўқитишда махсус курс ва семинарлар ташкил этишда кенг фойдаланиш мумкин.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДИАЛЕКТАЛ АРЕАЛИ ВА ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ШЕВАЛАРИ

1-фасл. Ўзбек шевалари фонетик-фонологик хусусиятларининг ареал ўрганилиши

Даврлар ўтиши билан маълум бир тилда сўзлашувчи этник гуруҳлар яшаш жойларини ўзгартириши, янги жойда ўтроқлашиши ва, шу билан бирга, ўз тиллари билан маҳаллий тилга таъсир этиши кузатилади. Демак, муайян диалект турли ҳудудга тарқалиши, шу ҳудудларда маҳаллий диалектларни сиқиб чиқариши ёки улар билан қоришиб айрим элементларини сақлаб қолиши мумкин. Бу жараёнларни ўрганиш диалектологлар зиммасидаги вазифадир. Шеваларни ўрганиш, уларнинг тарқалиш кўламини аниқлаш географик билимларсиз амалга ошиши мушкул.

Шундай экан, тилшунослик билан география ўртасида узвий муносабат бўлиши табиий. Бундай муносабат, айниқса, муайян лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш ҳудудларини белгилашда лингвистик ва диалектал атласлар тузишда ёрқин намоён бўлади.

Тилшунослик билан географиянинг ана шундай муносабатига эътибор қаратилиши натижасида лингвистик география ёки лингвогеография ва ареал лингвистика фани пайдо бўлди.

Жаҳон ареал тилшунослигининг кўп мундарижалилигига сабаб шуки, у италян неолингвистлари (М.Бартоли, Дж. Бонфанте, В.Пизани, В.М.Жирмунский, В.Н.Головин ва бошқалар), лингвогеографлар (К.де Монбре, Жон Жильерон, Д.Монье, Г.Венкер, Ф. Вреде, К.Яберг, Я.Юд, П.Меер, В.М.Жирмунский, С.И.Бромлей, Д.И.Эдельман, Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева, Р.Я.Удлер ва б.) ҳамда тиллар иттифоқи йўналиши вакили бўлган (М.Эменэу, В.Винтер, И.Балазс, М.Ж.Бартоли, Дж.Виддаси, Ю.С.Маслов ва бошқалар)нинг амалга оширган тадқиқотлари самараси сифатида шаклланди⁴. Тадқиқотлар негизида ареал лингвистик концепцияларнинг тадрижий тараққиётини анализ

⁴ Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 5.

ва синтезлаш натижасида диалектларни умумий тилшуносликнинг бир аспекти сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди. Диалектларни ареалогик тамойиллар ва лингвистик тадқиқот методлари асосида ўрганиш муҳим муаммо сифатида қўйилди.

Жаҳон тилшунослигининг ареалогия соҳаси вакиллари ўз илмий қарашларида миллат тилини диалектологик манба – материалларни лингвистик география, ареал лингвистика тамойиллари асосида бир бутун, яхлит – умумий тарзда ўрганиш кўпроқ самара беришини исботладилар. Уларнинг илмий қарашлари, асарлари у ёки бу тил ҳодисасининг ҳудудий тарқалишини кўрсатувчи лингвистик харитага туширилган белгилар – изогласса* тушунчасининг моҳиятини очиб берди.

XX асрнинг 50-60-йиллардан бошлаб туркийшунослар ҳам лингвистик географияга, лингвистик хариталар тузиш муаммоларига диққатини жалб этдилар. Бу муаммога бағишланган Н.А.Баскаков⁵, М.М.Ширалиев⁶, Н.З.Гаджиева⁷, Э.В.Севортян⁸, Ш.Шоабдурахмонов⁹, А.Шерматов¹⁰, Н.Б.Бурганов¹¹ сингари олимларнинг асарлари майдонга келди.

* **Изогласса:** *изофонема – фонетик белги, изоморфема – морфологик белги, изогласса – лексик белги.*

⁵ Баскаков Н.А. Ареалы и маргинальные зоны в развит тюркских языков // Народы и языки Сибири: ареальные исследования. – М., 1978.

⁶ Ширалиев М. М. Азэрбајчан диалектологјасының асаслари. – Баку, 1981.

⁷ Гаджиева Н.З. Проблемы тюрской ареальной лингвистики среднеазиатский ареал. – М.: Наука, 1975.

⁸ Севортян Э.В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюркских языках, Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. I. Фонетика. – М., 1955.

⁹ Шоабдурахмонов Ш. Қўқон шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари // Ўзбек диалектологияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1957; Етакчи ўзбек шаҳар шеваларининг классификацияси масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965, №1. – Б.33-38. Ўзбек тилининг диалектологик атласи // Ўзбек тили ва адабиёти. –1969, –№3. – Б. 33-38.

¹⁰ Шерматов А. Қарши шевасининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ученые записки ТГПИ. Вып. XII. –Ташкент, 1959; Каршинский говор узбекского языка: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1960; Из опыта картографирования узбекских говоров Низовья Кашкадарьи // VII региональная конференция по диалектологии языков. – Алма-Ата, 1973; Диалектное членение узбекского языка // Вопросы диалектологии тюркских языков. –Уфа, 1985; Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. – Ташкент, 1978; Лингвистик география нима? – Тошкент, 1981; Шерматов А., Шаабдурахманов Ш. Атлас узбекских народных говоров // Тюркское языкознание: материалы III Всесоюзной конференции. –Ташкент, 1985.

¹¹ Бурганов Н. Б. Термины животноводства в узбекских говорах Каракалпакии: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1972.

Ўзбек халқ шевалари ранг-баранг хусусиятларни ўзида ифода этади. Уларнинг хариталардаги кўриниши тил ўрганувчилар учун тилшунослик ва диалектологик қонуниятларни тушунтиришда жуда қўл келади. Лингвистик хариталарда кўрсатилган диалектал хусусиятлар ва уларнинг тарқалиши тилшуносларга айрим тил ҳодисаларининг тарихий тараққиёти, ўзбек миллий тилининг шаклланиш жараёнлари, адабий тил такомилли каби талай масалаларни янада чуқурроқ ва мукамалроқ ўрганиш имконини беради.

Лингвистик ҳодисаларнинг муайян кенгликда тарқалиши ва тиллараро (диалектлараро) муносабатларни лингвистик география методлари асосида ўрганувчи, асосий тамойиллари тил хусусиятларининг худудий бўлинишини тавсифлаш ва изоглассаларни талқин қилиш, диалектлар, тиллар ва ареал жамоалар (тил иттифоқлари) ўртасида ўзаро таъсир майдонларини (ареалларини) аниқлаш бўлган ареал лингвистика соҳасида ҳам бугунги ўзбек тилшунослигида бажариладиган вазифалар талайгина.

Ўзбек тилини ареал нуқтаи назардан ўрганишда А.Жўраев¹², Қ.Муҳаммаджонов¹³ сингари олимлар самарали меҳнат қилдилар. Айниқса, бу соҳада ўзбек тилини ареал ўрганилишининг назарий асосларини батафсил ёритиб берган профессор А.Б.Жўраев хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Заҳматкаш ўзбек тилшуноси, она тилимиз фидойиси, тил илми тарғиботчиси Абдулҳамид Нурмонов ўзининг “Ўзбек диалектологиясининг шаклланиши ва ривожланиши” номли мақоласида “ўзбек маҳаллий шеваларини ўрганишда “Чигатой гурунги” олға сурган ғоя катта хизмат қилди. Бунга кўра “тилимизнинг адабийлиги арабийлигида эмас, ўзидадир, шуни тиргузмак”, “тилимиз қоидаларини татарча ёхуд усмонлича эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ” керак эди. Шунинг учун “халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлгон эртақлар, мақоллар йиғиб текширмак лозим” деган қарорга келади. Натижада жонли халқ тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бел боғланади”

¹² Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991.

¹³ Муҳаммаджонов Қ. Ареальное исследование узбекских говоров южного Казахстана: Автореф. дисс. ...докт. фил. наук. – Ташкент, 1988; Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент: Фан, 1981.

деб таъкидлаган эди¹⁴. Олим ўзбек шевашунослиги тараққиёти учун муносиб улуш қўшган фан фидойилари ва уларнинг асарлари ҳақидаги фикрлари якунида: “ўзбек диалектологиясининг кенг фронт бўйлаб равнақ топиши ўзбек тилини лингвистик хариталаштириш имкониятини яратди. Шунингдек, лингвогеографик ва ареал тадқиқотлар олиб боришга қулай шароит туғдирди. А.Шерматовнинг лингвогеографияга, А.Б.Жўраевнинг ареал лингвистикага доир тадқиқотларининг дунёга келиши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи” эканлигини кўрсатиб ўтган эди¹⁵.

Дарҳақиқат, А.Б.Жўраевнинг самарали илмий изланишлари ўзбек ареал лингвистикаси соҳасида амалга оширилган ягона иш сифатида аҳамиятли эканлигини эътироф этиш лозим.

Аслида, ўзбек ареал лингвистик тадқиқотларининг назарий асослари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғот-ит турк”, Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарлари билан биргаликда майдонга келган.

Ўзбек шеваларини ареал лингвистик методлари асосида ўрганиш профессор А.К.Боровковнинг Фарғона водийси шеваларидан материаллар тўплашдан бошланган эди. Лекин ўша вақтларда республикада диалектологик ишларни бирлаштирувчи ягона марказнинг йўқлиги бу материалларни ишлаб чиқиш ва хариталарга кўчириш имконини бермади. Орадан маълум вақт ўтгандан кейин, ўзбек шевалари хусусиятларини хариталаштириш ва ареалларини белгилаш иши яна кун тартибига қўйилди.

Е.Д.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, И.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов каби тилшунослар ўзбек ареал тилшунослиги соҳасини илмий асарлари, асосли манба – материаллар билан бойитиб, унинг ривожланишига, такомиллашишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбек диалектлари ареалини хариталаштиришда профессор В.В.Решетовнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш керак. У Тошкент вилоятининг Ангрен ҳудудида диалектологик тадқиқотлар олиб борди ва Оҳангарон воҳасидаги шеваларда учрайдиган фонетик, лексик ва грамматик фарқларни харитага

¹⁴ Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2-жилд, 2012. – Б. 425.

¹⁵ Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Akademnashr, 2-жилд, 2012. – Б.426.

кўчирди. Ўзбек диалектологиясида биринчи бўлиб ўзбек қурама шеваларнинг 49 та лингвистик харитасини тузди. Бу карталар негадир ҳозиргача нашр қилинмади¹⁶.

Кишилар ўртасида бевосита алоқа вазифасини бажарувчи тил товуш ёки товушлар комплекси орқали ўз ифодасини топади. Ўзбек тилшуноси М.М.Миртожиев тўғри таъкидлагандек: “Маълум товуш ёки товушлар комплексида маъно ёки мақсаднинг ифода топиши луғавий бирлик, луғат, лексика ҳисобланади. Шу лексиканинг маълум грамматик қонуниятлар асосида коммуникацияга киришуви нутқ, яъни тилдир. Бу ўринда тилнинг уч босқичдаги таркибий қисми ҳақида гап боради: тилнинг материал манбаи – товушлар; шу материал манбаини ўз воситасида ташиши – лексика, луғат; ўша лексиканинг кишилар мулоқатга киришуви учун ўзаро коммуникатив алоқада бўлиш қонунияти – грамматика.. Товуш тилни намоён этувчи материалдир”¹⁷. Шу боисдан ҳам тилнинг фонетик жабҳасига қизиқиш ва бу борада амалга оширилган илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар ўзининг узоқ тарихига эга.

Прага тилшунослик тўғрагининг “Тезис”ларида тилнинг товуш жабҳасига хос тадқиқотлар хусусида сўз юритилиб, лингвистик тадқиқотларда сўзловчининг мақсадини рўёбга чиқарувчи акустик тимсолларни биринчи, асосий ўринга қўйиш зарурлиги таъкидланади¹⁸.

Дарҳақиқат, билдириладиган ҳар қандай фикрларнинг ашёвий қобиғини акустик бирликлар ташкил этади. Фикрнинг яхлит ашёси жумла (гап) ҳисобланса, шу жумланинг ашёсини товуш ва товушлар йиғиндисидан иборат бутунлик ташкил этади. Сўз таркибидаги товуш қобиғи ҳудудий, ҳатто, индивидуал шахсий фарқлар билан идрок этилади. Бу ҳол айрим ҳудудий тилларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишга хизмат қилади.

“Тезис”ларда: “барча тилларнинг фонетик-фонологик тасвири лингвистиканинг муҳим муаммосидир”¹⁹ каби

¹⁶ Шерматов А. Лингвистик география нима? – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 4.

¹⁷ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 5.

¹⁸ Тезисы Пражского лингвистического кружка. В книг. Звегенцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Част II. – М.: Просвещение, 1965. С. 126.

¹⁹ Тезисы Пражского лингвистического кружка. – С. 127.

билдирилган фикрлар ўзбек шевашунослиги учун ҳам тааллуқли бўлиб, ўзбек шевалари фонетик-фонологик структурасидаги ҳали мукамал ўрганилмаган жиҳатларни ёритиш, уларнинг илмий асосини белгилаш тилшунослигимизнинг олдидаги асосий вазифалардан бири сифатида белгиланишига зарурат туғилмоқдаки, бу халқ жонли тилини синчиковлик билан ўрганишни тақазо этади.

Ҳар қандай фаннинг тадрижий – эволюцион тарзда ривожланиши янгилик эмас. Шарқда туркология, аynиқса, диалектологияга XI асрдаёқ Маҳмуд Кошғарий²⁰, кейинчалик, Алишер Навоий²¹ томонидан тамал тоши қўйилган бўлса, ҳозирда ҳам биз учун уларнинг илмий қарашлари ўзбек тилшунослигининг маёғи сифатида ноёб қўлланма ҳисобланади.

Туркий тилларнинг илмий ўрганилиши ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек диалектологияси соҳасининг ривож топишида муҳим ўринга эга. Бу борада профессор Н.А.Баскаков²² ва бошқа кўплаб турколог олимларнинг илмий-назарий концепциялари туркология ва ўзбек шевашунослиги тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, ўзбек диалектлари ареалини ўрганиш соҳасида профессор Е.Д.Поливанов салмоқли назарий ва амалий ишларни амалга оширди ва ўзбек шеваларини биринчилардан бўлиб тасниф қилди²³.

Профессор К.К.Юдахин²⁴ ўзбек шевалари генезисида жуда катта аҳамиятга эга бўлган тиллар интерференциясига, хусусан, ўзбек-уйғур ва қирғиз-ўзбек-тожик тиллари орасидаги ўзаро муносабатлар масаласини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор

²⁰ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғат-ит турк. (Тарж. ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов). – Тошкент, 1960-1963.

²¹ А. Навоий. Муҳокамат-ул луғатайн. Тўла асарлар тўплами. 16-т. – Тошкент, 1991.

²² Баскаков Н.А. Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана // Народы Ср. Азии и Казахстана. – М., 1962; К вопросу о классификации тюркских языков // Изв. АН СССР. XI Вып. 2. – М., 1952. – С. 121-135.

²³ Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. 1. Введение. – Ташкент: Узгосиздат, 1935; Узбекская диалектология и узбекский литературный язык (к современной стад узбекского языкового строительства). Ташкент, 1933. – 45 с.

²⁴ Юдахин К.К. Узбекско-уйгурские языковые связи // Изв. АН КазССР. – № 86. Серия уйгуро-дунганской культуры. Вып. I. – Алма-Ата, 1950. – С. 28-30; Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958. – №1. – С. 31-35. Водил қишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз // Труды САГУ. – Ташкент, 1957; Некоторые особенности Карабулакского говора. – Тошкент, 1957. – С. 31-59.

қаратди. Унинг эски туркий чўзиқлик ва қадимги морфологик шаклларни ўзида сақлаган Қорабулоқ, Водил, Лайлак шеваларига, Чигатой тили товуш тизимини ўрганишга бағишланган бир қатор асарлари майдонга келди.

Профессор А.К.Боровковнинг илмий ишларида ўзбек-тожик тилларининг ўзаро муносабати, ўзбек шеваларининг таснифи ва тавсифи, ўзбек диалектлари фонетикасига алоҳида эътибор қаратилган²⁵.

В.В.Решетов ўзбек шевалари фонетикаси, транскрипцияси, ўзбек миллий тилининг диалектал асоси ва шу каби ўзбек шевашунослигининг бир қатор муҳим масалаларини ойдинлаштирди. У Республикамизнинг Тошкент, Марғилон, Наманган каби бир неча йирик шаҳарлари шеваларини синчиковлик билан ўрганди. Изланишлари натижасида ҳозирги ўзбек адабий тилига асос бўлган Тошкент ва Фарғона ва бошқа ўзбек шеваларнинг адабий тилга бўлган муносабати, уларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослади. Олим фақат шаҳар шеваларини ўрганиш билан чекланмай, қипчоқ шеваларининг ўзига хос хусусиятларини ҳам батафсил ўрганди. У Тошкент вилоятидаги қурама шеваларининг лингвистик хусусиятлари тадқиқи мобойнида тўпланган материаллар асосида қурама генезисининг илмий-назарий ва амалий асосини аниқлашга муваффақ бўлди ва қурама шеваларининг ўзига хос хусусиятларини, айниқса, фонетик сатҳини атрофлича таснифлади²⁶.

Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, Я.Ғуломов, Ш.Афзалов, Х.Донёров, А.Ю.Алиев, Қ.Муҳаммаджонов, Й.Иброҳимов каби диалектолог олимларимиз ўзбек шеваларининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикасини ўрганиш борасида муваффақиятли иш олиб бордилар.

Шу ўринда айтиш керакки, ўзбек шевалари, уларнинг фонетикасини ўрганишда ўзбек диалектологиясининг ўз

²⁵ Боровков А.К. Вопросы классификации узбекских говоров // Изв. АН УзССР. – Ташкент, 1953. – № 5. – С. 58-74; Узбекский говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963.

²⁶ Решетов В. В. Ўзбек шеваларининг классификацияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1966, – №1. – Б. 3-14; Решетов В.В. К вопросу о термине “курама” и кураминцах. – Бюллетень АН Уз ССР. – Ташкент, 1945. – №5; Классификации узбекских говоров Ангренской долины. – Бюллетень АН Уз ССР. – Ташкент, 1946. – №7;

анъаналари, ўзига хос тамойил ва асослари бор²⁷. Ўзбек шевалари фонетикасининг илмий асосда ўрганилишини Е.Д.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, А.К.Боровков, В.В.Решетовлар бошлаб берган анъана ва тенденцияларни Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, Х. Донёров, С.Иброҳимов, А.Ишаев, А.Алиев, Н.Ражабов, Ш.Носиров, С.Отамирзаева, Ҳ.Узоқов, С.Туляков ва бошқа олимлар давом эттирдилар.

Ўзбек диалектологияси соҳасида шевалар фонетикасига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг кўлами ортиб борди. Жумладан, А.Ишаевнинг Манғит шеваси фонетикасига бағишланган изланишларида²⁸ Манғит шевасининг ўзига хос хусусиятлари, фонема ва товушлари, товуш ўзгариш ҳодисалари ва бўғинлари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Ф.Абдуллаевнинг ўзбек шевалари фонетикасига бағишланган диалектологик изланишлари²⁹ ўзининг салмоғи, илмий қиммати билан аҳамиятли. Унинг ўзбек шевалари нутқ товушлари ва уларнинг ўзгаришлари, сўз урғуси хусусида чиқарган асосли илмий-назарий фикрлари ва хулосалари шева фонетикасини ўрганиш борсида бурилиш ясади.

С.Отамирзаеванинг Наманган шеваси фонетикасига бағишланган монографиясида³⁰ Наманган шаҳар шевасининг

²⁷ Шаабдурахманов Ш. Ўзбек шевалари, улар ҳақида умумий маълумот // Ўзбек халқ шевалар луғати. – Тошкент, 1971; Абдуллаев Ф.А. Фонетика Хорезмских говоров. – Ташкент, 1967; Гулямов Я. Г. Морфология ташкентского говора: Автореф. дис. ... канд. фил. науки. – М., 1954; Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеваси. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. 1. – Тошкент, 1957; Донёров Х. Восточно-кыпчакский (джекающие) говоры и их участие в развитии узбекского литературного языка. Автореф. дисс. ...докт. фил. науки. – Ташкент, 1977; Алиев А.Ю. Уйчинский говор узбекского языка: Авто-реф. дисс. ...канд. фил. наук. –Ташкент, 1960; Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. фил. наук. –Ташкент, 1975; Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Козогнстондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан. – 1981; Иброҳимов Й. Жанубий оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи: Фил. фанл. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

²⁸ Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. – Тошкент: Фан, 1990; Манғит шевасида ассимиляция ва диссимиляция // Тил ва адабиёт масалалари, 1959. – №3. – Б. 52.; Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II. – Тошкент: Фан, 1961. – 465 б.

²⁹ Абдуллаев Ф. А. Фонетика. – Тошкент: Фан, 1967; Фонетика Хорезмских говоров. – Ташкент, 1967; Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961; Хоразм шевалари таснифи масаласи. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II. – Тошкент: Фан, 1961.

³⁰ Отамирзаева С. Звуковой состав Наманганского говора узбекского языка. – Ташкент, 1963; Экспремен-тально-фонетическое исследование Наманганского говора узбекского языка. –Ташкент, 1974.

фонетик структураси экспериментал таҳлиллар асосида ўрганилиб, унинг бошқа ўзбек шеваларидан фарқли, ўзигагина хос белгилари аниқланган.

Булардан ташқари, А.Турғуновнинг ўзбек тили Балиқчи гуруҳ шеваларининг фонетик структураси, Ҳ.Ҳамроевнинг ўзбек тили Қашқадарё шеваларининг асосий фонетик хусусиятлари, Д.Абдуллаеванинг ўзбек тили Ошоба шевасининг фонетик хусусиятлари мавзуларидаги тадқиқотларида ҳам ўзбек шеваларининг фонетик структураси, фонетик ҳодисаларга оид жараёнлар, фонетик қонуниятлар диалектал таҳлил қилинган³¹.

Кейинги пайтларда ўзбек диалектологияси ўзбек тилшунослигининг анча мукамал тармоғи сифатида шаклланган бўлишига қарамай, соҳа бўйича амалга ошириладиган илмий изланишлар кўлами сустлашиб кетди.

Барча ўзбек шевалари ва уларнинг лисоний хусусиятлари лингвистик география, ареал тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлилга тортилган деб бўлмайди. Айниқса, Ўзбекистоннинг марказий ва аҳолиси зич йирик шаҳарларидан узоқ жойлашган аҳоли шеваларини ареал ўрганилиши ҳали ўз якунини топмаган. Диалектал фактларни ўрганиш халқимиз миллий вакилларнинг этник, ментал, маънавий ва маданий хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Зеро, тил миллатнинг бебаҳо қадрияти, Биринчи Президентимиз таъкидлаб ўтганидек: “тилда миллат руҳи яшайди”.

Аниқки, халқ шевалари адабий тилининг ёзма ёдгорликларига нисбатан ҳам қадимийроқ тарихий манбадир. Бизгача етиб келган ёзма ёдгорликларда учрамайдиган тил фактлари шеваларда сақланиб қолган. Шунинг учун шева материалларини тадқиқ этиш тилнинг онтологик табиатини очиб бериш имконини беради.

³¹ Турғунов А. Фонетическая структура балыкчинской группы говоров узбекского языка: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1969; Ҳамраев Х. Основные фонетические особенности Кашкадарьинских говоров узбекского языка. – Ташкент, 1973; Абдуллаева Д. Ўзбек тили Ошоба шевасининг фонетик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1999.

2-фасл. Наманган вилояти шевалари ареали ва уларнинг ўрганилиши

Ўзбек шеваларини ўрганишда шеваларга хос хусусиятларни биргина тасвирий-тавсифий жиҳатдан эмас, балки аниқ тарихий-этимологик, туркий ва бошқа тилларнинг фактик элементлари асосида қиёсан тадқиқ қилиниши ва шу нуқтаи назаридан баҳоланиши кўплаб тарихий-лингвистик, диалектологик, лингвогеографик, ареалогик ва ҳозирги адабий тилдаги назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топишда жуда катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Чуст, Косонсой, Наманган шаҳарлари ҳамда ўнта: Учқўрғон, Уйчи, Норин, Янгиқўрғон, Чортоқ, Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Чуст, Поп тумани каби ички маъмурий ҳудудлардан ташкил топган бўлиб, ареалда турли тиллар ҳамда ўзбек тилининг қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаларида сўзлашувчи 2603012 нафар аҳоли истиқомат қилади.* (Иловалар: 1- чизмага қаранг).

Вилоят шевалари ва уларнинг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотларнинг мавжуд бўлишига қарамай, унинг барча ҳудудий шевалари лингвистик жиҳатдан таҳлилга тортилмаган, ҳали ўрганилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд.

Ўзбек тилшунослигидаги Наманган шевалари тадқиқига бағишланган ишларда, асосан, Наманган шаҳар ва Уйчи тумани шевасининг лингвистик хусусиятлари кенгроқ ўрганилган³². Шу

* Наманган вилояти статистика бошқармасининг 2018 йил 2-март № 01/2-01-08-321-сонли маълумотномаси.

³² Алиев А.Ю. Уйчинский говор узбекского языка. Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1960; Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. фил. наук – Ташкент, 1975; Атамирзаева С. Звуковой состав Наманганского говора узбекского языка: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Л., 1963; Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1974. Тулаков С. Наманган шаҳар шевасида эгалик ва келишик қўшимчалари. Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1962; Наманган шаҳар шевасидаги равишларнинг баъзи хусусиятларига доир. Адабиёт ва тилшуносликка оид тадқиқотлар. –Тошкент, 1965; Наманган шаҳар шевасида феълларнинг тусланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965.– № 2; Морфологические особенности наманганского говора: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1965; Наманган шаҳар лексикасидан материаллар. Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент. 1966; Шарипов О. Поп шевасининг морфологияси. Ученые записки АГПИ. IV. – Андижан, 1957.

билан бирга, Наманган вилоятининг Чортоқ, Поп, Учқўрғон ва Наманган тумани шевалари ҳам қисман тадқиқот объекти бўлган. Вилоятнинг бошқа шева ареаллари батафсил ўрганилмаганлиги учун улар ҳақида фикрлар кам.

Вилоятнинг маъмурий маркази Наманган шаҳар шевасининг ўзига хос шаклланиш жараёнларида нафақат туркий, балки форс-тожик тилининг фонетик, лексик ва грамматик белгилари муҳим роль ўйнаган. Шу жиҳатлари билан бошқа ўзбек шеваларидан фарқ қилувчи Наманган шаҳар шевасининг ўзига хос лисоний хусусиятларини Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, Ғ.О.Юнусов каби олимлар ўргандилар, таснифладилар ва таҳлил қилдилар. Натижада шеванинг лингвистик хусусиятлари ҳақида асосли тўхтамларга келинди.

Маҳаллий тилнинг туркий ва туркий бўлмаган тил унсурлари, типологик ва ареал-лингвистик методлар орқали, этногенезисининг манбалари илмий-фактик материалларга асосланиб, уларга таянган ҳолда ўрганилиши натижасида шева ҳақидаги мавҳум ва ноаниқ ҳолатлар ойдинлашди³³.

Наманган шаҳар шевасининг фонетик ва морфологик хусусиятлари С.Отамирзаева ва С.Туляковлар номзодлик диссертацияларида³⁴ тадқиқ этилган. Уйчи шевасининг лисоний хусусиятларини А.Ю.Алиев ўрганди.

А.Ю.Алиев ўзининг докторлик диссертациясида³⁵ вилоят шеваларининг фонетик, лексик ва морфологик жиҳатларига умумий тавсиф берган ҳолда, Наманган шаҳар худуди ва унга

³³ Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. 1. Введение. – Ташкент, 1935; Узбекская диалектология и узбекский литературный язык (к современной стад узбекского языкового строительства). – Ташкент, 1933. – С. 20-21; Боровков А.К. К характеристике узбекских “умлаутный” или “уйгуризованных” говоров. Сб. Белек (С.Е. Малову). – Фрунзе, 1946. – С.29-30; Узбекские говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963; Решетов В.В. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – № 5. 1960. – Б. 44; О наманганском говоре узбекского языка. Сб. Академику В.А.Гордлевскому. – М., 1953. – С. 216; Юнусов Ғ.О. Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба. – Тошкент: Ўқувўздавнашр, 1936. – Б.36.

³⁴ Атамирзаева С. Звуковой состав Наманганского говора узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Л., 1963; Тулаков С. Морфологические особенности наманганского говора: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1965.

³⁵ Алиев А.Ю. Уйчинский говор узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1960; Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. фил. наук. – Тошкент, 1975; О наманганском диалекте (классиф. наманганского диалекта). Сб. Вопросы узбекского языка и литературы. –Тошкент: Фан, 1968; Из фонетики наманганских говоров // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – 1974.

яқин жойларда яшовчи аҳоли шеваларини батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Ҳ.Шарипов номзодлик ишининг³⁶ айрим ўринларида Қирғизистон жанубига қўшни бўлган Янгиқўрғон туманининг баъзи қишлоқ шевалари ҳақида қисман маълумотлар мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилганидек, жануби-ғарбий Наманган ҳудуд шеваларининг ўзига хос хусусиятлари батафсил аниқланмаган, тўлиқ ёритилмаган, бироқ диалектолог олимлар: А.Ю.Алиев³⁷, С.Туляков³⁸ О.Шарипов³⁹ ишларида қисқа-қисқа маълумотларни учратиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Наманган вилоятидаги диалектлар ҳақидаги илк маълумотлар В.Наливкин ва М.Наливкиналар томонидан яратилган луғатда қайд этилган⁴⁰. Бу луғат ўзбек диалектологияси соҳасида, хусусан, Наманган шеваси бўйича қилинган биринчи иш бўлгани учун аҳамиятлидир. А.Алиев ва С.Туляковларнинг таъкидлашича, Наливкинлар луғатида шева хусусиятлари аниқ транскрипция белгилари билан берилмаганлиги учун Наманган шевасига хос ўринларни ажратиб олиш қийин⁴¹. Ишга ўша давр нуқтаи назари билан ёндашиш ўринлидир.

Швед туркшуноси Гуннар Яррингнинг Наманган диалектига кирувчи Қилич шевасига бағишланган инглиз тилидаги китобчаси (*Jarring G. The Uzbek Dialect of Qilich. (Ўзбек тилининг Қилич шеваси) Leipzig, 1937*) чоп этилади. Ишда, тилшуносларнинг эътирофича, ҳозирги Чуст туманига қарашли Қилич (ҳозирги Узун қишлоғи) шевасининг айрим фонетик,

³⁶ Шарипов Ҳ. Жанубий Қирғизистон ўзбек шевалари: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Тошкент, 1967.

³⁷ А.Ю.Алиев Наманган диалекти лексикасидан кузатишлар. Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966.

³⁸ С. Туляков. Морфологические особенности наманганского говора: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Тошкент, 1965; Наманган шаҳар лексикасидан материаллар. Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966.

³⁹ Шарипов О. Поп шевасининг морфологияси. Ученые записки АГПИ. IV – Андижан, 1957.

⁴⁰ Наливкин В., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русская словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. – Казань, 1884.

⁴¹ Алиев А.Ю. Наманган диалекти ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан. 1967. – Б. 37-45; Туляков С. Морфологические особенности Наманганского говора узбекского языка: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – 1965. – С. 6.

морфологик ва лексик хусусиятларининг тасвирий баёни келтирилган⁴².

“Гуннар Ярринг Ўзбекистонда, жумладан, унинг атрофидаги жойларда, Наманган шаҳрида бўлган эмас, – дейди А.Ю.Алиев. – Матнлар, муаллиф маълумотиغا кўра, Қилич қишлоғидан Афғонистонга қочиб ўтган бир мулланинг ўғли Аҳмаджон деган кишидан ёзиб олинган. Гуннар Ярринг ана шу кишидан ёзиб олган шева материалларига асосланиб, 1937 йилда “Ўзбек тилининг Қилич шеваси” китобчасини нашр қилдирган. Китобда сўз бошидан ташқари, ўзбек шевалари хусусиятларини кўрсатувчи бўлимлар билан бирга шевага хос матнлар ҳам берилган”. А.Ю.Алиевнинг ёзишича, Г.Ярринг шева вакилидан ёзиб олган “Билагузук” кўшиғи ва “Уч ёлғондан қирқ ёлғон” эртагига таяниб, ўз изланишларига хулоса ясаган.

Маълумки, ўзбек тили кўп шевалидир. Айниқса, Наманган шаҳар шеваси бошқа ўзбек шеваларидан ўзига хос лисоний жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади. Наманган шаҳар диалекти ҳақида айрим фонетик, лексик ва грамматик белгилар, айниқса, жаҳон тилларида кам кузатиладиган ҳолатлар, “тилми бу ёки шевами?”⁴³ каби саволлар қўйилиши сабабли шева тилшуносларни қизиқтириб қолди ва уни жиддий ўрганишга киришилди. Натижада Наманган шеваси бўйича бир қатор илмий изланишлар ва тадқиқотлар амалга оширилди.

Профессор А.К.Боровков “умлаутли” ёки “уйғурлашган” шевалар таснифига доир” мақоласида Наманган, Уйчи, Чортоқ, Короскон, Учқўрғон, Қайқи каби шевалардаги умлаут ҳодисасининг вужудга келиш сабабларини мисоллар билан изоҳлаган. Бундан ташқари, Уйчи қишлоғи вакилларидан ёзиб олган бир неча мақолларни илова қилган⁴⁴.

Профессор А.К.Боровков 1944 йилда амалга оширилган диалектологик экспедиция даврида тўпланган материаллари асосида “Наманган вилоятидаги ўзбек шевалари” номли

⁴² Алиев А.Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. фил. наук. – Ташкент, 1975. – С.8.

⁴³ Наливкин В., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русская словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. – Казань, 1884. – С. 6.

⁴⁴ Боровков А.К. К характеристике узбекских “умляутных” или “уйгуризованных” говоров // Белек – Малову. – Фрунзе, 1946. – С. 29-31; Вопросы классификации узбекских говоров // Изв. АН УзССР. – 1953, – № 5. – С. 58-74.

мақоласини ёзади. Унда Наманган вилоятининг бир қатор ҳудудларидаги ўзбек шеваларининг айрим фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларини кўрсатиб берган. Мақолада Наманган гуруҳ шеваларининг тарихий генезиси, уларнинг таснифи масалалари ёритилган бўлиб, шева ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун жуда аҳамиятлидир⁴⁵.

Профессор В.В.Решетов “Ўзбек тилининг Наманган шеваси ҳақида” мақоласида Наманган шаҳар шевасининг тарихий шаклланиши, унинг фонетик ва морфологик хусусиятларини биринчилардан бўлиб батафсил илмий асослаб беришга ҳаракат қилди⁴⁶.

Шундай қилиб, илдизлари узоқ ўтмишга, турли этногенезисга эга бўлган Наманган вилояти шевалари бир қатор тилшуносларнинг диққатини тортди. Уларнинг ўзбек шеваларни ўрганиш борасидаги изланишлари ўзбек диалектологиясининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган ва ҳозирда бу жараён аста-секинлик билан давом этмоқда.

Ўзбек тили Наманган шеваларининг илмий-амалий тадқиқи натижасидаги таснифи масалаларидан келиб чиққан хулосаларга қуйидагича муносабат билдириш мумкин:

1. Профессор А.К.Боровков таснифи Наманган вилоятидаги барча ўзбек шеваларини тўлалигича қамраб олмаган. Шунга қарамай, таснифда кўрсатилган айрим шеваларни, айниқса, Наманган шаҳар ва унга яқин жойлашган ҳудудлар шеваларини ҳамда алоҳида кичик гуруҳ шеваларини ҳам шаҳар тип “умлаутлашган” шевалар таркибга киритган⁴⁷. Бироқ олим мазкур шева хусусиятларига асосланиб, вилоятнинг барча ҳудуд шеваларини “умлаутлашган” шевалар тоифасига киритганлигига қўшилиб бўлмайди. Чунки вилоятнинг аксарият шевалари қипчоқ лаҳжасига мансубдир. Бизнингча, олимнинг бундай хулосага келишининг сабаби илмий экспедиция суронли уруш

⁴⁵ Боровков А.К. Узбекские говоры Наманганской области. Научные труды ТашГУ. Языкознание. Вып. 211. – Ташкент, 1963. – С.3-39.

⁴⁶ Решетов В.В. О наманганском говоре узбекского языка. Сб. Академику В.А.Гордлевскому. – М., 1953. – С. 216.

⁴⁷ Боровков А.К. Вопросы классификации узбекских говоров // Изв. АНУз ССР. –№ 5. – 1953.– С. 58-74; К характеристике узбекских “умляутных” или “уйгуризованных” говоров // Белек – Малову. – Фрунзе, 1946. – С. 29-31; По поводу теории “иранизации” узбекского языка. Извест. АН Узб. – № 8. 1955. – С.79-92.

даврларига тўғри келганлиги, вилоят марказидан олисдаги аҳоли яшаш манзилларига етиб бориш имконияти чегараланганлигида бўлса керак. Бу борадаги олимнинг илмий жасорати ва фаолияти эътирофга лойиқ.

2. Профессор Е.Д.Поливанов ҳам ўзбек шевалари таснифлашда Наманган диалектига кирувчи Наманган шаҳар ва унга яқин жойлашган Чортоқ, Уйчи ҳамда Шаҳанд (Тўрақўрғон туманидаги қишлоқ) аҳоли пунктлари шеваларини эронлашган шеваларнинг уйғурлашган ёки умлаутли *4-а типига* киритган⁴⁸. Олимнинг Наманган шаҳри, Чортоқ, Уйчи туманлари шеваларини эронлашган тип шевалар гуруҳига кириши ҳақидаги фикрларига қўшилиш мумкин. Лекин қипчоқ лаҳжасининг типик вакиллари истиқомат қилувчи йирик Шаҳанд қишлоғи шевасининг бу типга киритилиши мунозаралидир. Чунки бу энг қадимий аҳоли яшаш жойида азалдан “й”ловчи ва “ж”ловчи қипчоқ уруғлари (сарой, олчин, қотоғон, қурама каби) яшаб келадилар.

3. Профессор Ғози Олим эса фақат Наманган шаҳар шевасини назарда тутиб, бутун Наманган вилоятидаги шеваларни Туркбарлос лаҳжасига киритади⁴⁹. Бу тасниф ҳам Наманган вилояти диалектларини тўла қамраб ололмайди. Унинг ишларида ЖҒН шевалари ҳақида маълумотлар камроқ учрайди. Маълумки, ўзбек шеваларининг аксариятида туркбарлос шевалари унсурлари мавжуд.

4. Профессор В.В.Решетов Наманган диалектига кирувчи шеваларни санаб қўя қолмай, уларнинг бошқа туркий тиллар ва ўзбек шеваларидаги тутган ўрнини, лингвистик хусусиятларини тарихий қиёслаб, бошқа тилшунослар таснифига нисбатан батафсилроқ таҳлил қилиб берган⁵⁰. Наманган шаҳри, Янгиқўрғон туман маркази, Уйчи, Чортоқ туманлари шеваларини қарлуқ лаҳжасининг умлаутлашган шевалар гуруҳига киритиб,

⁴⁸ Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1933; Материалы по грамматике узбекск. языка. 1 Введение. – Ташкент, 1935. – С. 34-48; Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 30-40. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 23.

⁴⁹ Юнусов Ғ.О. Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба. – Тошкент: Ўқувўздавнашр, 1936. – Б. 21.

⁵⁰ Решетов В.В. О наманганском говоре узбекского языка. Сб. Академику В.А.Гордлевскому. – М., 1953. – С. 216. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 30-40.

асосли таснифлаган. Наманган вилоятининг бошқа диалектал ареаллари ҳақидаги фикрларини шевалардаги лисоний унсурлар асосида умумлаштириб, мисоллар орқали қарлуқ ёки қипчоқ тип лаҳжаларга ажратиш мумкинлигини тарихий фактлар асосида тавсифлаган.

Тўғри, Наманган вилоятининг кўплаб диалектал ареаллари, хусусан, жануби-ғарбий қипчоқ шевалари, уларнинг ўзига хос лисоний жиҳатлари олимларимизнинг юқорида тилга олинган илмий изланишларида, тилга олинмаган. Бироқ, бугунги кунда бу ҳудудда истиқомат қилаётган 439368 нафар аҳоли (*Иловалар: жадвал ва 3-чизмага қаранг*) ўзининг турли ранг ва жилосига эга бўлган ўзбек жонли тили – шеваларида алоқа қиладилар. Диалектал ареалнинг асосий ахамиятга эга ўрни шундаки, улар ўз шеваларида энг қадимги туркий тил унсурларини сақлаб келмоқда, бироқ Наманган вилоятининг жануби-ғарбий диалектал ареали эндиликда монографик тадқиқ объектига айланмоқда.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари грамматик қурилиши, луғавий сатҳи, товушлар тизими ўзига хос жиҳатларга эгаки, уларни илмий жиҳатдан мукамал ва аниқ ҳолатда ўрганиш тилшунослар олдига катта вазифалар юклаши шубҳасиз.

3-фасл. Жануби-ғарбий Наманган шеваларининг этнолисоний белгилари

Жануби-ғарбий Наманган ҳудудидаги туб аҳоли шева белгиларига кўра ҳозирги ўзбекларнинг қадимги икки йирик этник гуруҳи қарлуқ ва қипчоқ лаҳжасига мансуб. Бундан ташқари, бу диалектал ареалда тожик, уйғур, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, рус, татар каби миллатларга мансуб аҳоли вакиллари ҳам истиқомат қилади.

Тарихдан аёнки, ўзбек, тожик, уйғур, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва туркман каби халқларнинг аجدодлари Марказий Осиё ҳудудида асрлар давомида ёнма-ён, аралаш яшаб келган. Дарҳақиқат, ҳар қандай этник ва этномаданий алоқалар, аввало, тилда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян этноснинг тилида юз бераётган ўзгаришлар этнолингвистик жараёнлар сифатида талқин қилинади. Зеро, этнолингвистик жараёнлар тиллараро муносабатлар, алоқалар ва турли мустақил тилларни ўзаро бир-бирига таъсир этиши каби жиҳатларини ҳам қамраб

олади. Жануби-ғарбий Наманган шеваларининг этногенезидаги ана шу жараён турли қардош ва ноқардош тил вакилларининг бир-бирлари билан қадимдан иқтисодий ва маданий алоқада бўлганликларининг тарихий, амалий натижасидир.

ЖҒН ҳудудида яшовчи аҳоли тарихини қадимги Мунчоқтепа (Поп тумани), Ахсикент (Тўрақўрғон тумани) маданияти тарихидан ажратиб қараш асло мумкин эмас. Фарғона водийси қадим-қадимдан маданият марказларидан, барча соҳаларда цивилизация ўчоқларидан бўлганлиги тарихий манба ва илмий асосланган фикрлардан маълум⁵¹.

Жануби-ғарбий Наманган шевалар гуруҳи Наманган вилоятининг Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Поп туманлари таркибида жойлашган йирик ва кичик 140 тага яқин шаҳарча ва қишлоқларни ўз ичига олади.

ЖҒН ҳудуди майдон жиҳатдан вилоятнинг энг катта қисмидир. Диалектал ареалдаги Наманган ва Тўрақўрғон туманлари таркибидаги қишлоқларда аҳолининг зичлик даражаси анча юқори бўлса, Мингбулоқ ва Поп тумани ареалидаги мавжуд қишлоқларда аҳолининг зичлик кўрсаткичи вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан анча паст.

Шимол томондан Тўрақўрғон туманидаги Шимолий Фарғона каналигача, ғарбдан Фарғона вилояти Бувайда тумани ва Поп тумани, шарқдан Наманган шаҳри, жануб томондан Андижон вилоятининг Улуғнор ва Қорақалпоқ чўллари (Марказий Фарғона чўллари), жануби-ғарбий томондан Фарғона вилоятининг Бувайда туманигача бўлган оралиқда жойлашган майдонлар Наманган вилоятининг жануби-ғарбий қисмини ташкил этади. Биз мазкур ҳудудни жануби-ғарбий Наманган

⁵¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғат-ит турк. I том. – Тошкент, 1960-1963; Девону луғат-ит турк. Индекс – луғат. – Тошкент: Фан, 1967. Гумилев. Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001; Қарлуқ қабиласи ва унинг тили ҳақида айрим мулоҳазалар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – № 4. – Тошкент, 1962.– Б. 48; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Иногамов Ш.Н. Этнический состав населения этнографическая Ферганской долины в границах Уз ССР: Автореф. дис. ...канд. истор. наук. – Ташкент, 1955.

диалектал ареали деб белгиладик (Иловалар: 2,8-чизмага қаранг).

ЖҒН диалектал ареалига, Наманган шаҳрига нисбатан жойлашувига қараб, Наманган туманининг Ғалча, Неъматжон, Урганжи, Қоракўл, Тўсар, Олаҳамак, Ўлмас, Катта ўлмас, Элатан, Шишаки, Қоратепа, Қиёт, Курмак, Миришкор, Хонобод, Кичик Тошбулоқ, Катта Тошбулоқ, Хўжақишлоқ, Муллакудунг, Тепакўрғон, Қирғизкўрғон, Оқбулоқ, Юқори Гулдиров, Паст Гулдиров, Бешкапа қишлоқлари; Тўрақўрғон туманининг Оқтош қишлоғи ва Шимолий Фарғона каналининг жануби-ғарбида жойлашган Кичик қурама, Катта қурама, Сарой, Қатағон, Дукарт, Олчин, Калвак, Мозори кўҳна, Бураматут, Бордимкўл, Хўжанд, Ахси, Гулқишлоқ, Шаҳанд қишлоқлари; Мингбулоқ туманининг барча шаҳарча ва қишлоқлари: Чордона, Довдуқ, Терак, Ингичка, Қўшқишлоқ, Шўрсув, Дўмса, Қораёнтоқ, Этак, Ўзгариш, Толли овул, Оққум, Баланд Гуртепа, Гуртепа, Ўртақишлоқ, Мулқобод, Узунтепа, Қайрағочовул, Қумқишлоқ, Дамкўл, Уйчи, Мадёровул, Жомошов, Янги шаҳар, Қирқчек, Момохон, Қолғондарё, Деҳқонобод, Меҳнатобод, Яккатол, Қўғаликўл, Мазгил, Тегирмон, Авангард, Кимбой, Жийдақишлоқ, Гулистон, Найман, Қора шаҳар, Қозоқовул, Охунбобо, Аччиқкўл, Уйурчи дамкўл, Янгобод, Эски Гулбоғ, Янги Гулбоғ, Толлик, Бешсерка, Алами, Гулбоғ; Поп туманининг Қорақалпоқ, Яккатут, Ҳовузак, Канопли, Чиғаноқ, Найман, Мирзаорол, Кичик Мирзаорол, Майдамиллат, Ботирбўтка, Тўққизуй, Учуйли, Бешсари, Қазноқ, Кенагас, Қўштепа, Тўда, Ғурумсарой, Янгичек, Тикарик, Тепакўрғон, Қирчин, Пунгон, Янгиер, Навбаҳор, Қизилчорва, Марғизор, Пахтақайнар, Янгобод, Уйғур, Санг, Чортоқ, Шомозор, Олиш қишлоқлари киради. (Иловалар: 3- чизмага қаранг)

Ўзбек халқи ва ўзбек миллий тилининг шаклланишида кўпгина этник гуруҳларнинг иштирок этгани маълум. Ўзбек миллати ўз этник таркибининг серқирра ва мураккаблилиги билан бошқа туркий халқлардан ажралиб туради. Бу ҳол ўзбек тилининг кўп шеваги тил бўлишига ҳам асос бўлган⁵².

⁵² Эргашев А.А. Андижон вилояти этнопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи. Фил. фанл. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2012.–Б.3; Марқаев К.Ш. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи. Фил. фанл. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008.– Б. 13.

Худудда қадимдан туркий уруғлардан қорақалпоқ, урганжи, элатан, ўлмас, катта ўлмас, қиёт, қурама, сарой, қатағон, олчин, қораёнтоқ, мадёр (монжор), момохон, найман, қозоқ, бешсерка (Мингбулоқ т.), бешсари (Поп т.), кенагас, тўда, қирчин, уйғур, керайит кабиларнинг истиқомат қилгани қишлоқ номларида, яъни этнотопонимлардан ҳам яққол кўриниб туради.

Муайян бир худудда кечаётган этнослараро тил муносабатларнинг ривожланиш даражаси ва кўлами кўп жиҳатдан мазкур худуд аҳолисининг этник таркибига боғлиқ бўлади. Маълумки, турли этник жамоалар орасидаги ўзаро этник муносабатлар этносларнинг аралаш ёки ёнма ён яшайдиган худудларда қизғин кечади⁵³. Жануби-ғарбий Наманган шевалари ареали ҳам қадимдан айнан шундай этномулоқот худуди ҳисобланади.

Қадимдан ЖҒН худуди аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар ташкил қилган. Бундан ташқари, ушбу диалектал ареалда тарихнинг турли босқичларида кўчиб келиб, ўрнашиб қолган кўплаб турли этнос вакиллари⁵⁴ авлодлари ҳам истиқомат қиладилар.

Ўзбек тарихчи олимларимизнинг, хусусан, профессор Улуғбек Абдуллаевнинг Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар ҳақидаги фикрларига асосан, жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали уч этник қатламнинг ўзаро биргаликдаги ҳаёт тарзи, кундалик мулоқот ва алоқа-аралашуви маҳсули – ҳосиласи сифатида қуйидаги мураккаб этнолингвистик жараёнлар орқали⁵⁵ шаклланган:

1. Этник компонентлари узоқ этногенетик ассимиляция (қоришув) натижасида шаклланган эрон тилли халқлар билан туркий этносли шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Улар қадимдан ўтроқ яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган. Уруғ-қабилаларга бўлинмаган. Рус тилидаги адабиётларда аҳолининг бу қатламига нисбатан “сорт” атамаси

⁵³ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б.47.

⁵⁴ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 20 - 40.

⁵⁵ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа (Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). – Тошкент: Фан, 1974. – С. 109-114-116; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 10-11.

қўлланган. (“Сорт” атамаси Марказий Осиё минтақасининг бир қатор ҳудудларида, хусусан, Фарғона водийсида, Тошкент, Хорзам воҳасида яшаган ўтроқ аҳолига нисбатан кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар томонидан берилган номдир⁵⁶. Ҳозирда ҳам маҳаллий тил вакиллари бир-бирини сорт ва қоролпоқ (қорақалпоқ) тарзида фарқлайди.

2. Илмий адабиётларда “илк қабилалар” деб аталувчи аҳоли вакиллари. Улар Дашти Қипчоқ ўзбеклари кириб келгунига қадар ҳам Марказий Осиёнинг марказий ва турли ҳудудларида, жумладан, Фарғона водийсида яшаб келган турк ва турк-мўғул қабилаларининг авлодлари вакиллари ҳисобланади. Ушбу этник қатламга мансуб қарлуқ, яғма, чигил, ашпар, чоғрак, қовчин, жалоир, барлос, найман, хитой, қора хитой, бахрин, тоғай, балиқчи, арғин қабилалари Фарғона водийсида нисбатан кўпчиликини ташкил қилган. XIX-XX аср бошларида мазкур қабилалар умумий бир ном, яъни “турк” этноними билан аталган⁵⁷.

3. Кейинги даврларда Фарғона водийсига кўчиб келган Дашти Қипчоқ қабилалари вакиллари қипчоқ ва қорақалпоқ уруғлари, чунончи, қирқ, кенегас, чиял (чаяли), қатоғон, сарой, қурама, манғит, қозоқ, урганжи, элатан, ўлмас, катта ўлмас, қиёт, қурама, сарой, қатағон, олчин, қораёнтоқ, мадёр (монжор), момохон, найман, қозоқ, бешсерка, бешсари, кенагас, тўда, қирчин, уйғур, керайит (бугунги кунда Мингбулоқ тумани Гуртепа қишлоғида Керайит маҳалласи маҳалласи бор. Уларнинг қабристонини “Ғариблар қабристонини” деб аталади) ва бошқалар ўзбек халқи, қолаверса, ўзбек халқининг ажралмас қисми бўлган ЖҒН ҳудуди аҳолисининг шаклланишидаги учинчи йирик этник қатлам ҳисобланади.

⁵⁶ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001.

⁵⁷ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа (Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). – Тошкент: Фан, 1974. – С. 109-114-116; Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV – XVII вв. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. – Т. 1986. – С. 83-93. Винников В.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. 1959. – Т. II. – С. 404-405; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX вв. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 71-74.

Тилшунос олим Худойберди Донёров ҳаққоний таъкидланганидек: “ўзбек миллатининг сон ва таркиб жиҳатидан энг катта компонетини қипчоқ – ўзбеклар ташкил этади. Бу компонентнинг асосий қисми тарихий хронологик нуқтаи назардан ўзбек миллатининг таркибига энг кейин қўшилган, лекин айни вақтда бутун миллат аъзоларининг ягона ва умумий номи бўлиб қолган “ўзбек” номини ҳам шу компонент олиб келган”⁵⁸.

Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаб турган қорақалпоқларнинг катта бир гуруҳи XVIII асрда Фарғона водийсига кўчиб ўтганлиги хусусида илмий манбаларда қайдлар мавжуд. Кўчиб ўтган қорақалпоқларнинг аксарияти водийнинг Сирдарё ва Қорадарё қирғоқларидаги ҳудудларига жойлашган ва Андижондан то Кўқонгача бўлган ҳудудларда ўтроқлаша бориб, ўзларининг қатор қишлоқларини барпо этган⁵⁹.

Тарихчи олим С.С.Губаева ҳам Фарғона водийсида жойлашган бир неча қорақалпоқ қишлоқларини кўрсатиб ўтади. Хусусан, Андижон вилоятида: Дарломон, Найман, Қипчоқ, Соҳоват, Шерқўрғон, Дўнгсарой, Хўжаобод, Хавос, Буғази (Бобоғози); Наманган вилоятида: Гуртева, (Гуртепа), Бешкапа, Чордара, (Чордона), Қорақалпоқ; Фарғона вилоятида: Тақали, Қипчоқ, Сойбўйи, Қорақалпоқ, Қипчоқ ва бошқалар.

Гарчи, водий қорақалпоқлари Хоразм воҳасида яшовчи қорақалпоқлар каби мураккаб уруғ-қабилавий тузилишга эга бўлмасалар-да, ҳар ҳолда тадқиқотчилар водий ҳудудидаги қорақалпоқлар ҳам бир неча уруғлардан иборат эканликларини қайд этганлар. Хусусан, Фарғона қорақалпоқларини махсус ўрганган Л.С.Толстова водийда манғит, кенегес, қипчоқ, қўнғирот каби қорақалпоқ уруғлари яшаганликлари, улар ўз ўрнида бир қанча майда қавмларга бўлинганликларини таъкидлайди⁶⁰.

⁵⁸ Донёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.8-9; Абдиев М. Худойберди Донёров // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 115.

⁵⁹ Иногамов Ш.И. Этнический состав населения этнографическая Ферганской долины в границах Уз ССР: Автореф. дис. ...канд. истор. наук. – Ташкент, 1955. – С. 78. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959. – С. 27-35-44; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 40-60.

⁶⁰ Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959. – С. 27-35.

Масалан, олим таъкидлаган, шуйит, хитой-қипчоқ, момохон, бессари, уйручи, найман, кенегес, уруғларининг вакиллари ҳозирда ҳам ЖҒН ҳудудида истиқомат қилиб келмоқда. Уларнинг қишлоқлари ҳам ўз уруғлари номи билан аталади.

Тарихчи олим У. Абдуллаев 1909 йилда нашр этилган “Фарғона вилояти аҳоли жойлари рўйхати”дачуит (шуйит), уюрчи, ...кенегез, найман... каби қорақалпоқ уруғларининг номи билан аталувчи аҳоли манзилгоҳлари кўрсатиб ўтилганлигини таъкидлайди⁶¹.

Дарҳақиқат, тил ҳар бир этносни бошқа бир этноздан ажратиб турувчи муҳим ва асосий белгидир. Этнос назариясига кўра ҳам тил этносни белгилаб турувчи асосий белгилардан ҳисобланади. Айни вақтда тил кишиларнинг асосий алоқа воситаси сифатида улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни белгиловчи, уларни юзага чиқарувчи ҳамда ана шу муносабатлар орқали ривожланувчи ижтимоий табиатга эга ҳодисадир.

Маълумки, этнос шаклланиши жараёнида ҳар бир этносга хос тил тараққий этиб боради. Муайян бир этнос бошқа этнос билан муносабатга киришар экан, аввало, ушбу муносабатлар натижаси уларнинг тилида ўз ифодасини топади.

Жануби-ғарбий Наманган ҳудудида ҳам қадимдан яшаб келган турли этносларга мансуб халқлар ҳақидаги маълумотлардан диалектал ареалнинг ҳар бир гуруҳ шохобчаларида ана шу этник гуруҳларнинг тил унсурлари, этнографик белгилари кўзга ташланади⁶².

Шуни такрорлашга тўғри келадик, мазкур халқлар, бир гуруҳ шўро тарихчилари таъкидлаганларидек, фақат эрон тилларида сўзлашувчи халқлардангина иборат бўлмай, уларнинг катта бир гуруҳи туркий тилнинг турли лаҳжаларида

⁶¹ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 67.

⁶² Аскарлов А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОН Узб., 1997. – №3. – С.66; Шониёзов К. Канғ давлати ва канғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.5; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 92; Ишандадаев Д. Наманган атроф тожик ва ўзбек шеваларида сўз яшанинг айрим хусусиятлари (тожик ва ўзбек тиллари ўзаро таъсири масаласига доир). Фил. фанл. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1967. – Б. 19; Спришевский В.И. Чустское поселение (к истории Ферганы в эпоху бронзы). Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1963. – С.21.

гаплашганлар. Аниқроқ қилиб айтганда, бу ҳудудларда антик ва илк ўрта асрларда туркий тилда сўзлашувчи халқлар ҳам яшаб⁶³, улар минтақада кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий, жумладан, этнолингвистик жараёнларда фаол иштирок этганлар.

Ўрганилаётган диалектал ҳудуд – жануби-ғарбий Наманган ареалида ҳам этнослараро тил муносабатлари қадим даврларданоқ бошланган ва бу жараён асоси қуйидаги икки йўналишда ривожланиб борган: биринчи йўналишда тиллараро қоришув (метизация ҳолати) туркий тилнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи уруғ ва қабилалар ичида юз берган бўлса, иккинчисида эса туркий тилли халқлар билан туркий бўлмаган этносларнинг тиллари ўртасида чатишув (гибридизациялашув ҳолати) содир бўлган.

Тарихдан аёнки, милoddан олдинги III асрда Сирдарёнинг ўрта оқимида Қанғ (Қанха) давлати ташкил топган эди. Бу давлат тарихда Кангуй номи билан ҳам маълум. Тадқиқотчилар ушбу давлат аҳолисини этник жиҳатдан бир хил бўлмаганлиги, давлат ҳудудида эрон тилли халқлар (хусусан, сўғдийлар, ассианлар, аслар) билан бирга туркий тилда сўзлашувчи этнослар ҳам яшаганликларини айтиб ўтадилар⁶⁴. Янги эра арафасида ушбу давлат аҳолиси икки тилда (эрон ва туркий тилларда) сўзлашганлар. Кейинроқ ушбу ҳудудга кўплаб туркий тилли этносларнинг кўчиб келиши натижасида, бу ерда туркий этник қатламнинг мавқеи ортиб борган, оқибатда аҳолининг туркийлашиши кучайган.

Туркий ва туркий бўлмаган этнослар орасидаги тил алоқалари илк ўрта асрларда ҳам кенгайиб борди. Бу даврда минтақанинг бир қатор ҳудудларида аҳоли туркий ва сўғд тилларида сўзлаган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий XI асрда Шарқий Туркистоннинг жанубидаги шаҳарларда шунингдек, Чу ва Талас водийсидаги аҳоли турк ва сўғд тилларида гаплашганликлари, аҳоли икки тилли бўлганлари ҳақида хабар беради. Унинг

⁶³ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XI-X-XI аср бошлари). тарих фанл. докт. ...дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 264-285.

⁶⁴ Гумилев. Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 678 б.; Шониёзов К. Канғ давлати ва канғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 178; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, Шарқ. 2001. – Б. 114; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XI-X-XI аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б. 183-200.

сўзларига кўра X-XI асрларда Шарқий Туркистондаги Баласоғун шаҳрида бир вақтнинг ўзида аҳоли ҳам туркча, ҳам сўғдча сўзлашганлар. Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Туркий тиллар девони” асарида Баласоғундаги сўғдийлар ҳақида гапириб, “Бухоро ва Самарқанддан кўчиб борган сўғдоқлар Боласоғунда жойлашиб қолган ва туркийлашиб кетган” деб ёзган эди⁶⁵.

Турли миллатларнинг бирикувидан таркиб тонган ЖҒН аҳолиси учун азалдан икки тиллилик хос бўлган. XIX-XX аср бошларида водий ҳудудида ўзбек-тожик, ўзбек-уйғур, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-қорақалпоқ икки тиллилик ҳолатлари кузатилади. Натижада юқоридаги икки тиллилик ҳодисаси ва уларнинг тарқалиш кўлами ҳудудда турлича бўлиб, бу ижтимоий ҳодисанинг содир бўлиши этник муҳит билан бевосита боғлиқ бўлган.

4-фасл. Ўзбек шевалари системасида жануби-ғарбий Наманган шеваларининг тутган ўрни

Мамлакатимизда фан-техниканинг, маданий ҳаётнинг шиддат билан юксалиши ва тараққиёти адабий тил мавқеини янада кучайтириш заруратини юзага чиқармоқда. Бунинг натижасида маҳаллий тил – шеваларнинг фонетик, лексик ва грамматик таркибида ўзгаришлар, торайишлар содир бўлмоқда. Шунинг учун диалект ва шеваларга хос фонетик-фонологик хусусиятларни қайд қилиш, уларнинг барча лингвистик жиҳатларини чуқур тавсифий-қиёсий, қиёсий-тарихий, ментал тамойиллар асосида атрофлича ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳозирги замон ўзбек тили тараққиёт йўлини ва шу тил эгаси бўлган халқлар тарихи, тили, этнографиясини ўрганишда муҳим назарий ва амалий маълумотлар беради. Зеро, ...одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанимизнинг тарихини билишни истайди⁶⁶. Дарҳақиқат, тил ҳар қандай миллатнинг жонли, тирик тарихидир.

Шеваларни ўрганиш тилшуносларга тил юрагининг қандай уришини ўз қулоқлари билан эшитишга имкон беради (Г. Остгов,

⁶⁵ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғат-ит турк. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов). – Тошкент, 1960-1963. – Б. 486.

⁶⁶ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот. – Тошкент, 1998. – № 5. – Б. 3.

К. Брутман). Мазкур фикр эгалари ҳақ. Чунки шевашунос бевосита халқ орасида юриб, у билан бирга нафас олиб, ўз имконияти, иқтидори ва куч-қудратини ишга солиб, ...халқ оғзидан шевага хос сўзларни ёзиб олиб, унга сайқал бериб, келгуси авлодга қолдиришга ҳаракат қилади⁶⁷.

Халқнинг жонли тили – шеваларини ўрганиш, бир тилнинг ўзига хос бошқа тилларда учрамайдиган жиҳатлари ёки уларни бир-бири билан туташтирувчи нуқталарини топиш тилнинг онтологик табиатини очиб беришга ёрдам беради. Ўзбек адабий тили тараққиётида ички омил сифатида белгиланган ҳамда унинг такомиллашишида алоҳида ўрин тутувчи ўзбек шеваларнинг лисоний хусусиятларини илмий ўрганиш ҳар қандай меъёрлашган адабий тилнинг барча сатҳларидаги назарий ва амалий қонуниятларини тўлақонли аниқлаш, улар ҳақидаги мукамал ва аниқ қоида, таъриф, хулосалар чиқаришда асосий ва муҳим вазифаларни бажаради. Шу нуқтаи назардан, ўзбек адабий тилининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган ўзбек шевалари системасида жануби-ғарбий Наманган шеваларининг тутган ўрнини лисоний жараёнлар орқали белгилаш ҳамда улар орқали асосли хулоса ва тўхтамларга келиш мумкин.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари ўзбек шеваларининг кичик бир бўлаги ҳисобланади. Шева вакиллари бир ҳудудда яшашларига қарамасдан, ҳар бир шохобча ўзига хос фонетик, лексик ва морфологик хусусиятларга эга. Шева ареали умумўзбек шеваларининг фонетик, лексик, грамматик структурасидаги умумий ўхшашликларга мос кўринишларга эга бўлса-да, улардан айрим қуйидаги фонетик-лексик хусусиятлари билан фарқланади:

1) қипчоқ лаҳжасига мансуб шевалар гуруҳида:

а) “й” ловчилар: [йүр] юр, [йылэн] илон, [йъп] ип, [йумэлэ] думаламоқ, [шәйдә] шу ерда ва б.;

б) “ж” ловчилар: [жүр] юр, [жәңә//жэнга] янга, [шүйтъп] шундай қилиб, [жъ:пкәттъи//жъғьбкәттъ] чиқиб кетди ва б.;

2) қарлуқ лаҳжасига мансуб шевалар гуруҳида: [ман] мен, [нинэзьн] яхши, тузук, [сәрпә//сәрпә] сарпо, сеп, [а:шъ] ана шу, [шәдә] шу ерда, [йаңа] янга, [мабү//мабъ] мана бу ва б.;

⁶⁷ Бердиалиев А., Мадвалиев А., Раҳмонқулов А. Таниқли шевашунос // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. № 5. – Б. 112.

3) аралаш шеваларда сўзлашувчилар гуруҳида: [мэңа//мэңә] менга, [нинэзън//бир чиройли] яхши, тузук, [бўғча//бөхча//түйүн] аёллар нарса соладиган тугун, [саръмсэқ//сэмсэқ] саримсоқпиёз ва бошқа бир қанча шу каби кўринишлар билан фарқланишини кузатишимиз мумкин.

Шеваларининг фонетик-фонологик табиати сўзларда, грамматик шаклларда жиловланади. Муайян шева ареалнинг бошқа шевалардан фарқлайдиган лисоний қирралари унинг лексик қатламида кўпроқ кўзга ташланади. Жануби-ғарбий Наманган шевалари сўз – терминлари ва улар англатган маънолар турфа, ранг-баранг. Лекин уларнинг барчаси ҳали мукамалроқ тўпланиб, ўрганилгани йўқ. Шуни назарда тутиб, ЖҒН шевалари лексик қатламини фонетик-фонологик структурасидаги белгиларга кўра, қуйдаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Фақат шевага хос сўз ва терминлар*, қўшма сўз ва бирикмалар.

1. Адабий тилда учрамайдиган, фақат шевага хос сўз – терминлар:

[Шъйдә] – қаттиқ танали, масалан, маккажўхори, ғўза, оқ жўхори каби ўсимликлар ўриб олингандан сўнг илдизи билан ер устида қолган пояси. [Шъйдә] ҳеч қачон юмшоқпояли ўсимликларга нисбатан қўлланмайди. Бироқ жанубий Қозоғистон ўзбек шеваларида [шъйдә] тиканли бутоқ маъносида қўлланади⁶⁸. [Чөкътмәк] ва [түпчък] – юмшоқ пояли ўсимликлар (шоли, арпа, буғдой, курмак, ажириқ каби) ўриб олингандан сўнг илдизи билан ер устида қолган пояси. Шевада [шъйдә], [чөкътмәк] ва [түпчък] сўзлари англатган маъносига кўра фарқланганлиги учун улар ўзаро синоним бўла олмайди.

[Чөкътмәк] шевада омоним сўздир: а) яроқсиз ҳолга келган супурги; б) балиқ тутиш қармоғи ипига (илмоғидан 3-5 см юқорига) ўрнатиладиган металл парчаси; [бәчкъ] эртапишар экинлардан сўнг бўшаган майдонларга ҳайвонлар учун озуқа сифатида сепиб ўстирилиб, кеч кузгача ўриб олинадиган экин

*Адабий тилда учрамайдиган, шева таркибида қўлланувчи айрим ижтимоий-маиший соҳаларга, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчиликка оид лексик бирликларни термин деб қўлладик.

⁶⁸ Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.177.

номи; [үвүз] – сигир янги туғгандан кейин икки, уч кунгача соғиб олиниб тўкиб юбориладиган сут. Бу сўз Ўзбекистоннинг барча диалектал ареалида, ҳатто Қозоғистон Респуб-ликасининг ўзбек шеваларида ҳам мавжуд: [үвүз] (Гурлан, Янгибозор), [овүз] (Ҳозарасп), [үвъз] (Қовчин ва Туркистон қипчоқ шевалари), [эғъзлэқ] (Қашқадарё), [оғиз] (Тошкент⁶⁹) каби; [вэссэ] – иморатнинг уй тўсинлари орасига ташланадиган тахта; [хэвэн] – синчли уйларнинг ички устунларига нисбатан диогнал тарзда ўрнатиладиган узун ёғоч; [чэрқы] – чинни ва сополдан ишланган саёз қуюқ таомлар идиши; [дөлтэ//тўлтэ] – қаймоқ қиздирилганда сўнг ҳосил бўлган сарёғ қуйқаси; [түпкэ] – овлоқ жой, [жүкүм] – аразлашиш; [эғъл] – молхона, [чыпэң//ашынча] – кўп, мўл; [қўғэ//қөғэ] (кўл ва зовур ариқларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик, жануби-ғарбий Наманган аҳолиси ундан турли нарсаларни боғ ҳолатига келтириш учун боғлик сифатида фойдаланади. (Наманган шаҳар, Чортоқ, Уйчи каби қарлуқ лаҳжаларида [луғ//луқ] деб номланади); [сэтъл] – сирланган, икки томонида ушлайдиган қулоғи бор металл идиш, (рус: кострюль); [сўпльтырық] – ёш ўғил болалар дўпписининг ўртасига майин юнгли қуён ёки тулки терисидан бир парчасини тикиб қўйиш; [сўпль] бош кийим – шапкаларнинг тепа марказига думалоқ ҳолда ўрнатиладиган момиқ иплар йиғиндиси каби.

2. Номемаси адабий тилдаги сўзлардан фарқ қилмаса-да, лекин шевада бошқа маъно англатувчи сўзлар: [търънкэ] – металдан ишланган суюқ ва қуюқ овқатлар учун чуқур ва саёз идиш тури; [чънь] – чинни коса; [ўра//ўрэ] – қишда сабзаёт сақловчи жой; [мәллэ] – пахта териш этаги, [қулэқ] – бир ариқдан иккинчи бир ариққа сув олинадиган жой; [сүпэ] – ариқдан сув олинадиган зинали жой; [вэҳ-вэқ] омоним: ҳовлиқма одам, ҳашарот тури.

II. Фонетик қонуниятлар асосида юзага келган лексик бирликлар.

1. Қўшма феъл ёки етакчи феъл+кўмакчи феъл типидagi феъл қўшилмаларининг ягона урғу олиб, сандҳи (sandhi*)

⁶⁹ Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. – Тошкент: Фан, 1990. –Б.12.

* Бунда икки сўзнинг талаффузи жараёнида олдинги сўз ниҳоясидаги ундош кейинги (бошланувчи сўз) товушга мослашади ёки дастлабки сўзнинг охириги товуши (кейинги сўз унли билан бошланса) жаранглашади: **бөлакэдэм//бөлагэдэм** (ад.: бошқа (ўзга) одам) каби.

ҳолатида бўғин ёки товуш тушиши натижасида бир сўз ҳолига келиб қолиши: “й”ловчиларда: [әпчъқ]; “ж”ловчиларда: [а:чық] олиб чиқ; “й”ловчиларда: [эбэр]; “ж”ловчиларда: [әпнәр] олиб бор; “й”ловчиларда: [әпкәт]; “ж”ловчиларда: [әкът] олиб кет; [ъчвәр // хўплэвәр] ичиб юбор; [тәшлэвәр // этвәр // эрғыт // эрғытвәр] ташлаб юбор, отиб юбор; [сэвәр] солиб юбор; [эвәр] олиб юбор каби.

2. Адабий тилдаги шаклига нисбатан кучли фонетик ўзгаришга учраган сўзлар: [йъ:нә] игна; [йовын] омоним: ёғин, ёпинмоқ; [йэвын-чэчън] ёғин-сочин, ёғингарчилик; [мэмэхәнэ] меҳмонхона; й”ловчиларда: [шүнэп]; “ж”ловчиларда: [шүйтъп] шундай қилиб; [эҳлэ] ҳатламоқ//сакраб ўтмоқ; [ҳъшшә] шиша; [төвьп] табиб; [ўҳлэт] ўтлатмоқ; [қэҳнэ] қатнамоқ; [қаҳләмә] қатлама (қозонда ёғ билан ёки ёғсиз пишириладиган нон тури); [пэлчы] фолбин; [пэқс//төлкә] фақат//русча: только каби.

III. Ўзига хос морфемик структурага эга бўлган сўзлар.

1. Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалари учунгина хос бўлган аффиксларга эга луғавий birlikлар:

-[э]вғыч//-[вғыч]: аффикси шевада икки хил функцияда қўлланади: а) [күй+эвғыч] куйканак//куйинчак, [сэл+эвғыч] куракча, бирор нарса соладиган идиш, [бүрэ+вғыч] (мурват), [түзэ+вғыч] тузовчи, тузатувчи – уста, [сэвөв+эъч// сэвэчъп] савағич каби сўзларда сўз ясовчи;

б) [бэр+эвғыч] борадиган; [эл+эвғыч] оладиган, [ъшлэ+вғыч] ишлайдиган каби сўзларда луғавий шакл ҳосил қилувчи кўмакчи морфема.

-мэ//-[мә] аффикси: а) [йыр+мэ//жыр+мо] ёриқ, [йәрә+мә] яроқли, [қэт+ыр+мэ] қотирма – таом номи, [сэл+мэ] ариққа сув димлаш учун қўйи-ладиган тўғонча каби сўзларда сўз ясовчи; б) [сьнэ+мэ] синалган, [түзә+мә] тузатилган, [эшық+мэ] шошилган, сабрсиз киши каби сўзларда сифатдошларнинг луғавий шаклини ҳосил қилувчи кўмакчи морфемадир.

-чә//-[нә] аффикси: а) “ж”ловчиларда: [бэ:+нә//бэғнә] боя, ҳали, аввалроқ каби сўзларда сўз ясовчи; б) [жъч+чә//эз+нә] пича, озгина каби сўзларда луғавий шакл ҳосил қилувчи кўмакчи морфема вазифасида қўлланган.

2. Адабий тилда мавжуд ўзак ва сўз ясовчи аффиксларнинг шевада адабий тилдан фарқли сўз ясаши: [гәп+чъл] сўзамол, сўзга

уста; “й”лов-чиларда: [бўй+лэ]; “ж”ловчиларда: [мэй+лэ] сувга тушишдан олдин сувни бўй билан ўлчаш; [чэрпэй+лы] чорпахил – тўлача одам; [қўрмэ+ч//қўғырмэ+ч//қўғырмэ+ч] майда гурунчдан ёки буғдойдан қовуриб тайёрланадиган таом: қовурмоқ+ч; [қырмэ+ч] қозоннинг тагида қуюқ овқатнинг ёпишиб, ўта пишиб кетган қисми, қозон қириш орқали тозаланади: қирмоқ+ч; [ъл+ньс] секин ҳаракатланувчи одам: илдам+эмас каби.

3. Компонентлари адабий тилда бўлиш, бўлмаслигидан қатъий назар, адабий тилда учрамайдиган шевагагина хос бўлган қўшма сўз ва бирикмалар: [дэлы-гүлэ] тузук, яхши: [дэлы-гүлэга қўйыпты] ишни яхши қилибди, бажарибди, [чэвар көйнэгьмдэ дэлы-гүлэга қўйып тькьпть] чевар кўйлагимни яхши тикибди); [қўлэнтэйэқ] пайпоқ ёки пайтавасиз оёқ кийим кийиш; [қэлэңьр-қэсэңыр//қэлэңь-қэсэңы] бегона, ҳеч кимга ёқмайдиган одам; фақат аёлларга нисбатан: [тьлль-жоғлы] гапга уста; [қўллы-эйэхлы] эпчил, чаққон; [сьрымтэ] ҳеч нимасиз, ҳеч вақосиз, ҳеч нимаси йўқ одам: [сьрымтэ бўп ўтырыппэн] ҳеч нимасиз (ҳеч вақосиз) ўтирибман; [эзвэлэжэҳэн] мўл, жуда кўп; [дүсэмбэ//дүсэлэмбэ] икки баравар кўп // меъёрдан ортиқ // меъёрдан ошиқ (тожикча: ду бора): [чэрқыдэ эш дүсэмбэйдэ//дүсэлэмбэйдэ йэвўлдық] – лагандаги ош жуда кўп эди, еб бўлдик каби.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларига хос сўзларнинг лексик табиати, семантик структураси турли омилларнинг таъсири туфайли юзага келганки, бундай сўзларнинг айримлари адабий тилда йўқ бўлиб, улар шевалардагина учрайди: *шэйдэ, чөкьтмэқ, түпчык, бэчкэ, үвүз, ҳэвэн, чэрқы, түпкэ, жүкүм, эғъл, чыпэң, қўғэ//қөға, сэтъл, сўпльтырық, сўпнь* каби.

Мазкур ҳудуд шеваларини кузатиш натижасида: бир шева ареали ҳамиша ҳам доимий бир кенгликни ташкил этмаслиги; бир неча туман, қишлоқ ва овулларни қамраб олиши; натижада аралаш шеваларнинг пайдо бўлиши; шева белгиларининг кенгайиши; бошқа тил ва лаҳжаларга мансуб аҳолининг янги масканларга кўчиб келиб ўрнашганда алоқа-аралашув жараёнларида бир шеванинг иккинчи шевага таъсиридаги синтезлашиш жараёни содир бўлиши аниқланди.

ЖҒН шевалари ареалида ҳам аралаш шеваларда сўзлашувчилар гуруҳини Мингбулоқ туманининг Жомашов

шаҳарчаси, Дамкўл-Маззанг ва Гулбоғ қишлоқлари аҳолиси ташкил этади. Улар нутқида қарлуқ ва қипчоқ лаҳжа унсурлари барабар қўлланади: [мэңа//мэңә] менга, [нинэзын] тузк, бир чиройли, [бўғча // бөхча // тўйүн] нарса солинган аёллар тугуни, [саръмсэқ // сэмсэқ] саримсоқпиёз каби. Бунга қарлуқ шева вакилларининг ЖҒН ҳудудида янги экин майдонлар барпо этиб, ерларни ўзлаштириш мақсадида вилоятнинг турли жойларидан кўчиб келиши ва ўзаро алоқа-аралашув муносабатлари икки хил лаҳжада амалга ошганлиги сабаб бўлган.

Бугунга келиб, диалект ареаллари орасидаги фарқлар давр тақазоси – фан-техника, электрон ахборот технологияларининг тараққиёти натижасида аста-секин йўқолиб бормоқда. ЖҒН ҳудудининг маълум шева ареалларида лексик жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи бирликлар фақат шу кичик шева ареалига тегишли аҳолининг ўз этнографиясига, урф-одатлари, анъаналари доирасида ривожланганлиги сабабли сақланиб келмоқда.

Мазкур диалектал ареал боғлиқ ва конвергент изоглоссалардан ташкил топган. Боғлиқ изоглоссалар бир генетик умумийликка эга бўлганлиги учун қипчоқ шеваларда ўз ўрнига эга ҳолда ривожланди, фонетик-фонологик ўзгаришлари билан қўлланмоқда. Уларда ўзаро тарихий-генетик қариндошлик тил белгилари мавжуд. Конвергент изоглоссалар эса узоқ даврлар бир ҳудудда яқин алоқада бўлиш натижасида ареал умумийликнинг вужудга келиши асосида ҳосил бўлган. Бундай изоглоссалар қариндош бўлмаган тил оилаларининг ўзаро муносабати орқали пайдо бўлган.

Шева ареалида боғлиқ изоглоссалар кўп, конвергент изоглоссалар эса айрим кичик ҳудудлардагина кўзга ташланади (*Иловалар: 8-чизмага қаранг*).

Боғлиқ изоглоссаларнинг қиёсий-генетик таҳлилидан англашиладики, ҳудудга аввалроқ ўрнашган аҳоли, асосан, қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар бўлиб, қолганлари кейин кўчиб келган қарлуқ шева вакиллари дир.

Бир қатор боғлиқ изоглоссалар ҳудудда “ж” ловчи ва “й” ловчи қипчоқ шевалари қорақалпоқ уруғларининг кўчиб келиб, Сирдарёнинг серўт чап қирғоғига ўрнашиши, ўзбек уруғлари билан ўзаро иқтисодий, маданий-маиший алоқалари натижасида

вужудга келган⁷⁰.

Конвертгент изоглоссаларнинг типологик таҳлилидан маълум бўладики, Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш учун ишчи-деҳқонларнинг оммавий сафарбарлиги, техника ишларини жонлантириш мақсадида русийзабон ва форсийзабон аҳолининг кўчириб келиниши, йирик шаҳарлар ва қишлоқлардан қарлуқ лаҳжаси вакилларининг оилавий келишлари, аҳоли вакилларининг, айниқса, маззанг (*форсча “марди зан”. Мингбулоқ тумани Дамқўл-Маззанг қишлоғида*) элатини чўл ҳудудига кўчирилиши – тарқоқ элатни бир жойга тўпланиши гибридизацияни вужудга келтирди. Бу жараён жануби-ғарбий Наманган шеваларида диалектологик ўзига хосликларни юзага келиш сабабларидан биридир.

Дарҳақиқат, билдириладиган ҳар қандай фикрнинг ашёвий қобиғини акустик бирликлар – товушлар ташкил этади. Сўз таркибидаги товуш қобиғи ҳудудий, ҳатто индивидуал – шахсий фарқлар билан идрок этилади. Бу ҳол айрим ҳудудий тилларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишга хизмат қилади. Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали ўзига хос ва умумўзбек шевалари билан ўхшаш қуйидаги фонетик хусусиятлари билан белгиланади:

а) контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги ва бунинг натижасида сингармонизмнинг сақланиши, яъни айрим туркий тилларига хос бўлган товушларнинг асос ва аффиксал морфемаларда уйғунлашиши: [пэхтэ] пахта, [мэнтэ] манти, [бэлық] балиқ, [бэрыннэр] боринглар, [йэннэр] енглар, [чықыннэр] чиқинглар, [бэрэдығэн] борадиган каби;

б) сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви: [ʲекън] экин, [ʲеэккъ кўлъ] икки кўли, [ʲена] она, [ʷөт] омоним: ўт, ўтмоқ феълидан ташқари, [ʷөтын], [ʲэгъб нэр//ʲэгвэр] эгиб бер каби. Таққосланг: “й”ловчиларда: [эккъ кўлъ], “ж”ловчиларда: [ʲеккъ кўлъ] тарзида кузатилади.

в) “ж”ловчиларда ҳам “й”ловчиларда ҳам қисқа-чўзиқ унлилар маъно фарқламайди. Бу қадимги туркий ва эски ўзбек тилининг рудименти – қолдиғи бўлиб, айрим сўзлардагина фонематик ҳолда учрайди. Ҳозирда ундош товушларнинг тушиб

⁷⁰ Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959. – С. 27.

қолиши сабабли чўзиқлик мавжуд: [шә:p] шаҳар, [бә:p] баҳор, [сү:] сув, [кәлү:дъ] келганди, [бәру:дъ// бәрувдъ] борганди, [қә:] қол, [кә:] кел, [бўсә:] бўлса каби;

г) “ж”ловчиларда сўз бошида й ундошининг дж га ўтиши: [джўл] йўл, [джүр] юр, [джәңә] янга, [көзыңдъ джүм] кўзингни юм каби;

д) “й”ловчиларда сўз боши, ўртаси ва охирида й ундошининг орттирилиши (пайдо бўлиши): [йъп] ип, [йълән] илон, [рәйьс] раис, [сәрпәй] сарпо, [әврәй] обрў, [гәдә//гәдәй] гадой каби;

ж) “ж”ловчиларда сўз бошида й ва дж ундошининг тушиши: [зрьң] йиринг, [зрьк] йирик, [зркан] жиркан, [зртаки] жиртаки//жиззакки каби.

з) умум қипчоқ шеваларига хос бўлмаган, ареалнинг ўзигагина хос товуш алмашинувини кузатиш мумкин: й>г: [түймә] тугма; в>п: [сөв] соп (кетмоннинг сопи); ҳ>с: [укәхъ] укаси; ҳ>ш: [әхнәқә// әхнәқә//онохноқо] ана шунақа; ҳ>қ: [қәхтә] қаёқда, [ўхмънан// ўхмән] ўқ билан, ҳ>т: [сыйьрдъ ўхләт] сигирни ўтлат, [қәхнәйәптъ] қатнаяпти; ўзлашмаларда: [мәхнә] машина, [мәхнәхънъ] машинасини каби.

Жарангсиз сирғалувчи тил олди с, ш, т ва қ ундошиларининг жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундоши ҳ га алмашиши бошқа ўзбек шеваларда кузатилмайди. Бу ҳодиса фақат Мингбулоқ тумани Гуртепа, Ўзгариш, Мулқобод, Узунтепа, Ўртақишлоқ, Шўрсув, Баланд Гуртепа, Қўшқишлоқ, Бешбанги қишлоғи ва бошқа қишлоқлар шевалари “й” ловчиларигагина хослиги жуда характерлидир: [укәхъ, бәлхънъ; әхнәқә // әхнәқә // онохноқо, мәхнәқә // мәхнәқә // мәнәхнәқә, мәхнә, мәхнәхънъ, қәхтә, ўхмънан // ўхмән, сыйьрдъ ўхләт, қәхнәйәптъ] каби. “Х” лашиш мазкур шеванинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бошқа шевалардан фарқлаб туради.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари морфологик жиҳатдан ҳам ўзига хосликларга эга. а) ҳозирги-келаси замон сифатдошининг -вғыч//-әвғыч//-увғъч вариантлари ареалининг барча қипчоқ шеваларида кўлланади. Масалан: [бәрәвғыч одам] борадиган одам, [көрөвгъчмән] кўрадиганман, [йүвәвғычмән] ювадиганман, [бәлвәләвғыч] билиб кўядиган одам каби; б) ўтган замон бўлишсиз шакли тусланганда шахс-сон кўшимчалари бўлишсизликни ифодаловчи йўқ сўзидан кейин кўшилиб

қўлланиши: [бѳрғэн йѳхмэн//бѳрғэн йѳхсэн] борганим йўқ//борганинг йўқ, [қығэн йѳхмэн//қығэн йѳхсэн] қилганим йўқ//қилганинг йўқ, [кѳргэн йѳхмэн//кѳргэн йѳхсэн] кўрганим йўқ, кўрганинг йўқ, [ѳғэн йѳхмэн//ѳғэн йѳхсэн] олганим йўқ, олганинг йўқ каби. Мазкур морфологик ҳолат ҳудуднинг “ж”ловчиларда ҳам, “й”ловчи қипчоқ шева вакиллари нутқида ҳам кузатилади; в) -да юкламасининг фонетик варианты -тә “й”ловчи қипчоқ гуруҳида, асосан, феълларнинг барча замон шаклларидадан кейин ўта фаол қўлланади: [әйттѳмтә] айтдим, [әйтүвдѳмтә//әйтү:дѳмтә] айтганман, [әйтйәппәнтә] айтяпман, [әйтәмәнтә] айтмоқчиман каби. Бу ҳодиса Мингбулоқ тумани Баланд Гуртепа, Гуртепа, Ўзгариш, Ўртақишлоқ, Узунтепа, Мулкобод, Дўмса, Қўшқишлоқ қишлоқ шевалари “й” ловчилари нутқида ўта фаоллиги билан характерланади. Бизнингча, бу ҳодиса ҳаракат жараёнларини бажарилишига бўлган муносабатнинг сўзловчи томонидан алоҳида, қатъий ишонч ва кучли таъкид орқали ифодаси ҳисобланади.

Таҳлиллардан кўринадики, жануби-ғарбий Наманган шеваларида кўплаб ўрганиш лозим бўлган лисоний хусусиятлар мавжуд. Бугунги кунда жануби-ғарбий Наманган диалектал ареалда 439368 нафар аҳоли ўзининг турли ранг ва жилосига эга бўлган ўзбек тилининг жонли тили – шеваларида ўзаро алоқа қилмоқдалар (*Иловалар: жадвал ва 3-чизмага қаранг*).

II БОБ

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ШЕВАЛАРИ ВОКАЛИЗМИ

1-фасл. Унлилар парадигмаси

Ўзбек халқ шевалари вокализмининг ранг-баранглигининг сабаби унга асос бўлган қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз шевалари бир бутунликни ташкил этганида. Шевалар шунинг учун ҳам ўзининг табиий жилолари, ўзига хос мураккабликлари билан ўзбек адабий тилининг пойдевори ва асосидир.

В.В.Решетов фонемалар миқдори ягона марказ – Тошкентдан узоқлашган сари ортиб боришини таъкидлайди⁷¹. Шунинг ҳисобга олиб, ЖҒН диалекти унли фонемалари миқдорини 6 тадан 8 тагача деб белгилаш мумкин.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларининг унлилар тизими адабий тил унлиларидан миқдор жиҳатдан фарқ қилади. Чунки қипчоқ шева унлилари учун сингармонизм қонунияти амалда бўлиб, бир хил қуршовда тил олди ва тил орқа унлилар ўрин алмашиб, сўз маъносига таъсир этади.

ЖҒН шевалари қарлуқ, қипчоқ ва аралаш гуруҳларга мансублиги учун ундаги артикуляцион-акустик белгиларида фарқ бор. Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалар ареалининг шарқий гуруҳидаги “ж”ловчи ва айрим “й”ловчи шеваларида сингармонизм қонунияти сақланганлиги сабабли унлилар миқдори 8 тага етади. Чунки ЖҒН диалектал ареали таркибига кирувчи Тўрақўрғон, Поп, Мингбулоқ туманлари аҳолисининг Сирдарё оқими чап соҳилида истиқомат қилувчи ҳамда Наманган туманининг дарё оқими ўнг қирғоғида жойлашган қишлоқларида яшовчи аҳоли “ж”ловчилар қипчоқ шеваси вакиллари.

Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареалини этнослараро тарихий лингвистик жараёнлар натижасида шаклланган ўзига хос муҳим фонетик ва морфологик жиҳатларини⁷², ҳудудий ёндош шеваларнинг таъсир-муносабатини назарда тутиб, илмий

⁷¹ Решетов В. В. Узбекский язык. I. – Ташкент: Узгосиздат, 1959, – С. 149.

⁷² Решетов В. В. Ўзбек шеваларининг классификацияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – № 1. – Б. 3-14; Боровков А. К. Узбекский говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963. – С. 4; А.Ю.Алиев. Наманган диалекти ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари // Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.37; Туляков С. Морфологические особенности Наманганского говора узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. –Ташкент, 1965.

тасниф ва тавсифларга таянган ҳолда, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Жануби-ғарбий Наманган шевалари қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаларининг фонетик-фонологик хусусиятларига кўра:

1) қарлуқ ва қипчоқ лаҳжали шарқий ареал;

2) қипчоқ, қарлуқ лаҳжали ва аралаш шеваши шимолий ва марказий ареал гуруҳи.

II. Географик жойлашувига кўра:

1. Жануби-ғарбий Наманган шарқий ареали гуруҳи: Наманган шаҳрининг ғарбий ва жанубий қисмига ёндош жойлашган қишлоқ шевалари. ЖҒН ҳудудининг шарқий қисми (*Иловалар: 4-чизмага қаранг*).

2. Жануби-ғарбий Наманган шимолий ареали гуруҳи: Тўрақўрғон тумани жануби-ғарбий қисмида, то Сирдарё бўйларигача жойлашган қишлоқлар. ЖҒН ҳудудининг шимолий қисми (*Иловалар: 5-чизмага қаранг*).

3. Жануби-ғарбий Наманган марказий ареали гуруҳи: Мингбулоқ туманидаги барча қишлоқлар, Тўрақўрғон туманининг Сирдарё оқимининг ўнг соҳилидаги Косонсой сойигача – Наманган тумани бошланишида жойлашган қишлоқлар ҳамда Поп туманининг Сирдарё оқимининг ўнг ва чап соҳилида жойлашган қишлоқлар. Наманган вилояти жануби-ғарбий қисми (*Иловалар: 5-чизмага қаранг*).

Бу гуруҳларнинг ичида ҳам бир-биридан алоҳидалилик белгилари ва хусусиятларига эга бир неча шевалар мавжудки, улар ЖҒН оралиқ шевалари таркибига киритилди ва шохобчаларга ажратилиб ўрганилди.

Шевалар таснифида оралиқ шеваларнинг икки тури: ички ва ташқи оралиқ шевалар каби атамалар қўлланади⁷³. Ички оралиқ шевалар бу биргина тилга тегишли икки хил лаҳжанинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида юзага келган аралаш шевалар ҳисобланади. Ташқи оралиқ шевалар икки ноқардош тилга мансуб шеваларнинг ўзаро таъсири туфайли юзага келган

⁷³ Абдуллаев Ф.А. Хоразм шевалари. – Тошкент. – Б. 70; Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент. – С. 38-45; Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991; Иброҳимов Й.М. Жанубий оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи: Фил. фанл. докт. ...дис. автореф. – Тошкент, 2000.

аралаш шевалардир. Ташқи оралиқ шеваларда икки ўзаро алоқадаги тилнинг умумий хусусиятларига хос омиллар озми, кўпми сақланиб қолаверади⁷⁴.

Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареалида икки хил лаҳжанинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида юзага келган ички ҳамда иккитиллилик хусусиятига эга бўлган ташқи оралиқ шева зоналари мавжуд. Шунинг учун ЖҒН шеваларидаги оралиқ шевалар гуруҳини ички ва ташқи оралиқ шевалар шохобчаларига қуйидагича ажратилди:

1. ЖҒН диалектал ареали ички оралиқ шевалар шохобчаси ўзбек тили лаҳжаларининг бир-бирига таъсири натижасида вужудга келган хусусиятларига кўра яна икки ички гуруҳга бўлинади.

а) қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг қипчоқ лаҳжасига таъсири натижасида юзага келган ички оралиқ шевалар: ЖҒН шарқий ареалидаги Тепақўрғон, Қирғизқўрғон, Оқ булоқ, Элатан, Юқори Гулдиров, Паст Гулдиров, Шўрқишлоқ, Бешкапа шеваси. Тарихан бу шевалар ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига мансуб. Лекин бу шевалардаги бир қатор хусусиятлар ва унинг ҳозирги ҳолатидаги айрим белгилар қипчоқ шевасидан қарлуқ шевасига томон силжиш жараёнининг тезлашётганини кўрсатади. Бундан ташқари, ЖҒН шимолий ва марказий ареалидаги Оқтош, Калвак, Мозори кўҳна, Бураматут, Бордимкўл, Хўжанд, Ахси, Шаҳанд, Гулқишлоқ, Қораёнтоқ, Ўзгариш, Баланд Гуртепа, Гуртепа, Ўртақишлоқ, Этак, Мулқобод, Узунтепа, Янги шаҳар, Деҳқонобод, Меҳнатобод, Қора шаҳар, Алами, Қорақалпоқ, Яккатут, Ҳовузак, Тўда, Янгичек, Тиккаариқ, Тепақўрғон, Янги ер, Навбаҳор, Янгобод, Чортоқ, Шомозор, Олиш шеваларида ҳам шу жараён кузатилади. Масалан, қипчоқ шеваларининг лексик структурасидаги [нүмәңә] эмас, [нъмәгә], [бөләнчәк] > [бэләнчәк], [ʙйэккъ//эккъ] > [зккъ], [дәмбәлә//йүмәлә] > [дүмәлә//йүмәлә] каби кўплаб birlikларнинг кенг қўллана бошлагани қарлуқ шевалари томонга силжиш тезлашаётганини кўрсатади. Албатта, бундай ҳолатлар қипчоқ шевалари фонетик- фонологик структурасида ўзгаришлар содир этади.

⁷⁴ Иброҳимов Й. Жанубий оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи: Фил. фанл. докт. ...дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.13.

б) қипчоқ лаҳжасининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига таъсири натижасида юзага келган ички оралиқ шевалар: ЖҒН шарқий ареалидаги Урганжи, Қоракўл, Тўсар, Ўлмас, Олаҳамак, Қиёт, Курмак, Кичик Тошбулоқ, Катта Тошбулоқ, Хўжақишлоқ, Муллакудунг шевалари, ЖҒН шимолий ва марказий ареалидаги Жомашов, Эски Гулбоғ, Янги Гулбоғ, Гулбоғ, Уйчи, Уйғур, Санг, Ғурумсарой, Марғизор, қишлоқ шевалари тарихан ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасига мансуб бўлса-да, бугунга келиб, бу шеваларда кўплаб қипчоқ шева белгиларининг сингиб кетганини кузатиш мумкин. Масалан, [этәк] эмас, [мәллә], [сьгьр] > [сьйьр], [бөғчә] > [түйүн], [тәмэрқа] > [тәмдыкәт], [мөлжәл] > [мөжжәл], [гургут] эмас [гүвът] каби (Иловалар: 7, 8-чизмага қаранг).

2. Ўзбек тили Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали ташқи оралиқ гуруҳига шарқий ареалдаги Шамшиқўл, шимолий ва марказий ареалдаги Маззанг-Дамкўл шевалари киради. Бу шева вакиллари тарихан форсийзабон бўлиб, бугунги кунда иккитилли шева вакиллари дир⁷⁵. Мазкур ташқи оралиқ гуруҳи шевалари вакиллари нутқида қипчоқ ва қарлуқ лаҳжаси белгилари, шунингдек, форс-тожик тили элементларини кузатиш мумкин.

Ташқи оралиқ гуруҳи шеваларининг асосий хусусиятлари шундаки, қарлуқ лаҳжали зонада жойлашган Шамшиқўл шеваси ўзига кўпроқ қарлуқ лаҳжаси белгиларини, қипчоқ лаҳжали зонада жойлашган Маззанг-Дамкўл шеваси ўзига қипчоқ лаҳжаси белгиларини мужассамлаштирган.

Ўзбек тили шеваларига хос кўпгина лисоний ҳодисалар форс-тожик тили хусусиятлари билан бир қаторда амал қилади, баъзан ўзбек тили белгиларининг мавқеи ортиб кетади.

ЖҒН ташқи оралиқ шевалари лисоний белги-хусусиятлари форс-тожик тилига таллуқли бўлгани учун ҳам ишда бу зоналар ҳақида фикрлар кам. Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали шеваларини гуруҳлашда ички оралиқ шеваларнинг лаҳжавий белгиларига кўра қуйидаги шохобчаларга ажратдик:

⁷⁵ Ишандадаев Д. Наманган атроф тожик ва ўзбек шеваларида сўз яшанинг айрим хусусиятлари (тожик ва ўзбек тиллари ўзаро таъсири масаласига доир): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1967.

1. Жануби-ғарбий Наманган шарқий ареали шевалари гуруҳи.
У қуйидаги уч шохобчага бўлинади:

1. Наманган шаҳар тип шева шохобчаси: Ғалча, Неъматжон, Шишаки, Қоратепа, Миришкор, Хонобод шевалари;

2. Фарғона тип шева шохобчаси: Урганжи, Қоракўл, Тўсар, Ўлмас, Олаҳамак, Қиёт, Курмак, Кичик Тошбулоқ, Катта Тошбулоқ, Хўжақишлоқ, Муллакудунг шевалари;

3. Қипчоқ-қорақалпоқ шева шохобчаси:

а) “й”ловчи қипчоқлар: Тепакўрғон, Қирғизкўрғон, Оқ булоқ шевалари;

б) “ж”ловчи қипчоқлар: Элатан, Юқори Гулдиров, Паст Гулдиров, Бешкапа шевалари (*Иловалар: 6-чизмага қаранг*).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ареалдаги қипчоқ лаҳжасига мансуб шевалар қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжалари таъсирида қипчоқлик хусусиятини аста-

секинлик билан йўқотиб бормоқда. Уларнинг ўрнига шаҳар шевасига хос лисоний белгилар ўзлашмоқда.

1) Наманган шаҳар тип шевалари шохобчасидаги шеваларининг муҳим фонетик-фонологик белгилари:

а) *э(о)*лашиш хусусиятига эга: [эка] ака, [тэрэзэ] тарози, [нэмэңгэн] Наманган, [элвэлэ] гилос, рус.: *вишня* каби;

б) кўпгина ўзбек шеваларидагидек ёндош ундошнинг тушиши натижасида: [шэ:р] шаҳар, [ма:та:] мактаб, [сэмэ:] сомон, [эмэ:] омон, [тэвэ:] товоқ ҳамда икки унлининг тортилиши (торайиши) натижасида: [сэ:дат] саодат, [сэ:ат] соат, [сө:қ] совуқ каби сўз маъноларини фарқламайдиган, фонематик бўлмаган иккинчи даражали (иккиламчи) чўзиқликка эга.

в) Наманган шаҳар тип шевалари шохобчаси фонетик тизимига боғлиқ алоҳида белги – эмфатик чўзиқликнинг ўзига хослигидадир.

Ўзбек диалектологлари В.В.Решетов ҳамда Ш.Шоабдурахмоновлар Наманган шаҳар тип шевалардаги бу жараённи фақат нутқ оҳанги билан боғлиқ бўлган фонетик ультра чўзиқлик ёки эмфатик чўзиқлик, фонематик бўлмаган мутлақо бошқа ҳодиса эканлигини уқтириб, фонетик ультра чўзиқлик ўзбек шеваларининг ҳар бирида турлича кўринишга эга бўлишини, Наманган шеваси эса бу жиҳатдан жуда характерли эканини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, бу

чўзиқлик шевада ҳозирги-келаси замон феъл шаклларида мунтазам равишда вужудга келади, асосан, нутқ оҳанги билан боғлиқ ҳолда содир бўлиб, шева учун оммавий характердаги алоҳида ранг-баранг интонацион хусусият касб этади.

Ультра чўзиқлик (эмфатик чўзиқлик) наманганликлар шевасининг бошқа ўзбек шеваларидан тубдан фарқлашини, шевадаги бу чўзиқлик товушларнинг тушиши билан ҳам, товушлар комплексининг тушиб қолиши билан ҳам боғлиқ эмаслигини, унинг унлиларнинг чўзиқлиги алоҳида жумла оҳангдорлиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келишини қуйидаги мисоллар билан изоҳлайдилар:

<i>шевада</i>	адабий тилида	<i>шевада</i>	адабий тилида
<i>мәм бълмә::мән</i>	мен билмайман	<i>бъз бълмә::мъз</i>	биз билмаймиз
<i>сәм бълмә::сән</i>	сен билмайсан	<i>съз бълмә::съз</i>	сиз билмайсиз
<i>убълмә::дъ</i>	у билмайди	<i>улә бълмә::дъ</i>	улар билмайди

Наманганликлар нутқидаги ҳозирги-келаси замон феъли шаклининг талаффузда интонацион кўтарилиб бориб охириги бўғинда бирдан пасайиб кетишини қуйидаги интонацион график усулда кўрсатадилар: *кәлә::дъ, кърә::дъ, саңа сәтмә::йдъ*⁷⁶.

г) Наманган шаҳар шеваси унлилар тизимида уйғур тилига хос хусусиятлардан лаб гармониясининг фақат кенг унлиларидагина эмас, балки тор унлиларида ҳам кузатилиши ҳақидаги фикрлар мавжуд⁷⁷. Адабий тилдаги *и* – олд қатор, юқори кўтарилиш, лабланмаган *ва у* – орқа қатор, юқори кўтарилиш, лабланган унлилар ўрнида уларнинг комбинатор варианты: *ү* – олд қатор, ўрта кўтарилиш, ўта лабланган унли доим ўта фаол қўлланади: [чүмчү:] чумчук, [мүкүчә] мусича, [бөргү:] боргин, [үтүрү:нә:] ўтиринглар, [күтүтү:] кутябмиз, [қзчүтү:] қочяпти каби.

д) умлаут жараёнлари кузатилади: [бөшъм] бошим, [қөлүм] қўлим, [шөлъ//шәлъ] шоли, [әлъип//өлъп] олиб, [сөчъм//чөчъм] сочим каби.

⁷⁶ Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.50-51.

⁷⁷ Боровков А.К. Узбекские говоры Наманганской области. –Ташкент, 1963. –С. 4; Решетов В. О наманган-ском говоре узбекского языка. Сб. Академику В.А.Гордлевскому. – М., 1953. – С.216; Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1974. – С. 15.

2) Фарғона тип шевалари шохобчасини Наманган туманидаги Урганжи, Қоракўл, Тўсар, Ўлмас, Қиёт, Курмак, Кичик Тошбулоқ, Катта Тошбулоқ, Хўжақишлоқ, Муллакудунг шевалари ташкил этади.

Фарғона тип шевалари шохобчаси ва унинг айрим фонетик-фонологик ва морфологик белгилари:

а) унлилар системаси 6 фонемадан иборат. Уларда Марғилон, Фарғона, Тошкент шеваларига хос унсурлар учрайди: Фонемаларнинг комбинатор вариантлари мазкур шевалардагидек талаффуз қилинади: [чақалақ//бувәк// чъчъй// жъжъй] чақалоқ//гўдак, [дъьчә//ғөрә] довучча, [гълом] гилам;

б) икки бўғинли сўзларнинг ёпиқ бўғини таркибидаги адабий [o]//[ɔ] унлиси [a]//[ə] тарзида талаффуз қилинади: [чпән] чопон, [эмән] омон, [сэмән] сомон, [йэмән] ёмон, [қзән] қозон, [сқәл] соқол, [пэхәл] похол, [сқәв//сқәп] соқов, [гэдәй] гадой, [эрзән] арзон, [гэрәв//гэрәп] гаров каби;

в) шохобчадаги Қоракўл, Тўсар шевасида Тошкент ва унга яқин қишлоқлар шевасидаги ҳозирги замон давом феъли кўшимчасининг -вәт//-вәт фонетик варианты кўлланади: [бэрвәттәм] боряпман, [қывәттәм] қияпман, [сўравәтти] сўраяпти каби.

Таъкидлаш лозимки, мазкур жараённи Наманган шеваларининг фонетик ва морфологик хусусиятларини ўрганган тилшунос олим А.Ю.Алиев қуйидагича изоҳлайди: "...бу шакл бир томондан Тошкент тип шеваларидек хусусият касб этади ва, иккинчи томондан, Паркент шевасига жуда ўхшаш. Уларнинг жуда кўп белгиларининг ўхшашлиги тарихан келиб чиқиши умлаутлашган уйғур тилига боғлиқлигидадир. Масалан, Ахча, Ғова, Қоракўл шевалари вакиллари Тошкент ва унинг атрофидан кўчиб келганларнинг авлодидир. Бу қурама ва Наманган шеваларидаги узоқ даврлар мобайнидаги вужудга келган муносабатларининг бир кўринишидир деган фикрга келамиз. Тарихий манбалардан маълумки, қурама шеваси вакиллари анча йиллар муқаддам республикамизнинг жуда кўп худудларига кўчиб борганлар ва тарқалиб кетганлар⁷⁸". Наманган шаҳар

⁷⁸ Алиев А.Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. фил. наук. – Ташкент, 1975. – С. 48.

марказидан 10-12 км узоқроқда, унинг жанубида кўп аҳолили Қурама қишлоғи бор.

г) Урганжи, Ўлмас, Қиёт, Олаҳамак, Курмак, Кичик Тошбулоқ, Катта Тошбулоқ, Хўжақишлоқ, Муллакудунг қишлоқларида ҳозирги-келаси замон давом феълнинг *-ян, -моқда* қўшимчаси [-*йән//йәт*] тарзида қўлланади: [*кэйәнтъ// кэйәттъ*] келмоқда, [*жўнәйтти*] жўнамоқда, [*йўрйәттъ*] юрмоқда, [*қъдърйәттъ*] қидирмоқда // изламоқда каби.

Тарихан Наманган туманининг мазкур ареал шеvasи ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасига мансублиги аён. Бугунги кун тил тараққиёти ва ривожини, мазкур шохобча ареалига лисоний ва нолисоний омиллар сабабли, унга жуда яқин масофада жойлашган умлаутлашган Наманган шаҳар шеvasи, қўшни қишлоқлардаги “й”ловчи ва “ж”ловчи қипчоқ шевалари таъсири натижасида унинг фонетик-фонологик хусусиятлари тарихий аслидек сақланмаган.

3. Қипчоқ-қорақалпоқ шевалари шохобчасига мансуб шеваларининг муҳим фонетик-фонологик белгилари: Қипчоқ-қорақалпоқ шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари жануби-ғарбий Наманган шимолий ва марказий ареали шевалари гуруҳи билан деярли бир хил. Шева хусусиятларига кўра қипчоқ лаҳжаси таркиби “й”ловчи ва “ж”ловчилардан иборат. Тепақўрғон, Қирғизқўрғон, Оқбулоқ қишлоқларида “й”ловчи; Элатан, Юқори Гулдиров, Паст Гулдиров, Шўрқишлоқ, Бешкапа қишлоқларида “ж”ловчи қипчоқ шеvasи вакиллари истиқомат қилишади.

а) унли фонемаларнинг миқдорий ва сифат белгилари ўзбек тилининг бошқа қипчоқ шеваларидан деярли фарқланмайди;

б) ўзак – асосда ҳам сингармонизм қонунияти амал қилади: [*сэмсэ*] сомса, [*бэлэ*] бола, [*мэнты*] манти каби; ўзакдаги унлиларнинг қаттиқ юмшоқлигига қараб, қўшимчалардаги унлилар ҳам уйғунлашади: [*бэллэр*] болалар, [*этамды*] отамнинг // отамни; [*қэғэн*] қолган, [*бэрғэн*] борган, [*эчкэн*] ичган, [*бэрдылэр*] бордилар, [*акэсэ*] акаси каби;

в) сўз боши ва ўртада келган э, ө (адабий орфографик ў) каби унлилар дифтонглашади: [*ёена*] она, [*ёетэм*] етим, [*wөт*] омоним: ўт, ўтмоқ феълдан ташқари, [*wөтын*] ўтин, [*хэwөлэ*] ўла қол каби;

Ареал лингвистик белгилар нуқтаи назаридан, биринчи гуруҳ шарқий ареал қипчоқ-қорақалпоқ шевалари шохобчаси, иккинчи ва учинчи йирик таснифий гуруҳга киритилган шимолий ва марказий ареал шевалари гуруҳи хусусиятларига кўра қипчоқ лаҳжаси бўлганлиги сабабли уларнинг фонетик-фонологик хусусиятларида катта тофовут ва кескин фарқланувчи жиҳатлар кўзга ташланмайди. Фақат лексик хусусиятлари фарқ қилади. Бунга сабаб шимолий ҳудуднинг қарлуқ лаҳжалари ареалига яқин жойлашганлигидир.

Шимолий ва марказий ареал гуруҳи ўзида қипчоқ лаҳжаси умумий фонетик-фонологик хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун шевалар ареал таснифида шимолий ва марказий ҳудудни лисоний фонетик-фонологик хусусиятларига кўра бир гуруҳга киритилди. Шунини айтиш керакки, мазкур диалектал ареалнинг айрим аҳоли сони кўп бўлмаган кичик объектларида қарлуқ лаҳжасига мансуб шева вакиллари истиқомат қилаётганлиги учун қарлуқ шеваси унсурлари ҳам кузатилади. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, бу икки йирик шева ареалини қуйидаги шохобчаларга ажратиб ўрганишни лозим топдик:

1) қипчоқ тип шевалар шохобчаси: Тўрақўрғон туманидаги Оқтош қишлоғи ва Шимолий Фарғона каналининг жануби-ғарбида жойлашган Кичик Қурама, Катта Қурама, Сарой, Қатағон, Дукарт, Олчин, Калвак, Мозори кўҳна, Бураматут, Бордимкўл, Хўжанд, Ахси, Гулқишлоқ, Шаҳанд қишлоқлари; Мингбулоқ туманининг: Чордона, Довдуқ, Терак, Ингичка, Қўшқишлоқ, Шўрсув, Дўмса, Қораёнтоқ, Этак, Ўзгариш, Толовул, Оққум, Баланд Гуртепа, Гуртепа, Ўртақишлоқ, Мулқобод, Узунтепа, Қайрағочовул, Қумқишлоқ, Мадёровул, Янги шаҳар, Қирқчек, Момохон, Қолғондарё, Деҳқонобод, Меҳнатобод, Яккатол, Қўғаликўл, Мазгил, Тегирмон, Авангард, Кимбой, Жийдақишлоқ, Гулистон, Найман, Қора шаҳар, Қозоқовул, Оҳунбобо, Аччиқкўл, Уйурчи-Дамкўл, Янғобод, Толлик, Бешсерка, Алами; Поп туманининг Қорақалпоқ, Яккатут, Ҳовузак, Канопли, Чиғаноқ, Найман, Мирзаорол, Кичик мирзаорол, Майдамиллат, Ботирбўтка, Тўққизуй, Учуйли, Бешсари, Қазноқ, Кенагас, Қўштепа, Тўда, Янгичек, Тиккариқ, Тепақўрғон, Қирчин, Янгиер,

Навбаҳор, Қизилчорва, Пахтақайнар, Янғобод, Чортоқ, Шомозор, Олиш қишлоқлари киради.

2) қипчоқлашган қарлуқ шохобчаси: (аралаш) тип: (Мингбулоқ тумани Жомашов, Эски Гулбоғ, Янги Гулбоғ, Гулбоғ, Дамкўл, Уйчи қишлоқлари);

3) қарлуқ тип шохобчаси: (Поп тумани Пунгон, Уйғур, Санг, Ғурумсарой, Марғизор қишлоқлари).

Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали шимолий ва марказий ҳудудида миқдор жиҳатидан қипчоқ лаҳжаси унсурлари қарлуқ лаҳжаси унсурлардан кўплиги билан характерланади.

ЖҒН шимолий ва марказий ареали шевалари гуруҳи фонетик-фонологик сатҳида умумқипчоқ ёки айнан мазкур шеваларгагина хос бўлган белги-хусусиятлар:

1) қипчоқ тип шевалар шохобчасида: а) ҳудуд шевасида 8 та унли мавжуд бўлиб, улар ўзининг миқдор ва сифат белгилари билан марказий таянч шаҳар шеваларидан фарқ қилади⁷⁹; б) жануби-ғарбий Наманган диалектологик ареалининг шимолий ва марказий ҳудуд қипчоқ тип шевалар шохобчаси “й”ловчи ва “ж”ловчилардан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, туркий тиллардаги “й”лашиш ва “ж”лашиш масаласидаги узоқ йиллик “уларнинг қайси бири бирламчи?” деган саволга ҳалигача аниқ бир жавоб, хулоса ёки тўхтам йўқ. Бу масала ҳақидаги илмий-тарихий қарашлар туркий тиллар фонетик структурасини маълум даражада аниқ лаштиришга бағишланган мақолаларда эълон қилинган⁸⁰.

Мазкур шохобча таркибидаги шеваларда *ж* аффрикатининг қўлланиш доираси бир хил эмас. Ҳудуднинг Кичик Қурама (Наманган т.), Катта Қурама (Тўрақўрғон т.), Кенагас, Қорақалпоқ, Найман, Майдамиллат, Бешсари, (Поп т.); Чордона, Момохон, Қолғандарё, Бешсерка, Найман, Қайрағочовул, Ингичка,

⁷⁹ Решетов В.В. Ўзбек шеваларининг классификацияси // Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент, 1966.- № 1. - Б. 3-14.

⁸⁰ Гаджиева Н.З. Проблсма тюркской ареальной лингвистики. - М.: Наука, 1975. - С. 61-70; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. - Л., 1970. - С. 37; Мусабаев К. М. Грамматика караимского языка. - М.: Наука, 1964. - С. 50-55. Абдуллаев Ф.А. Фонетика Хорезмских говоров. - Ташкент, 1967. - С. 192; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистон ўзбек шевалари. - Тошкент, 1981. - Б. 14.

Қирқчек, (Мингбулоқ т.) шеваларида сўз бошида й ўрнида ж ишлатилади. Бу йирик қишлоқлар аҳолиси, асосан, Сирдарё оқимининг чап соҳилида истиқомат қиладилар⁸¹. Уларни биз ЖҒН диалекти шимолий ва марказий худуднинг “ж”ловчи қипчоқ лаҳжаси гуруҳга киритдик. Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларининг фонологик жиҳатларини ёритишда ж аффрикати ҳал қилувчи белгилардан бири эканлиги ҳақидаги қарашларга таянамиз⁸².

в) Наманган шаҳар тип шеваларда ва адабий тилда умумтуркий а унлиси *ə<a>о* типда дивергенцияга⁸³ учраган.

М.М.Миртожиев дивергенцияни қуйидагича изоҳлайди: “...маълум товушнинг тарихий тараққиёт натижасида бирдан ортиқ товушга дифференциацияси, яъни маълум товуш ҳисобида тилда янги бир товуш ҳосил бўлиши дивергенциядир”. Олимнинг таъкидлашича, ўзбек тили тарихида ва ҳозирги айрим ўзбек шеваларида тил орқа артикуляция ўрнига оид кенг а унлиси бўлган. Унинг тараққиёти у билан контакт позициядаги чуқур тил орқа ундошлари ва *в* ундошига боғлиқ ҳолда юзага келади.

Дивергенция ва конвергенция фақат комбинатор ҳолатда содир бўлади”⁸⁴.

Жануби-ғарбий Наманган диалекти барча қипчоқ шевалари шохобчаларида умумтуркий а: [айақ], [азиқ], [аҳсақ] тарзида сақланмаган, балки адабий орфоэпик о фонемасига сўз бошидагина қисман мос келади: [о/энэр] анор, [о/эхсэқ] оқсоқ, [о/эзық] озик, [о/эмэ] аммо каби;

г) ЖҒН қипчоқ шевалари шохобчалари ареалида сингармонизм қонунияти амалдалиги учун биринчи бўғин таркибидаги унлига кейинги бўғиндаги унлилар мослашади: ўзак бўғинларида: [пэхтэ] пахта, [мэнты] манти, [эрық] ариқ, [бэлық] балиқ, [қэтық] қатиқ; ўзакка аффикслар қўшилганда:

⁸¹ Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус, 1959. – С. 27. Эргашев А.А. Андижон вилояти этнотопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи: Фил. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 9; Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи: Фил. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

⁸² Решетов В.В. Узбекский язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1959. – С. 52; Ишаев А. Фонетические особенности мангитского говора узбекского языка. – Ташкент, 1962. – С. 16; Насиров Ш. Кокандский говор узбекского языка. – Ташкент, 1965. – С. 5;

⁸³ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – С.133.

⁸⁴ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2013. – Б. 273;

[бэрэмэн] бораман, [қэлэмэн] қоламан, [тэллэр] толлар, [чэллэр] чоллар, [бэллэр] болалар каби.

ЖҒН қипчоқ шеваларида а – олд қатор, қуйи кенг, лабланмаган унлини э – олд қатор, қуйи ўта кенг, лабланмаган унли тарзида талаффуз этилиши о унлисининг конвергенцияси деб ҳисоблаймиз.

Е.Д.Поливанов бирдан ортиқ товуш тарихий тараққиёт кечимида бир товушга бирикиб кетиши – конвергенция, деб кўрсатган эди. Олим ўзбек тилидаги конвергенциянинг ўрганилиши фақат чатишма конвергенция кўринишида бўлиб, унлилар доирасида содир бўлиши, ўзбек тилида ассимилятив конвергенция нисбатан кенгроқ тарқалганлиги, шунингдек, улар ундошлар доирасида ҳам учраши мумкинлиги ҳақида ҳам қайд этган⁸⁵.

Ўзбек тили тарихида ва кўпгина шеваларда тил олди у ва тил орқа у ва тил олди ө ва тил орқа ў унлилари бор. Ҳозирги ўзбек тилининг етакчи шевалари ва адабий тилида уларнинг тил олди типи йўқолиб, тил орқа типи билан бирлашиб кетганлиги, айрим сўзлардаги тил олди нисбатан ўртароққа мойил артикуляция ўрнида талаффуз қилинувчи о унлиси тил олди, кенг э унлисига бирлашиб кетганлигини тилшунос олимларимиз қайд этган⁸⁶. Масалан, тил орқа а товуши чуқур тил орқа ундошлари ва в(w) ундоши олдида тараққий этган, шунингдек, чўзиқ тил олди ә товуши ҳам тараққий этган ва улар э товушини ҳосил қилган.

ЖҒН шеваларида э лашиш конвергенцияси позицион ҳолатда содир бўлади. Тил орқа а нинг э лашиши комбинатордир. Тил орқа а унлиси ундошлар қуршови таъсирида, аккомадацияга кўра, “э”лашади: [элқэ] алқа, [бэвр] бағр, [сэлэм] салом, [тэғэ] тоға каби. Шевада унлиларнинг ассимилятив конвергенцияси позицион ҳолат билан боғлиқ. Чунки улар ўзакда содир бўлиб, кейинги келган контакт товуш унча аҳамиятли эмас.

д) жануби-ғарбий Наманган диалекти шимолий ва марказий ареали қипчоқ шевалари шохобчаларида унлиларнинг чўзиқлик ва қисқалик белгиси сўзга услубий маъно беради:

⁸⁵ Поливанов Е. Д. Фонетические конвергенции. – ВЯ. – М., 1957. – №3.

⁸⁶ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 272; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

– меъёрий чўзиқлик оддий даражани, фонетик чўзиқлик сифатнинг орттирма даражасини ҳосил қилади: “й” ловчиларда: [кәттә], катта, “ж” ловчиларда: [эрък] йирик; [кә:тә//кә:тә] ўта катта, [эръ:к], йирик-йирик, [үзәк] узоқ, [үзо:к] жуда узоқ, [мүс] совуқ, [му:з] жуда совуқ, [қәйнәк] иссиқ, [кә:йнәк] ўта иссиқ, [жә] сал, пича, [жә:] жуда, [гүпү] чорпаҳил (тўлача одам), [гү:ппъ] ўта семиз ёки семириб кетган одам каби;

– буйруқ-истак майлидаги феълларнинг маъно қирраларини фарқлашга хизмат қилади: [бәр] соф буйруқ: бор, [бо:р] ялиниш: боргин, [ўқъ] ўқи, [ўқи:] ўқигин – илтимос, [ўзз] ёз, [ўз:з] ёзгин – талаб, [ўзз:й] ёзай – истик, илтимос, [чък] чиқ, [чи:к] чиққин – илтимос, талаб, [қәрс] қара, [қәрс:] – илтимос, ўтинч, ялиниш каби;

ж) диалектал ареал “ж” ловчиларида “й” ловчилардан фарқли ҳолатда: у>ө: [ҳәкъмәт//өкъмәт] ҳукумат, [ҳәнәр] ҳунар, йөй//жөй//жәй шевада омоним: ёй– ёймоқ, матони ёймоқ, йуй– йуймоқ, яхшилиқка йуймоқ каби алмашилишлар кузатилади.

з) шевада нутқ оқимида юзага келувчи ва ўзлашган сўзлар таркиби билан биргалиқда кириб келган ёки уларнинг ўзлаштирилиши кечимида шаклланган дифтонглар мавжуд: [wўрус] рус, [wөхтәбър] октябрь.

Шева қатламидаги сўзларда сандҳи (sandhi) ҳолатларда: [ҳәwўлә] ўла қол, [ҳәйрәwўлдым] ҳайрон бўлдим, [қуйwөрө//қуйwөрөв] қуйиб юбор, [рәwөлдъ]; “ж” ловчи қипчоқларда: [бәккънчъ] иккинчи, [бәшкъ] эчки, [бәккъ] икки, [wойтвәр] айтиб юбор каби сўзларда дифтонглашиш ҳодисаси учрайди. Лекин бу фонетик жараён мазкур диалектал ареалда саноқли туб сўзлар доирасида амал қилади, бошқа қипчоқ тип шеваларидагидек, [wўрәзә] [wөрәзә//wөрәзә] рўза, [wўрәмәл] рўмол, [wъръзә] ризо, рози каби⁸⁷ умумий тус олмаган. Бироқ сандҳи ҳолатлар доирасида улар миқдори кўпроқ.

ЖҒН шарқий ареали қарлуқ шевалари гуруҳидаги Наманган шаҳар ва Фарғона тип шеваларда унли фонемалар парадигмаси ўзбек адабий тили билан бир хил:

⁸⁷ Боровков А.К. О некоторых очередных вопросах узбекского литературного языка. ЗИВ. АН СССР, VI. – С. 76; Решетов В.В. Узбекский язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1959. – С. 149; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 64.

	лабланмаган	лабланган
тор унлилар	и	у
ўрта-кенг унлилар	э	ў
кенг унлилар	а	о

Лисоний бирликлар нутқ жараёнида турли вариантларда намоён бўлиши мумкин. Бунга бирликларнинг синтагматик муносабатда қўшни бирликлар таъсирига берилиши сабабдир. Ўзбек тили материаллари таҳлилларидан маълумки, ундошлар унлиларнинг артикуляцион-акустик жиҳатларига таъсир ўтказиб, сифат ва миқдор белгисини ўзгартириши мумкин. Лекин ЖҒН шарқий ареали Наманган шаҳар тип шеваларида унлилар ундошларнинг хусусиятларини белгилаб бериши мумкинлиги кузатилади⁸⁸. Жумладан: [қэчқөрү] кечқурун// кечаси, [эр-хөтү:] эр-хотин, [кэлалла] келадилар каби. Мисоллардаги чуқур тил орқа қ, х саёз тил орқа к, тил олди ч, р, т, л ундошлари талаффуз жараёнида унлиларга ўз таъсирини ўтказди, синтагматик муносабатда унлилар ундошларнинг сифат белгиларини ўзгартиради. Яъни, бир бўғин таркибида иштирок этган унли, агар у тил ўрта ёки тил олди унлиси бўлса, чуқур тил орқа ундошини саёз, саёз тил орқа ундошини эса тил олди ундоши сифатида талаффуз этилади.

ЖҒН шарқий ареал шевалари гуруҳининг қипчоқ-қорақалпоқ шохобчаси ҳамда шимолий ва марказий ареал қипчоқ шевалари гуруҳи унлилари қуйидаги парадигмани ташкил этган:

	тил олди		тил орқа	
	лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган
тор унлилар	и	ү	-	у
ўрта-кенг унлилар	э	ө	-	ў
кенг унлилар	а	-	-	о

Олд ва орқа қатор жуфтлари бўлган унлилар сингармонизмнинг танглай уйғунлиги (танглай гармонияси) ва лаб уйғунлиги (лабиал гармония) қонуниятига амал қилади ҳамда маъно фарқлаш хусусиятига эга: [бэқә:] бу ёққа, [бэқэ] бақа, [сов] соғ, [сүв] соғмоқ; сигир соғмоқ, [сөв] сепмоқ; [ўр] ўтни ўрмоқ, [өр] сочни ўрмоқ; [уч] сон, рақам, [үч] омоним: учмоқ, парвоз қилмоқ, уч, найзанинг учи; [ун] русча мука, [үн] омоним: овоз,

⁸⁸ Отамирзаева С. Экспериментально-фонетической исследование Наманганского говора узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1974. – Б. 15-30.

унмоқ, ўсмоқ, [тут] тут дарахти, [тўт] ушламоқ, [туз] русча соль, [тўз] тузмоқ каби.

2-фасл. Унлилар синтагматикаси

Тор унлилар

И – тил олди, лабланмаган, тор унли. “Й” ловчи ва “ж”ловчиловчи гуруҳларда сўзнинг исталган жойида келади. Сўз бошида таянч шаҳар шеваларидаги [и]⁸⁹ га нисбатан турғун ва аниқроқ талаффуз этилади.

Қуйидаги позицияларда умумтуркий [и] дек тўлиқ талаффуз қилинади:

1. Сўз бошида очиқ бўғин ташкил қилганда: [ичәк] ичак, [итәр] итар, [иръң] йиринг, [иръкән] жирканмоқ, [инъ] ука, [илък] суяк ичидаги суюқлик: илик, [уйън//уйнъ] елка, [ичъ] қорин бўшлиғи каби.

2. Й ундошидан олдин келиб очиқ ёки ёпиқ бўғин ташкил қилганда: [уйъл] эгилмоқ, [уйлә] аралаштир, [уйәк] ияк, энгак (подбородок), [уйдъш] идиш, [уйъндъ] сигирни ийдириб соғилган сут, [тийън] омоним: майда

танга, тўхта, тегинмоқ, [бийлә//бъвлә] қўлга олмоқ, [сийлә] яхшилик қилмоқ.

3. Тил олди, тил ўрта й ва бурун ундоши н билан бўғин ҳосил қилиб, урғу олганда: [йъвчи//съвчи] совчи, [тэвасинъ] тепасини, [әкәсъни] акасини, [дўссинъ] дўстини, [сәссиды] сасиди, ачиди каби.

И ундоши қуйидаги ҳолатларда талаффуз қилинмайди:

1. Бир сўз таркибида урғусиз бўлганда, сандхи ҳолатларда “й”ловчи, “ж”ловчиловчи шеваларида ҳам редукцияга учрайди ёки бутунлай тушиб қолади. “Й”ловчиларда: [бўләдғән] бўладиган, [бўләркән//бўләпткән] бўлади экан, бўляпти экан, [әйтвәр] айтиб юбор каби; “Ж”ловчиларда: [жүтптъ] ютибди, [жүрвәр] юриб юбор, юриб қўй, [бўлдкән//пўлдкән] бўлди экан, [қўръпткән//гўръпткән] кўрибди экан, [сөрйәпткән] сўраяпти экан, [келйәпткән] келяпти экан каби.

⁸⁹ Боровков А.К. О некоторых очередных вопросах Узбекского литературного языка. ЗИВ. АН СССР, VI. – С. 76; Решетов В.В. Узбекский язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1959. – С. 149; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 64.

2. Феъллардаги *-ди* шакли таъкид юкламаси *-да* билан кўлланганда:

[*бэрэттә*] боради-да, [*чъқэттә*] чиқади-да, [*кээттә*] келади-да, [*эээттә*] эзади-да, [*тэқэттә*] тақади-да, [*чэқырэттә*] чақиради-да каби.

3. “Ж”ловчи қипчоқ шеваларида сўзларга иккинчи шахс кўплик кўшимчаси *-сиз* кўшилганда: [*бэрс*] борсиз, [*кўрас*] кўрасиз, [*элэс*] оласиз, [*шәйдәмъс*] шу ердამисиз каби.

Худуд қипчоқ шеваларининг ҳар икки гуруҳидаги айрим [*эккъ*] икки, [*эккәләң//экөвъң*] иккаланг, икковинг, [*эхтъйәръң*] ихтиёринг каби сўзларда *и* унлиси сўз бошида *э* унлисига алмашади, фонематик белгиларга эга эмас.

[ъ] – тил олдига нисбатан орқароққа силжиб, қисқа талаффуз этиладиган, талаффузда бир оз заифлашадиган, лекин турғун ва аниқ *и* фонемасининг варианты.

1. Сўз бошидаги ёпиқ бўғин таркибида: [*кәлъләръ*] келинлари, [*ънтъқ*] интиқ, [*ъкър-чъкър*] икир-чикир, [*ътқы*] отмоқ, ирғит, [*ъзь*] изи, [*ъттъ*] итни, [*ъндәқэ//ънәқэ*] ана шунақа, [*ълъс*] секин қимирлайдиган, ишида унум йўқ одам, [*ъннәй*] ундан кейин, сўнг каби.

2. Сўз бошида ўзи бўғин ҳосил қилганда ва сўзнинг исталган жойида очик бўғин ҳолатида: [*ъмьлләқ //ъмылдърық*] [*ълъс*] нинг синоними: секин қимирлайдиган, ишида унум йўқ одам, [*ъръган*] иримоқ, [*ъмътхән*] имтихон, [*ънәвәт//ънәпәт*] Инобат (қизлар исми), [*ънъйәт*] Иноят (қизлар исми) каби.

[ь] – и фонемасининг инлаут ҳолатда ўта кучсизланадиган, бироқ ўрнини йўқотмайдиган варианты: [*чъхтъ//чъқәрдъ//чъхвәрдъ*] чиқмоқ: чиқди, чиқарди, чиқиб юборди, [*бър*] бир, [*бърәртәс*] биронтаси, [*мьнән//мьнәм*] билан, [*съз-бъзләдъ*] ялинди, алдашга уринди, авради, [*кър*] кирмоқ, [*чъқ*] чиқмоқ, [*мъхләдъ*] болади, адабини берди каби. ЖҒН шеваларидаги *и* фонемасининг бундай ҳолати Хоразм шеваларидаги [ъзь, ьбь, ьйә] каби сўзлардаги [ь] вариантга мос келади⁹⁰.

ы – шевадаги [*и*] фонемасининг тил орқа, лабланмаган, тор унли варианты. Диалектал ареал қипчоқ лаҳжасидаги шохобчаларнинг ҳар икки: “й”ловчи ва “ж”ловчиловчи гуруҳ шеваларида, асосан, тил орқа *нг[ң]*, *қ*, *ғ*, *х* ундошлари билан,

⁹⁰ Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент, 1967. – С. 32.

айрим ҳолатларда эса тил олди, сирғалувчи *ш* ва сирғалувчи-портловчи *ч* ундошлари билан бир бўғин таркибида синтакматик муносабат ҳосил қилиб, ёнма-ён – контакт ҳолатда қўлланади: [шығыл] шиғил мева, [чығырық] чиғириқ, [чырмэвық] чирмавиқ ўсимлиги, [тыңылықлъ] саранжом каби.

Шевада сингармонизм қонунияти амалдалиги учун *ы* варианты алоҳида аҳамиятга эга. У сўзнинг исталган бўғинида, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар таркибида ҳам қўлланади.

1. Сўз бошида: [ыңқиллэди] ингради, [ытқы//ыхты//ытқывэр] ирғит, от, ирғитиб юбор, [ыхлэс] қаттиқ ишонмоқ, [ылҳэқ] ҳавотир олмоқ, [ышқэр] ортиқча бақирис, [ычқырэнды: ичымдэн ычқырэнды ўтэн кэттэ] ичқиринди: ичидан ичқиринди ўтмоқ – кўрқмоқ, таҳликага тушмоқ каби.

2. Сўз ўртасида: [йэқын] яқин, [бықыр] ўта семиз, [қырчылээн] роса тоза, тозаланган, [тўқым] тўқим, [қышэн-йэзын] қишин-ёзин каби.

3. Сўз охирида: [мэйңы//бўйңы] бўйин, [кечэғы] кеча кунги, [бўлды] тамом, [ўрэғы] ўроғи, [дўққы] кўпол одам, [түтүрүғы] тутуруғи йўқ каби.

У – умумтуркий юқори кўтарилишдаги тор унли. ЖҒН шеваларида [у] [ү] фонемалари мавжуд бўлиб, адабий тил унлилари тизимидан фарқ қилади. Шева талаффузида [у] [ү] фонемасига нисбатан очиқроқ бўлиб, барча ўзбек лаҳжаларининг ўғуз ва қипчоқ шевалардаги [у] га мос келади⁹¹: [улэқ] улоқ, [йумэш] иш, [муш] мушт, [унэқэ-мунэқэ] ундай-бундай, [кучэқ] кучоқ, [улы] ўғли, [йумэлэқ // думэлэқ] думалоқ, [қулуп] қулф, [сулэқ] очофат, [қумэқ] омоним: майда, қумли ер каби.

ЖҒН шеваларида [у] фонемасининг қўлланиш доираси адабий тил ва марказий шаҳар шеваларига нисбатан кенгроқ бўлиб, сўзнинг иккинчи, учинчи бўғинларида ҳам кела олади⁹²: [туруқ] турх, афт, [бурун//мурун] омоним: илгари, аввал, бурун (рус т. нос), [қурут] омоним: қуритилган қатик, ҳашарот: курт-қумурсқа каби.

Ү – олдинги қатор, юқори кўтарилишдаги тор унли. Бу унлининг таянч шаҳар шеваларида тарқалиши чегараланган.

⁹¹ Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент, 1967. – С. 35-36.

⁹² Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 19.

ЖҒН шеваларида эса ү унлисининг кўлланиш доираси сингармонизм қонуни ҳамда [в] ундошининг таъсири билан учинчи ва сўнги бўғинларга, ҳатто аффикслар таркибига ҳам ўтиши мумкин: [үч] омоним: найзанинг учи, учмоқ [устүн], [чәқүрүв] чақирди – маросим номи, [үвүттъ] ивигди, [күйдүргъ] яра номи, [үйүш//тэртъш] томирнинг тортилиши, уюшиши – мускулларнинг контрактураси.

ЖҒН шеваларида [у] ва [ү] унлилари фонема сифатида мавжудлигига кўра, адабий тилдан фарқ қилади. Маъно фарқлайди. Шу хусусиятларига кўра адабий тил ва бошқа шевалардан фарқ қилади. [У] ва [ү] бир хил қуршовда ўзаро ўрин алмашиб, сўз маъносига таъсир этади:

адабий тилида	орқа қатор	олд қатор
уч	уч (сон, рақам)	үч (учмоқ, нарсанинг учи)
уй	уй (яшаш жой)	үй (уймоқ)
бур	бур (бурмоқ)	бүр (айлангирмоқ)
ун	ун (русча мука)	үн (унмоқ, ўсмоқ, овоз)
тут	тут (дарахт)	түт (ушламоқ)
туз	туз (русча соль)	түз (тузмоқ)
куймоқ	куйди (чўғ ёки оловда)	күйдъ (хафа бўлди)
куйдирги	куйдиргъ (енгил сўкиш)	күйдүрги (яра номи)

Ўрта-кенг унлилар

Е – олдинги қатор, ўрта кўтарилишдаги унли товуш. ЖҒН шеваларида е фонемасининг кўлланиш доираси биринчи бўғин билан чегараланади; адабий тил ва таянч шеваларидан фарқ қилмайди: [йемът] зарар келтирувчи, [йетвэ] етиб ол, [кетвэрдъ//кетъб қэптъ] кетиб юборди, кетиб қолибди, [белэв] белбоғ каби; “ж”ловчи қипчоқ шеваларида сўнги бўғинга силжиши кузатилади: [йэмбэхледи] эмаклади, [търсәгем] тирсагим, [йэрше//йэрчи] эргаш, [чеккален кеттъ] четдан кетди, [журсйеңә] юра қолсанг-чи каби; қарлуқ шаҳар тип шевалардаги [е] дан талаффузда очиклиги билан фарқ қилиб, қипчоқ тип шевалар гуруҳида [э]//[е] га мос келади ва “ж”ловчиларда айрим сўзлар бошида дифтонглашади:

адабий тилида	шаҳар тип шеваларда	ЖҒН шеваларида	
		“й”ловчиларда	“ж”ловчиларда
эшик	ешъ//ъшь	ешьк	ъешьк
эчки	ечки//ъчкъ	ечкъ	ъэшкъ

эшак	<i>ешай//ъша:</i>	<i>ешшак</i>	<i>ʼешшак</i>
этик	<i>етъ//этү</i>	<i>етък</i>	<i>ʼетък</i>
еб бер	<i>йеббер</i>	<i>йебар</i>	<i>ʼевар</i>
мехри	<i>мехръ</i>	<i>мехръ</i>	<i>мехръ</i>

[э] – олд қатор, қуйи кўтарилиш, лабланмаган, е фонемасининг варианты. Қуйидаги ҳолатларда е га нисбатан кенгроқ, юмшоқроқ талаффуз қилинади:

а) “й”ловчиларида, сўз бошида: [этэк] омоним: чекка жой, кўйлакнинг этаги, [элэк] элак, [эгөв] эгов, [эсар] анқов, [эмын-эркын] эмин-эркин, [энсә] энса: калланинг орқа томони каби;

б) “й”ловчиларда ҳам, “ж”ловчиларда ҳам бир бўғинли сўзлар таркибида: [кэл], [кэт], [йэт], [сел] жала, [тэк] жим, [йэл] енгил шабада, [йэң] омоним: кўйлакнинг енги, овқат енг каби;

в) адабий орфографик *эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феъллари қўшма феъл компоненти сифатида келганда [э] турғун эмас:

- “й”ловчиларда *эди* тўлиқсиз феъли таркибидаги э товуши -үв ёки ноль ҳолатида: [бэрүвдь//бэрғэндь] борган эди, [бэррдь] борар эди; “ж”ловчиларда доимо -й(-ъй) тарзида: [пэрэйдь] борар эди, [пэрғэнъйдь] борган эди, [эппорувъйдь] олиб борган эди каби талаффуз этилади;

- *экан* таркибидаги э сингармонистик шевалиги учун “й”ловчиларда э унлисига айлантрилиб: [бэрэкан] бор экан, [бэррэкан] борар экан, “ж”ловчиларда -ъй -эй тарзида: [пэръйкән] бор экан, [бэрэйкән] борар экан тарзида талаффуз қилинади;

- *эмиш* таркибидаги э “й”ловчиларда: [бэррэъмыш] борар эмиш ь ёки [бэррэмыш] каби ноль кўринишда, “ж”ловчиларда: [бэррэъймыш] каби -й (-ъй) тарзида воқеланади.

- “ж”ловчи гуруҳ қипчоқ шеваларида [э] унлиси турғунроқ бўлиб, -й, -ъй, -эй кўринишида талаффуз этилади. Бундай ҳолат кўплаб қипчоқ диалектига мансуб туркий тилларда кузатилади⁹³. Жумладан, академик М.Ш.Шералиев Озарбайжон тилининг шарқий гуруҳ шевалари ва қипчоқ тилларига оид ёзма

⁹³ Туркий тилларда [e] фонемаси ҳақида қаранг: Решетов В. В. Узбекский язык. – Ташкент: Узгосиздат. – С. 18-92; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 51-53; Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент, 1967. – Б. 37-40; Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. I. – Б. 330; Исхаков Ф. Г. Характеристика отдельных гласных в современных тюркских языках. ИСГТЯ, I. – М., 1955. – С. 81-82; Даняров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекском литературным языком. – Ташкент, 1975. – С. 110-111.

ёдгорликлар материалларига асосланиб е[э]>и[ъ] ҳодисаси қипчоқ тилларига хос хусусият эканлигини таъкидлайди⁹⁴. Бу хусусиятлар жануби-ғарбий Наманган “ж”ловчи қипчоқ шеваларида ҳам [пэръидь] бор эди, [келъпъидь] келган эди, [ʷўтаръймъш] ўтармиш, [келъймъш] келар экан каби мавжуд.

Ө – тил олди, ўрта-кенг лабланган унли товуш: а) шевада [ө] фонемаси бошқа баъзи туркий тиллардаги [ө] фонемасига мос келади⁹⁵: [бөл] бўлмоқ; тенг ярмидан бўлмоқ, [өт] ўт, [көр] кўрмоқ, [көл] кўл, [сөл] чап, [көча] кўча, [гөжа//көча] таом, [бөла] омоним: ҳолавачча, беламоқ каби.

Қиёсланг:

Ўзбек адабий тилида	кўк	кўл
<i>ЖҒН шеваларида</i>	көк	көл
<i>Озарбайжон тилида</i>	көй	көл
<i>Қозоқ тилида</i>	көк	көл
<i>Қорақалпоқ тилида</i>	көк	көл
<i>Тува тилида</i>	көк	қөл
<i>Хакас тилида</i>	көк	көл

б) ө фонемаси таянч шаҳар шеваларида ва адабий тилда йўқ. Андижои шсвасида тарқалиш доираси чегараланган⁹⁶. Ўзбек диалектологи Ф.А.Абдуллаевнинг таъкидлашича, сингармонизм қонуни сақланган ўғуз ва айрим қипчоқ шеваларида қўлланиш ўрни, асосан, биринчи бўғиндан нарига ўтмайди⁹⁷. Бироқ ЖҒН шеваларида ө фонемаси сўзнинг кейинги бўғинларида ҳам келади: [күйөв] куёв, [бэшөв] арқон, [түнөв күнъ] ўтган куни, [бэшөвъ] бешаласи, [белөв] белбоғ, [лэлөв] сумалак учун ундирилган буғдой шираси, [мэйлөв] муйлов каби. ЖҒН диалектал ареалининг Мингбулоқ туманидаги Ўзгариш, Олтинкўл, Баланд Гуртепа, Гуртепа, Мулқобод, Узунтепа, Ўртақишлоқ, Қораёнтоқ; Поп туманидаги Тўққизуй, Тўда, Чиғаноқ, Учуйли; Тўрақўрғон туманининг Шовон, Сарой, Олчин, Қотоғонсарой, Шаҳанд каби қишлоқларида лаб гармонияси

⁹⁴ Ширалиев М. Озарбайжон тилида қипчоқ элементлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1961. – № 6. – Б. 37.

⁹⁵ Решетов В.В. Общая характеристика особенностям узбекского вокализма. Тил ва адабиёт институти асарлари. – Тошкент, 1939. – Б.10-20; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 50-51.

⁹⁶ Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. – Ташкент: Фан, 1981. – Б. 24.

⁹⁷ Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент: Фан, 1967. – Б. 39.

қонунига мувофиқ *ө* фонемасининг қўлланиш талаффузи учинчи ва сўнги бўғинларга қараб силжиши кузатилади: [бэсўрөв кэттэ] сўрамасдан кетди, [мэддаләнөвдэ] яранинг пайдо бўла бошлаши, [мэддаләнөвэрдэ] кўп гапирди каби. Бундай ҳолатлар ғарбий Фаргона қипчоқ шеваларида ҳам кузатилади⁹⁸.

Ў – умумтуркий орқа қатор, ўрта-кенгликдаги лабланган унли: “й” ловчи ва “ж”ловчиловчи гуруҳларида ҳам бир хил талаффуз этилади; сўзнинг исталган бўғинида келади: [сўв] соғлом, [сўв] соғмоқ; сигир соғмоқ, [кўс] кўст-кемтик, [бўв] боғлик, [тўв] топ, [лўв] лаб, [тўроң] бутасимон ўсимлик, [бўвлэ//бэвлэ//бийла] қўлга олмоқ, ўз таъсирини ўтказмоқ, [тўпэлэң] тўпалон, [тўпэры] тўпори, [сўтэ] маккажўхори сўтаси, [сўрўвчэ] сўрайдиган, [ишлўвчэ] ишлайдиган, [сўлэхмэн] беғам, дангаса, [бемўврэт] бемаврид, [жэмшўв] тоғора, [кесўв] косов каби; в) лаб ундошлари таъсирида *а>о>ў* га ўтади: *а > ў*: лаб > [лўв], маврид > [мўврэт]; *о>ў*: косов > [кесўв], боғ (боғлик) > [бўв], топ > [тўв], ишловчи > [ишлўвчэ] каби.

Шевада [ў] ва [ө] унлиларининг алоҳида фонема сифатида мавжуд. Қуйидаги бир гуруҳ сўзлар ўрин олган жадвалга эътибор қиламиз ва қиёслаймиз:

Адабий тилда	Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида	
	орқа қатор ў	олд қатор ө
ўр	ўр (ўтни ўрмоқ)	өр (сочни ўрмоқ)
ўт	ўт (олов, майса)	өт (ўтмоқ, захар)
кўр	кўр (кўрмоқ)	көр (кўзи ожиз)
соғ	сўв (соғлом, соғмоқ)	сөв (сепмоқ)
тоб	тўв (тоб: иссиқ ва соғломлик)	төв (тепмоқ)
ўра	ўрэ (ўрамоқ)	өро (чуқурлик)
ўтин	ўтын (ёнилғи)	өтын (кечирим сўрамоқ),
ўсма	ўсмэ (ўсимлик),	өсмэ (касаллик)
бўл	бўл (бўлмоқ; содир бўлмоқ)	бөл (бўлмоқ; ярмидан бўлмоқ)

[ў] ва [ө] унлиларининг алоҳида фонема сифатида мавжудлиги шева ареалнинг асосий фонетик-фонологик белгиларидан бири. Шу хусусиятига кўра, адабий тил ва бошқа шевалардан фарқ қилади, [ў] ва [ө] бир хил қуршовда ўзаро ўрин алмашиб, юқоридагидек, сўз маъносига таъсир этади.

⁹⁸ Тургунов Т. Западна-ферганский говоры узбекского языка: Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1968. – С. 6.

Кенг унлилар

А – тил орқа лабланмаган қуйи, кенг унли. Бу унли ўзининг шевадаги талаффузига кўра, умумтуркий тил орқа кенг [а] унлисидан фарқ қилмайди: а) барча туркий тиллардагидек турғун, сўзнинг исталган бўғинида кела олади; б) “й”ловчи гуруҳ қипчоқ шеваларида мазкур товуш тил орқа, айрим тил олди портловчи *т, д*, сирғалувчи *в, з, ш*, (айрим ҳолларда *с*) ва портловчи *п, б, м* лаб товушлари билан ёнма-ён келганда адабий тилдаги белгиларини сақламайди, тўлалигича тил орқа [о]//[э] товуши каби талаффуз қилинади, “ж”ловчиларда эса бундай жараён айрим сўзлардагина кузатилади:

Адабий тилда	ЖҒН шеваларда		Адабий тилда	ЖҒН шеваларда	
	“й”ловчи ш.	“ж”ловчи ш.		“й”ловчи ш.	“ж”ловчи ш.
бозор	<i>бэзэр</i>	<i>бэзар</i>	салом	<i>сэлэм</i>	<i>сәләм</i>
дада	<i>да:да</i>	<i>дада</i>	вассалом	<i>вэссэлэм</i>	<i>вассәләм</i>
балиқ	<i>бэлық</i>	<i>бальқ</i>	валақла	<i>вэләқлә</i>	<i>вәләқлә</i>
қатиқ	<i>қэтық</i>	<i>қатьқ</i>	вакил	<i>вүкүл</i>	<i>үкүл</i>
манти	<i>мэнты</i>	<i>манть</i>	замон	<i>зэмэн</i>	<i>зәмән</i>
пахта	<i>пэхтэ</i>	<i>пахта</i>	вавағ(тақлид)	<i>вэвэқ</i>	<i>вавоқ</i>
тахта	<i>тэхтэ</i>	<i>тахта</i>	вабо	<i>вэбэ</i>	<i>вобә</i>
тароқ	<i>тэрэқ</i>	<i>тарақ</i>	шаддод	<i>шэддэт</i>	<i>шәддәт</i>
қашқа	<i>қэшқэ</i>	<i>қашқа</i>	забон	<i>зувэн</i>	<i>зәпэн//зәвэн</i>
чал	<i>чэл</i>	<i>чол</i>	сабзи	<i>сөвзэ</i>	<i>сө:зэ</i>
чақмоқ	<i>чэхмэқ</i>	<i>чахмақ</i>	шамол	<i>шэмэл</i>	<i>шәмәл</i>

[ә] – а унлисининг тил олди лабланмаган қуйи кенг кўтарилишдаги варианты: а) адабий [а] товушига мос келади, сўзларнинг исталган бўғинида кела олади: [әкә] ака, [укә] ука, [ишлә] ишламоқ, [әстәр] астар, [кэчәсидаяәм] кечаси ҳам, [әччыққәләмпьр] аччиқ қалампир каби; б) сингармонизм қонуни талабига кўра, чуқур тил орқа *қ, ғ, х, ң* ундошлари билан ёндош кела олмайди, бундай оппозицияларда кенг унли [э] қўлланади: [ғэйыр] ғайур, [қэнъ] қани, [хэмыр] хамир, [ғэлэмьс] ғаламис, [этэнды] отангни, [нумэңэ] нега, нимага каби; в) қипчоқ шеваларида таркибида *ш, п, л, х* ундошлари мавжуд бўлган содда, қўшма сўзларда, айрим кўмакчилар билан қўлланган сўзларда [ә] унлиси деярли ишлатилмайди: [кэлэвьрсьн] келаверсин, [мўллэ] мулла, [улўшў://улўшўвьр] улашавер, [мәхтәптэмэңэ] мактаб томонга, [рхпэхтэ] оқ пахта, [шәкэрәп] шакароб каби.

Чўзиқ унлилар

Қадимги туркий чўзиқ унлилар табиати, функцияси, фонематик хусусиятлари ёритилган ишларда⁹⁹ уларга хос фонетик-фонологик белгиларнинг аста-секин йўқолиб бориш сабаблари, ҳозирги туркий тиллар материал-манбалари асосида назарий тиклаш мумкинлиги баён қилинади¹⁰⁰. Қадимги туркий тиллар учун умумий бўлган чўзиқлик ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида сақланмаган, айримларида (масалан, Хоразм шеваларида) сақланган. Лекин ўзларида энг қадимий ва кейинги туркий тил унсурларини рудимент – қолдиқ сифатида сақлаб қолган шевалар кўпчиликини ташкил этади. ЖҒН қипчоқ шеваларининг “й”ловчи ва “ж”ловчи гуриҳида ҳам ана шундай фонетик ҳодисаларнинг айрим изларини кўриш мумкин. Улар фонематик хусусиятларини сақламаган бўлса-да, чўзиқ унли сифатида муайян сўзлар таркибида қотиб қолган. Масалан: [u:]: [чи:ш] тиш, [ки:йън] сўнг, [хи:лә] пича, озгина, сал; [ү:]: [сү:т] сут, [чү:ш] тушмоқ, [хү:ш] эс, фаҳм, хотира; [у:]: [ту:т]: ушла, [ту:ш] тушмоқ, [су:қ//къннә] назарланмоқ; [е:]: [те:вә] баланд, узун, дароз, [ке:т] орқа томон, масалан: томнинг кети (уйнинг орқа томони), [ке:к] алам каби.

Қуйидаги санокли сўзларда эса фонематик хусусияти деярли ҳолда сақланган: [э:]: [зэ:т] зот, уруғ, авлод-аждод, [зэ:т] (адабий варианты зоғ, шевада омофон) буюм, шахс, нарса: ҳеч зоғ йўқ, [э:т] отмоқ, [э:т] омоним: исм, ҳайвон; [э:с] озмоқ, [э:с] осмоқ; [ә:]: [жә:й//йә:й] ёймоқ, [жә:й] жой каби туркий ва ўзлашма бирликларда кўзга ташланади.

ЖҒН қипчоқ шеваларидаги мазкур фонематик ҳодиса ўғуз шевалари даражасида амалда эмас. Бироқ шевада оз бўлса-да учрашини, юқорида айтилганидек, бир томондан, рудимент сифатида сақланган белги бўлса, бошқа томондан ушбу

⁹⁹ Богородицкий В.А. Введение в татарское языкознание. – Казань, 1953. – С. 38; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М., 1948. – С.7-9; Исаков Ф. Т. Долгие гласные в тюркских языках. ИСГТЯ, I. –С.160; Абдуллаев Ф. А. Чўзиқ унлиларнинг табиати тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959, – № 3. – Б. 27-33.

¹⁰⁰ Гаджиева Н.З. Проблема тюркской ареальной лингвистики: Среднеазиатский ареал. – М., 1975. – С.56-57, 271-272; Пальмбах А.А. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология. – М., 1961. – С.28-29.

диалектал ареалида туркийзабон уруғ вакилларининг асрлар давомида биргаликда ҳаёт кечирганликларини кўрсатади.

Туркий тилларда иккиламчи чўзиқлик кенг тарқалган фонетик ҳодисадир¹⁰¹.

У ундош товушларнинг тушиши, бўғинларнинг қисқаришидан ҳосил бўлади. Бу чўзиқлик барча туркий тиллар, хусусан, ўзбек шевалари учуи ҳам умумий, лекин ҳар бир тил ва шеванинг тарихий тараққиёти процессидаги ички фонетик қонуниятлар асосида содир бўлади¹⁰².

ЖҒН шеваларида мазкур ҳодисанинг вужудга келиш йўллари куйидагича изоҳлашимиз мумкин:

а) л товушининг тушиши натижасида: [қэсэ:] (қолса), [бўсэ:] бўлса, [қъсэ:] қилса, [бўмэсэ:] бўлмаса, [йъйъ:к] ейлик, [кьйайъ:к] кийайлик, [ъчайъ:к] ичайлик каби. Таъкидлаш лозимки, ЖҒН қипчоқ шевалари унлиларида сўздаги л ундошининг тушиши натижасида вужудга келадиган иккиламчи чўзиқлик Наманган шаҳар тип шеваларидан фарқ қилади. Шаҳар тип шеваларда л ундоши бириккан бўғиндаги унли иккиламчи чўзиқликка эга бўлса: [бө:мэсэм//йөқэсэм] бўлмаса, [ке:са] келса, [үшә:] ушла, [сэ:сә] солса каби, жануби-ғарбий қипчоқ шеваларида [қэсэ:] қолса, [бўсэ:] бўлса, [қъсэ:] қилса, [бўмэсэ:] бўлмаса, [сэ:сә] солса каби л ундоши бириккан бўғиндан кейинги бўғиндаги унли иккиламчи чўзиқликка эга бўлади;

б) ғ ва в товушларининг таъсирида [ғ>в(w)>ноль]: [сэ:в] (соғ-саломат), [тў:рры//тү: wри] тўғри, [қү:р//қү:wьр] қувир, [қү: wьп] қувиб, [кө:wьш] кавуш, [то:w] топ, [сө:wлат] савлат каби. Тошкент, Наманган шаҳар ва Хоразм шеваларида бу ҳодиса яққолроқ кўринади: [сү:ьч//сү:й ич] сув ич¹⁰³, [де:лэт] давлат, [се:лэт] савлат¹⁰⁴. Мазкур фонетик ҳодиса ЖҒН шевалари учун умумийдир, “й” ловчиларда ҳам, “ж” ловчиларда ҳам чегараланмаган.

¹⁰¹ Дмитриев Н.К. Вторичные долготы в тюркских языках. ИСГТЯ. I. – С. 198; Рясянен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. – М., 1955. – С. 58-66.

¹⁰² Исхаков Ф. Г. Долгие гласные з тюркских языках. ИСГТЯ, I. – С.104.; Исхаков Ф. Г., Пальмбах А.А. Грамматика тувинского языка. – С. 33-34; Абдуллаев Ф. А. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 53-56.

¹⁰³ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 83.

¹⁰⁴ Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент: Фан. 1967. – Б.64.

в) таркибида *p* ва *f* ундоши бўлган бўғин тушиши натижасида: [қўйў:^w] қўявер, [бэрў:^w] боравер, [сўрэ:^w] сўравер, [чэвэ:^w] омоним: югурмоқ, ер чопмоқ, [қақа:] қаерга, [қа:кэттъ] қаерга кетти [тэ:] тағин, [тэ:эйтмэгън] тағин айтиб қўйма каби. Қиёсланг: ЖҒН шеваларида: [бердъ:] берди, [бэрдэ:] борди услубий маъно бериш учун ҳам қўлланиладиган чўзиқлик; Наманган шаҳар шевасида: [беддъ:] берди, [боддъ:] борди шеванинг фақат ўзигагина хос, уни бошқа ўзбек шеваларидан фарқловчи, доимий ҳолдаги сўзнинг охирги унлисидаги эмфатик чўзиқлик;

г) араб тилидан ўзлашган, таркибида контакт тарзда икки унли ёки бўғиз товуши *ҳ* ҳамда *айн-ъ* мавжуд бўлган сўзларда барча шевалардагидек ҳолат кузатилади: [сэ:т] соат, [сэ:дэт] саодат, [шэ:дэт] шаҳодат, [шэ:йът] шаҳид, [ша:р] шаҳар, [нико:] никоҳ, [са:р] саҳар, [ма:ни] маъно, [ма:рин] Маъруф, [ма:мура] Маъмура, [ма:қыл] маъқул каби.

ЖҒН шевалари фонетик-фонологик сатҳида ҳам адабий тилнинг ёки ҳудудий ёндош – бир ареалдаги шеваларнинг бири-бирига кўрсатадиган таъсири натижасида турли фонетик жараёнлар кузатилади. Бу таъсир шеваларнинг, қолаверса, адабий тилнинг фонетик тараққий этишида муҳим омил ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёнки, ареал нуқтаи назардан бир биридан узоқда бўлган турли диалект ҳудудлари орасида бундай алоқаларнинг бевосита юзага чиқиши мумкин эмас. Чунки ўзбек шеваларининг ҳар бири ёки ҳар бир гуруҳи узоқ даврлардан бери ўзларига хос ва шунга мувофиқ тарқалиш ареалларига эга. Шевага хос хусусиятларининг бир қисми ана шу чегара, уларнинг тарқалиш, жойлашиш ўрни – ареали билан боғлиқ бўлиб, улар шу ареалдагина пайдо бўлган ва ривожланган.

3-фасл. Унлилар билан боғлиқ фонетик жараёнлар

Сингармонизм туркий тилларнинг специфик ҳодисаси бўлиб, у қадимдан мавжуд. Лекин унинг туркий тилларда сақланиш даражаси ҳар хил. Ўзбек тилининг таянч шаҳар шеваларида сингармонизм ҳодисаси ўз кучини деярли йўқотган, лекин кўплаб қипчоқ шеваларда сақланган.

Шундай бўлса-да, бир гуруҳ тилшунослар туркшуносликка бағишланган адабиётларда унинг мукамал қоидаси йўқлиги, атаманинг қандай лингвистик ҳодиса эканлиги батафсил баён

қилинмаганини, уни ассимиляциянинг бир тури эканидан бошқа нарса эмаслигини таъкидлайдилар¹⁰⁵. Бизнингча, сингарманизм қонуниятлари алоҳида ўзига хосликлар билан қипчоқ шеваларида сақланган ва у ўз қонуниятларига эга.

Сингарманизм сўздаги унлиларнинг маълум нуқтаи назардан бир хиллашиши бўлиб, у ҳақида Н.К.Дмитриев “товушлар ассимиляциясининг кўринишларидан биридир¹⁰⁶” – деб, изоҳлаган эди. У туркий тилларнинг ўзига хос қонуниятларидан ҳисобланиб, туркий тилларнинг барчасида ўз аксини топганлиги, ҳатто, адабий тили носингармонистик бўлган ўзбек тилининг, айрим шаҳар шеваларидан ташқари, барча шевалари сингармонистик эканлиги қайд қилинган¹⁰⁷.

Профессор А.Нурмонов Фитрат ўзбек адабий тилида 23 та унсиз фонема мавжудлигини кўрсатганлигини, х, ҳ, ф фонемалари асл туркча эмаслигини, барча туркий тилларда у ёки бу даражада мавжуд бўлган сингарманизм қонуниятини акс эттиришини, уни шаҳар шеваларида форс-тожик тилининг таъсирида бузилганини, шунинг учун умумтуркий фонетик хусусиятини кўпроқ сақлаб қолган қишлоқ шеваларига таяниш жуда тўғри эканини, ана шу асосда ўзбек тилида унлиларнинг “йўғон”лик ва “ингичка”лик белгиси фарқловчи белги вазифасини бажариши ва шу белгига кўра унлилар икки қаторга бўлинишини кўрсатганини таъкидлайди¹⁰⁸.

Сингармонизмнинг рудимент сифатида ўзбек адабий тилида ҳам кўзга ташланиши, унинг ўзбек тили шеваларидаги ўзига хос специфик лингвистик белги-хусусиятлари, “й”ловчи ва “ж”ловчи қипчоқ шеваларда амал қилиш қонуниятлари ҳақида ўзбек адабий тили, унинг шевалари фонетикаси ва фонологиясига

¹⁰⁵ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. I. –Тошкент, 1960. – Б. 69; Богородицкий В. А. Законы сингармонизма в тюркских языках. Вестник научного общества татароведения. – Казань, 1927. – С. 13; Исхаков Г. Гармония гласных в тюркских языках. ИСГТЯ, I. – С. 23; Решетов В. В. Узбекский язык. I. – Ташкент: Узгосиздат, 1959. – С. 295-299; Абдуллаев Ф. Фонетика. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 74-82; Тенишев Э. Р. Строй саларского языка. – М.: 1976. – С. 93-96.

¹⁰⁶ Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. – М., 1948. – С. 38-40.

¹⁰⁷ Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 37; Мусабаев К. М. Грамматика караимского языка. – М.: Наука, 1964. – С. 50-55.

¹⁰⁸ Нурмонов А. Танланган асарлар. II - жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 272.

бағишланган тадқиқотлар, асар ҳамда қўлланмаларда тилга олинган¹⁰⁹.

В.В.Решетов ўзбек тилидаги и, у, ў, а оралиқ унлиларни Тошкент шеvasи талаффузига асосланганлигини, унлиларнинг бу фонетик таснифи рус тили унлилари билан қиёслаш орқали берилганлигини таъкидлайди¹¹⁰.

Бизнингча, В.В.Решетов оралиқ (индифферент) унлилар ҳақида фикр юритганда, ўзбек тили фонетик-фонологик системасига диахрон нуқтаи назардан ёндашган. У ўзбек тилининг ҳозирги Тошкент диалектида қадимги қатор буйича зидланувчи унлиларнинг зидланиш белгиси йўқолганлиги, оралиқ унлиларнинг ҳосил бўлганлиги борасида баҳс юритган. Шунинг учун ҳам бу унлиларни икки қатордаги унлиларнинг бирлашувидан – конвергенциясидан ҳосил бўлган деган фикр билан конвергентлар номи остида бирлаштирган. Худди шу фикр профессор Ф.Абдуллаевда¹¹¹ ҳам учрайди.

Жаҳон тилшунослигида Н.С.Трубецкой дунё тилларининг кўпида, масалан, шарқий ва ғарбий Белорус тилларида ҳам унлиларнинг бундай ҳолати тарихий фонологик аҳамиятини йўқотганлиги, бироқ қайсидир ҳолатларда у шевалар миқёсида сақланганлигини мисол орқали изоҳлаган¹¹².

Таъкидлаш керакки, туркий тилларнинг вокализмига бағишланган барча тадқиқотларда қатор белгиси ва лаб иштироки белгиси унлиларни тасниф қилиш учун фарқловчи белги сифатида қараб келинади.

Тилшунос олим Э.Умаров ўзбек адабий тилидаги бундай тасниф асосига эътирозли ҳолда, ўзбеклар тилнинг олди ёки орқаси билан гапирадиларми деган саволга “йўқ” деб жавоб бериш кераклигини баён қилади, унлиларни оғизнинг очилиш

¹⁰⁹ Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 184-188; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – С.38-41; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. – С. 74-82; Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – С. 15-18; Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 306; Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-китоб. – Тошкент, 2008.

¹¹⁰ Нурмонов А. Танланган асарлар. II - жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 273.

¹¹¹ Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров. – Ташкент: Фан, 1967. –С. 41.

¹¹² Трубецкой Н.С. Избранные труды по филологии. Фонология и лингвистическая география. – М.: Прогресс, 1987. – С. 31-36.

даражаси ва лабнинг иштирокига кўра тасниф қилиш ўринли эканлиги ҳақида фикрлар билдиради¹¹³.

Ҳақиқатдан, туркий тиллар, уларнинг айрим шевалар учун палатал ва лабиал сингармонизмнинг хослиги, палатал гармонияда унлилар қаторга кўра оҳанглашуви ҳеч кимда эътироз турдирмайди. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги даври учун гарчи сингармонизм амал қилмаса-да, лекин ўзбек шеваларида сақланиб келаётганлиги деярли барча шевашунос олимлар томонидан эътироф этилади. Шу билан бирга, қаторга кўра зидланишни ўзида сақлаб келаётган ўзбек шеваларида бир ўринда қатор буйича корреляторларнинг ўзаро алмашилиб маъно фарқлаши¹¹⁴ мавжудлиги қаторни унлилар учун фарқловчи белги сифатида ажратишга имкон беради. Масалан, Андижон шевасида [ət] инсон органиноми, ўтмоқ феъли – [ўt] майса, олов, [ўp] ўтни ўрмоқ – [əp] сочни ўрмоқ, [əz] олмош – [ўz] босиб ўтмоқ, [ун] овоз – [ун] буғдойнинг майдалангани.

Ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемалари учун қатор белгиси фонологик қимматини йўқотганлиги, шунинг учун ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемалари учун бу белги тасниф асоси бўла олмаслиги ҳақида асосли фикрлар мавжуд¹¹⁵.

Ўзбек тилининг айрим шеваларида, хусусан Наманган шевасида сингармонизмнинг бошқа кўриниши – аффиксларнинг ўзак фонетик хусусиятига мослашиш эмас, балки ўзак унлиларининг аффикс унлилари характериға мослашиши кузатилади. Бундай мослик умлаут ҳисобланади.

Умлаут уйғур тили ва ҳозирги ўзбек тилининг Наманган шаҳар, Уйчи, Чортоқ туманлари, Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларининг айрим қишлоқ шеваларига хосдир¹¹⁶. Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманлари Қирғизистон Республикаси чегараларига яқин бўлса-да, сингармонизм таъсири кузатилмайди. Буни Янгиқўрғон тумани маркази, унинг атрофи ва Қайқи қишлоғи

¹¹³ Ўзбек тилида тил олди товушлари борми // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. –1994. – Б. 5-8.

¹¹⁴ Трубецкой Н.С. Избранные труды по филологии. Фонология и лингвистическая география. – М.: Прогресс, 1987. – С. 34.

¹¹⁵ Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, – 2005. –Б. 3.

¹¹⁶ Алиев. А. Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дис. ...док. фил. наук. – Ташкент, 1975.

аҳолиси Наманган шаҳрига, яқин жойлашганлиги, у ерларга умлаутли шева вакилларининг кўчиб боришлари билан изоҳлаймиз.

Умлаутнинг уч кўриниши – палатал, лабиал ва лингвиал мавжуд.

Биринчи турда биринчи бўғиннинг орқа қатор кенг унлиси кейинги бўғиннинг тор лабланмаган унлиси таъсирига берилиб, олд қатор унлига айланади. Масалан, Наманган вилоятининг Уйчи шаҳарчаси, Чортоқ шаҳри, Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғи шевасида: [тəшъ] тоши, [бəшъ] боши, [қəшъ] қоши, [шəлъ] шоли, [сəвъп] совиб, [сəғъп] соғиб, [əлъвөр//эвэр] олиб юбор, [этвэр//этъвөр] отиб юбор, [йэзвэр//йэзъвөр] ёзиб юбор, [қəшқəлдэ:] қашқалдоқ, [тəвъп] табиб, [бəръп] бориб, [йэзип] ёзиб каби.

Иккинчи турда биринчи бўғиннинг кенг лабланмаган унлиси кейинги бўғинлардаги лабланган унлилари таъсирида лаблашади. Масалан, (Наманган ш., Уйчи т., Чортоқ т.): [тəнүр] тандир, [э:дэрүтть] ағдаряпди, [эдэ^wүлдү// эдэшүлдү] адо, тамом бўлди каби.

Учинчи турда оғизнинг очилиш даражаси ўзгаради. Кейинги бўғиннинг тор *и* унлиси таъсирида биринчи бўғиннинг олд қатор кенг унлиси ўрта-кенг унлига айланади. Масалан, уйғур тилида: [касиш] кесиш, [катти] кетди каби. Бироқ Наманган вилоятининг умлаутлашган шеваларида учинчи тур кўриниши деярли кузатилмайди¹¹⁷.

Умлаут барча туркий тилларда маълум даражада учрайди. У сингармонизмга тескари пропорционал бўлиб, туркий тилларда нисбатан кейинги ҳодисадир. Айрим тилшуносларнинг фикрига кўра¹¹⁸, умлаут ассимиляциянинг кенг ривожланиши ва ўзига хос урғу заминида вужудга келган. Бир гуруҳ тилшуносларнинг фикрича, умлаут сингармонизм кучсизланиши билан боғлиқ.

¹¹⁷ Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – Ташкент, 1974. – С. 26.

¹¹⁸ Поливанов Е. Д. Материалы по грамматике узбекского языка. I. Введение. – Ташкент, 1935; Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1933; Боровков А.К. К характеристике узбекских “умлаутный” или “уйгуризованных” говоров. – Фрунзе, 1946; Узбекские говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963; Решетов В.В. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1960; Решетов В., Ш.Шоабдурахмонов. Ўзбек диалектологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.122.

Ҳар иккала – танглай ва лаб гармонияси ЖҒН шеваларида вилоятдаги бошқа

шеваларга нисбатан кучли. Лекин олтой, хакас, бошқирд ва қирғиз тилларидагига нисбатан кучсиз. Бу ўринда Н.С. Трубецкой фикрларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади¹¹⁹.

Танглай гармонияси жанубий-ғарбий Наманган шеваларида қуйидаги кўринишларга эга:

а) ўзакнинг биринчи бўғинида тил орқа унлилардан бири бўлса, сўзнинг сўнгги бўғинларида ҳам тил орқа (*ёки қаттиқ*) унли товушлар ишлатилади;

б) ўзакнинг биринчи бўғини тил олди (*юмшоқ*) унлилардан бири билан бошланса, унда сўзнинг кейинги бўғинларида ҳам тил олди юмшоқ унлилар иштирок этади.

Танглай гармониясининг бу асосий қонунияти жануби-ғарбий Наманган шеваларида қуйидаги кўринишларга эга:

1. Сўзнинг ўзак қисми – туб лексик шаклларда. Кўп бўғинли сўзлардаги биринчи бўғин таркибидаги унлига қолган бўғиндаги унлилар мослашади.

Диалектал ареалдаги Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Поп туманларига қарашли кўплаб қишлоқлардаги “ж” ловчи ва “й” ловчи қипчоқ лаҳжаларида сўзлашувчи аҳоли шеваларида бундай танглай гармонияси яққол кўзга ташланади. Масалан: [бэлық] балиқ, [мэнты] манти, [қэтық] қатиқ, [чэчық] сочиқ, [чумэль] чумоли, [тэғэре] тоғора, [сумэлэк] сумалак, [зэмбэр] замбил, [тэрғыс//тэрвыс] тарвуз, [сэмсэ] сомса каби бир талай туб сўзларда сингармонизм ўз қонуниятини сақлаб қолган.

Мингбулоқ туманининг Жомошов, Маззанг, Гулбоғ қишлоқларида эса бу ҳолат кам учрайди. Сабаби, бу худудлар нисбатан кейинроқ ташкил топган аҳоли масканлари бўлиб, сўзловчиларнинг кўпчилиги қарлуқ лаҳжа ва форсийзабон аҳоли вакиллари дир. Вилоятнинг аҳолиси зич бўлган Уйчи, Чортоқ, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари, Наманган шаҳри ва бошқа турли вилоят ва туманлардан кўчиб келганлар дир.

2. Сўзнинг ўзак қисмига қўшимча қўшилганда. Жануби-ғарбий Наманган шеваларида қўшимчалар таркибидаги

¹¹⁹ Трубецкой Н.С. Основы фонологии / Пер. с немец. А.А.Холодовича; Подред. С.Д.Канциельсона. – М.: Аспект Пресс. – 2000. – 352 с. (Серия “Классический учебник”.); Избранные труды по филологии. Фонология и лингвистическая география. – М.: Прогресс, 1987. – С. 31-36.

унлиларнинг тил орқа ва тил олди вариантларга эгалиги аффиксларнинг тил орқа қаттиқ ва тил олди юмшоқ вариантларини юзага келтирган. Кўплаб сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар ўзининг контраст жуфтларига эга.

а) сўз ясовчи қўшимча қўшилганда ёки қўшма сўзларда: [пəрмə+лə+ в+гъч] пармалагич, [үй+мə+лə+мə] уймалама, [сəвə+ч+ъп] савағич, [мəмə+хəнə] меҳмонхона, [сəмсəх+пыйс] саримсоқпийёз, [кəз+ əйнəк] кўзойнак, [дүмəлэ+қ//йүмəлэ+қ], [сəр+тəрəш+хəнə] сартарошхона, [нəн+тəхтə, қыймə+ тəхтə] нонтахта, қийматахта каби жуда кўп содда ясама ва қўшма сўзларда сингармонизм ўз қонуниятини сақлаб қолган.

б) синтактик шакл ҳосил қилувчи келишик қўшимчалари қўшилганда:

– қаратқич ва тушум келишиги [-ды//дъ, -тъ//ты:] [буннъ//муннъ] бурни, [қəзəнды қулғы], [қəзəнды кўтəр] қозоннинг қулоғи, қозонни кўтар, [дəдəмдъ пычəхлəры], [энəмдъ кəйнəхлəръ] дадамнинг пичоқлари, онамнинг кўйлаклари, [бəғлəрды дəрəхлəры], [сəвчылəрды гəплəръ] боғларнинг дарахтлари, совчиларнинг гаплари, [тəшты тəгъдə], [эттъ түйғы], [эштъ йэң], [тəвəхты йүв] тошнинг тагида, отнинг туёғи, ошни енг, товоқни юв каби. ЖҒН диалектал ареалининг барча қипчоқ шеваларида қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари талаффузда деярли фарқланмайди;

– жўналиш келишиги [-ғо//-ғэ//-ңэ, -ға//-гə, -қа//-кə]: “й”ловчи ва “ж”ловчи шеваларда [нумəңэ//нумəвғэ] нимага, нега, аралаш тип шеваларда: [нумəнгə] нимага, нега, [қəйғə//қəйғэ] қаерга, [түйғэ// түйға//түйгə] тўйга, [терəхти үчгə чьхтъ] теракнинг учига (энг баланд жойига) чиқди, [тəғəрəғэ сэ:] тоғорага сол, [эрыққэ чүш] ариққа туш, [тəрəккə чьхтъ] теракка чиқди, [ожывээғэ кэттъ] обжувозга чиқиб кетди каби.

ЖҒН шеваларида асос таркибида бурун товушлари мавжуд бўлган сўзларга жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилганда назализациянинг¹²⁰ кучлилиги кузатилади. Назализация унлилар артикуляциясида бурунда ҳосил бўлган резонатор тоннинг қўшиб берилишидир. Бу асосан бурун орқали ҳосил бўлувчи сонант талаффузи билан контакт келувчи унлиларда кузатилади: [нумоңо, нумовғо, нумонга] каби. Чунки аввалги

¹²⁰ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 306.

товуш артикуляцион рекурсияси кейинги товуш артикуляцион экскурсиясига тенг келади. Шунинг орқасида аввалги товушдаги уннинг давоми кейинги товушга улашиб кетади ва бурун товушининг ҳам резонатор тони кейинги унли резонатор тонига қўшилади. Натижада унли артикуляциясида ҳам бурун резонатор тони қайд этилади. Бунга назализация деб қаралади. Наманган шевасида одатий ҳол деб қаралса ҳам, Тошкент, Фарғона ёки бошқа шеваларга хос деб айтиш тўғри эмас. Ўзбек тилининг бошқа шеваларида сонант таъсирида унли назализациясининг содир бўлиши анча кучсиз. У Наманган ва унинг атрофи шеваларида одатий ҳол эканлигини С.Отамирзаева ўз изланишларида қайд этган¹²¹.

- ўрин-пайт келишиги [-да//до//-дә, -та//тә]: [көчәдә] кўчада, [уйдә] уйда, [тэмдә] томда, [кэлъдә түй] ўғирда туй, [мәлләдә] этакда, [дәҳчәдә] токчада, [сәҳәт бәштә] соат бешда, [эшъхтә] эшикда, ташқарида каби.

- чиқиш келишиги [-дан//-дән, -тан//-дән//-тон//-нән//-нан//-нән]: [укәмдән] укамдан, [сийнъмдән] синглимдан, [чәккәдән] четдан, [әлмәдән] олмадан, [сәмсәдән] сомсадан, [бәшқәдән] ўзгадан, бировдан, [терәхтән] теракдан, [эшъхтән] эшикдан, [әттән] отдан, [хурмодон] хурмодан, [әштән] омоним: очдан, ошдан, [бәшқәттән] янгидан, қайтадан, [гъләмнән] гиламдан [әнәмнән] онамдан каби. Агар сўз ўзаги бурун консонантлари билан тугаган бўлса ёки ўзакка синтактик шакл ҳосил қилувчи қўшимча бурун консонантлари билан тугаган бўлса, назализация кучаяди ва тил олди портловчилари [д] ва [т] [н] ва [ң] товушига алмашади: [ноннон] нондан, [әнәмдән] онамдан, [қўлъмнән үшләди] қўлимдан ушлади, [чәчъндән тортымы] сочингдан тортдими?, [бәшыңнән ўғирвәр] бошингдан айлангириб юбор, [қәнътъңъздән сәтвәләмән] қантингиздан сотиб оламан каби.

- эгалик қўшимчаларининг бирлиги [-(ъ)м//-(ы)м; -(ъ)нә//-(ы)ң; -(с)ъ//-(с)ы] қўшилганда: [буннъм//мүннъм] бурним, [қәнным] қорним; [чачъң] сочинг, [бәшың] бошинг; [әнәсъ] онаси, [әтәсы] отаси; кўплиги [-(ъ)мъс//-(ы)мыз; -(ъ)ңъс//-(ы)ңыз; -ъ// -ләрь// -лоры]: [кәлънъмъс] келинимиз, [қошығымыз] қошиғимиз;

¹²¹ Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – Ташкент, 1974. – С. 108-111.

[этъгъъъс] этигингиз, [этә:ъъс] этагингиз, [қызыңыз] қизингиз; [қўшныларды пъчәғъ] қўшниларнинг пичоғи, [сөвзиләр] сабзилари, [пычоқлары] пичоқлари каби.

- шахс-сон қўшимчаларининг бирлиги [-(ъ)м//-(ы)м;-(ъ)нг//-(ы)ң;-тъ// -ды] қўшилганда: [кәлдъм] келдим, [қылдым] қилдим; [көрдың] кўрдинг, [бәрдың] бординг; [әйттъ] айтди, [қылды] қилди; кўплиги [-мъс// -мыс// -мыз;(ъ)ң// -със// -сыс// сыз, -нәр// -нор;-ъ// -ләр// -лор]: [ә:ң] олинг, [кәң] келинг, [кәләмис] келамиз, [қыйнәмәймис] қийнамаймиз, [ўйләймис] ўйлаймиз; [кәләсъс] келасиз, [бәрәсыс] борасиз, [ўйнәйсис] ўйнайсиз, [чиқиннар] чиқинглар, [кеннәр] келинглар, [бэрыннәр] боринглар; [келадъ] келади, [келаллар] келадилар, [бэрәдилор] борадилар каби.

в) луғавий шакл ясовчи қўшимчалар қўшилганда: - кўплик қўшимчалари [-ләр// -лар// -лэр]: [чэвәлләр] чеварлар, [йъпләр] иплар, [қувылләр//қубырләр] қувурлар, [ғурәләр] довуччалар, [көрпәчәләр] кўрпачалар, [қэрәвилләр] қоровуллар, [бәлләр] болалар, [тәлләр] толлар, [дүвәлләр] деворлар каби.

- сифатдош қўшимчаси [-ган// -кән// -қон// -ғон]: [дъгән] деган, [әйткән] айтган, [чыққән] чиққан, [бәрғән] борган каби.

- равишдош қўшимчалари [-(ъ)п; -ғъны// -гәнъ// -кәнъ]: [туръп] туриб гапир, [ўқъп] ўқиб кўр; [бўғып] бўғиб, [оғоны] олгани, [урғоны] ургани, [қоғоны] қолгани, [борғоны] боргани, [кўрганъ] кўргани, [берганъ] бергани, [айткәнъ] айтгани, [әккәнъ] әккани келдик каби.

Хуллас, жануби-ғарбий Наманган шеваларида ҳам кўпгина сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи аффикслар ўзларининг контраст жуфтларига эга. Ўзак таркибида тил орқа унли мавжуд бўлса, қўшимча иаркибидаги унли ҳам қаттиқ, тил олди унли мавжуд бўлса, юмшоқ талаффузга эга бўлади.

Лаб гармонияси. Маълумки, лаб гармонияси қонунига мувофиқ ўзакнинг биринчи бўғинида лаблашган унлилардан бири бўлса, сўнгги бўғинлардаги унлилар ҳам лаблашади.

ЖҒН шеваларида лаб гармонияси қонуни, оз бўлса-да, мавжуд. Лабланиш ҳодисаси биринчи, иккинчи бўғинларда сезиларли бўлиб, учинчи ва сўнгги бўғинларга ўтиши спорадик. Лекин лаб гармонияси муфассал сақланган олтой ва қирғиз тилларидан кескин фарқ қилади. Мазкур тилларда аффикслар

фақат қаттиқ юмшоқлиги билан эмас, балки лабланган ва лабланмаганлиги билан ҳам ажралиб туради¹²².

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида аффиксларнинг фақат қаттиқ ва юмшоқ вариантлари мавжуд бўлиб, системали эмас. Қуйидаги мисолларга эътибор қилинг:

	ЖҒН шеваларида	Адабий тилда
у – у	<i>урув, сўйүк, тувүшқон</i>	урув (девор уриш), суюк, туғишган
ө – ү	<i>қурүди, өрүм, өкүн, өкүлота</i>	қуриди, ўрим (соч), ўкинмоқ, вакилота
ү – ү	<i>күкүн, тўйүн, йүгүр</i>	кукун, тугун, югур
ү – ө	<i>кўйөв, сүрөвз</i>	куёв, суроби (<i>суроби тортилмоқ</i>)

Мисоллардан кўринадик, жануби-ғарбий Наманган шеваларида лабиал сингармонизмнинг фақат [у-у, ү-ү, ө-ү] ва қисман [ү-ө] кўринишлари мавжуд бўлиб, қолган [в-в, у-ү, о-ү, о-ү] типлари йўқ, учрамайди. Аввалгилари ҳам жуда чегараланган бўлиб, санокли сўзлардагина (аксарият “ж”ловчиларда) ишлатилади.

Таркибида лабланишган унли бўлган бир бўғинли сўзларга қўшимча қўшилганда лабланиш содир бўлади: [үр+дүк] (урдик), [түр+үң] туринг, [йүр+үп] юриб, [төл+ун] тўлиб каби.

ЖҒН шеваларида спорадик ҳолатда лабланиш ҳодисаси иккинчи ва учинчи бўғинларга ўтиши кузатилади: [йүгүрүк] югурик қўл, мушт, [кўйүнүк] ачинарли, ҳафагарчилик, [сўйүнүв] хурсандчилик, [бүлүндүрүк] туманли қиров, [сүргүрүч] ширингуруч, [чүғүрчүк], [түтүрүк] каби. ЖҒН шеваларида лаб гармониясининг амал қилиш доираси чегараланган.

Шеваларда кўплаб ҳозирги адабий тилда учрамайдиган белгилар сақлаб қолганки, уларни асосли равишда илмий ўрганиш жуда муҳим тарихий-лингвистик хулосалар чиқаришга имкон туғдиради. Халқ шеваларидаги бундай фонетик, лексик-грамматик факт ва асослар, П.М.Мелиоранский таъбири билан айтганда: “...қадимги ёдгорликларни тушуниш ва лингвистик анализ қилишда ноёб қўлланма вазифасини бажаради”¹²³.

¹²² Исхаков Ф.Г. Гармония гласных. ИСГТЯ. I. – М., – С. 42.

¹²³ Мелиоранский П. М. Араб-филолог о турецком языке, СПб., 1900. – С. 3.

III БОБ

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ШЕВАЛАРИ КОНСОНАНТИЗМИ

1-фасл. Ундошлар парадигмаси

Фонологик оппозициялар талқин қилинган тилшуносликка оид адабиётларда фонема оппозицияси ва корреляция масалалари ҳақидаги бошланғич маълумотлар шарқ мутафаккирлари Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, М.Кошғарий, А.Навоий асарларида ҳамда З.М.Бобурнинг “Бобурнома”сида учраши таъкидланади¹²⁴.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида ҳам фонология соҳаси ва унинг назарий асослари ёритилган ишларнинг¹²⁵ юзага келганлиги ва уларнинг давом этаётгани соҳанинг ривожланаётганини кўрсатади.

Маълумки, фонема фонология бирлигидир. Профессор А. Нурмонов барча концепцияларда фонемага мустақил лингвистик қарашнинг таянч нуқтаси Ленинград фонология мактаби асосчиси И.А.Бодуэн де Куртененинг фонологик назарияси ҳисобланишини, Прага тилшунослик тўғараги фонологик концепцияни илмий – предмет сифатида шакллантирганини, фонеманинг назарий асослари Н.С.Трубецкой асарида¹²⁶ мужассамлашганини қайд қилган эди¹²⁷. А. Нурмонов фикрича, фонемага абстракт бирлик сифатида қараш лозимлиги, конкрет товушлар фонеманинг моддий символлари ҳисобланишини, у бир қанча товушлар орқали реаллашиши мумкинлигини ва шу реаллашган товушлар фонеманинг вариантлари саналишини таъкидлайди. Тилшуноснинг фикрича, ҳар қандай фонема

¹²⁴ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990. – Б. 7; Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-китоб. – Тошкент, 2008. – Б. 41-45.

¹²⁵ Баскаков Н.А., Содиқов А., Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1975; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1992; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Набиева Д.А. Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати (фонологик сатҳ). Фил. фанл. номз. ...дисс. – Тошкент: 1998; Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005; Нурмонова Д.А. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасида зидланишнинг мўътадиллашуви. Филол. фанл. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998.

¹²⁶ Трубецкой Н.С. Основы фонологии / Пер. с немец. А.А.Холодовича; Подред. С.Д.Канциельсона. – М.: Аспект Пресс. – 2000. – 352 с. (Серия “Классический учебник”.)

¹²⁷ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990. Б.3.

фонологик оппозиция системасида маълум тартибга ёки структурага эга бўлганлиги учун ҳам маълум фонологик мазмунга эга¹²⁸.

Қарама-қаршиликнинг турлари мантиқий асосланганлиги учун, А.А.Реформатский талқинига асосан, тилдаги маънодор бирликлар – сўз ва морфемаларни ташкил этган ва уларни фарқлаш учун фонемалар бир-бирига қарама-қарши қўйилиши зарур. Фонемалар ўртасидаги бундай қарама-қаршиликлар фонологик оппозициялар деб юритилади¹²⁹.

Н.С.Трубецкой фонологик оппозицияларни уч асосга кўра тасниф қилганлиги таъкидланади: 1. Оппозиция системасига муносабатига кўра; бир ўлчовли, кўп ўлчовли пропорционал ва ажралган оппозиция. 2. Оппозиция аъзолари ўртасидаги муносабатига кўра; оппозиция аъзоларидан бири белгининг бор-йўқлиги билан иккинчисисидан фарқ қиладиган (приватив) оппозиция; нутқ аппаратининг очилиш даражасига асосланган (градуал) оппозиция, масалан: *кир – кар*; мантиқан ҳар икки аъзо тенг ҳуқуқли бўлган (тенг қимматли) оппозиция. 3. Турли позицияларда уларнинг амал қилишига кўра; доимий ва нейтраллашган оппозициялар¹³⁰.

Профессор А.Абдуазизов ундош фонемаларнинг кўплиги улар ўртасидаги оппозицияларни ҳам кўпайтиришини, ундошларнинг бундай парадигматик алоқалари уларни қулайроқ тасниф этишни талаб қилишини айтади. У проф. В.А.Васильев томонидан таклиф этилган фонологик оппозицияларнинг дастлабки таснифи қулай бўлганлиги учун ўзбек тилига ҳам тадбиқ этишни, бу эса Н.С.Трубецкойнинг фонологик оппозициялар таснифини қўллашга осонлик туғдиришини билдирган ва ўзбек адабий тили ундош фонемаларининг позицион таснифини берган. А.Абдуазизов фикрича, В.А.Васильев таснифига кўра, ҳар бир фонологик оппозицияни икки фонема ўртасида олиб уларни бир фарқланиш белгиси билан фарқланса, “бирлик”, икки фарқланиш белгиси бўлса “иккиталик”, иккитадан ортиқ фарқланиш белгиси бўлса, “кўплик” оппозиция тартибида қараш мумкин, ундош фонемалар ўртасидаги парадигматик

¹²⁸ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент, 1990. – Б. 12.

¹²⁹ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Наука, 1967. – С. 211. Фонологические этюды.–М.: Наука, 1975. – С. 74-95.

¹³⁰ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент, 1990. – Б. 13.

муносабатлар икки аъзодан таркиб топган бинар оппозицияларда намоён бўлади¹³¹.

Ленинград фонологик мактаби вакили Л.В.Шчерба назарияларида ҳам фонеманинг сўз ёки морфемаларнинг маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган фарқловчи белгиси асосий ўрин эгаллаши эътироф этилади. Олим асосий эътиборини фонеманинг функционал томонига, яъни маъно фарқлаш хусусиятига қаратиб, фонемани ажратиш учун товушнинг артикуляцион-акустик хусусияти эмас, балки маъно фарқлаш хусусияти муҳим белгиси эканини ва ҳар бир тил фонемалари қарама-қаршиликлар системасини ҳосил қилишини асослаганлиги айтилади. Л.В.Шчерба фонологик назариясининг энг муҳим жиҳати фонема оттенкалари ҳақидаги таълимотидир. Прага лингвистик мактаби назариялари ва Л.В.Шчерба фикрича, фонема оттенкалари нутқий курсовда бири ўрнида бошқасининг кела олмаслик белгиси бўлса, Америка тилшунослигида бу қўшимча дистрибуция номи билан юритилди¹³².

Юқоридагилардан маълум бўладики, ундош фонемалар парадигматик алоқалари анча мураккаб ва структураси хилма-хилдир. Синтагматик жиҳатдан эса, фонемаларнинг у ёки бу ўриндаги хусусиятлари қанчалик чуқур ўрганилса, уларнинг вариантларини шунчалик кўп аниқлаш мумкин.

Ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан инвариант ва вариант назариялари ҳақидаги қарашлар ҳам кўпчиликни ташкил этади, уларни ўзбек шеваларига тадбиқи эса, шева фонологик структурасини ўрганиш борасида янги илмий хулосалар бериши мумкин.

Хусусан, тилшунос Д.Набиевнинг ўзбек тилидаги инвариант ва вариантлик масаласидаги фикрларига кўра, маълум умумий белгиси билан бирлашган ва хусусий белгилари билан ўзаро фарқланувчи хусусийликлар, алоҳидаликлар инвариантнинг вариантлари, вариантлар эса, муайян умумий белги остида бирлашиб, маълум гуруҳларни, синфларни ҳосил қилувчи birlikлардир. Олим инвариант-вариант муносабати тилнинг

¹³¹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1992. – Б. 20-21.

¹³² Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr. – 2012. – Б. 239-241.

ҳамма сатҳ бирликлари учун характерли эканини, вариантлар бевосита сезги аъзоларимизга таъсир этган бирликлар ҳисобланиб, вариантларни бир-бирига солиштириш орқали улар замирида ётган

субстанцияни белгилаш асосида инвариантлар аниқланишини таъкидлайди¹³³.

Дарҳақиқат, фонологик сатҳда фонема инвариант бирлик бўлиб, нутқий жараёнда улар бир неча вариантларда қўлланади. Шундай экан, нутқдаги энг кичик сегмент бирликлар инвариант бирлик бўлган фонемалар эмас, балки унинг вариантларидир.

Прага тилшунослик мактаби вакиллари вариантларни мажбурий, факультатив ва индивидуал турларга бўладилар.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек шевалари товушлар тизимини, уларнинг ўзига хос белги-хусусиятларини ўрганишда, айниқса, бугунги тил тараққиёти натижасида шевалардаги унсурларнинг ўта жадал суръатда адабий тил ёки етакчи шевалар билан бирлашаётган даврда жаҳон фонологик мактаблари назария ва қарашларига таяниш айрим олинган шева фонетик-фонологик жиҳатларини ёритишда асосли илмий таянч вазифасини бажаради.

Маълумки, туркий тиллар материаллари асосида фонологик сатҳ масалалари А.М.Шчербак томонидан ҳам ёритилган. У туркий тиллар унли фонемаларининг тарихий ёзма манбалар асосида фонологик белгиларини ажратди. Ана шу фонологик муҳим белгиларга таяниб, ҳолда туркий бобо тил унлилар системасини тахминий фарқловчи белгилар асосида қайта тиклашга ҳаракат қилган¹³⁴.

Туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек шеваларининг фонетик-фонологик тизимини фонологик назария тамойиллари асосида ўрганиш “Шарқ ва Оврупо тилшуносларининг қўлга киритган ютуқларидан бохабар бўлган” А.Фитрат, Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, В.В.Решетов, Ф.Абдуллаев каби тилшуносларимиз ишларида кўринади. Улар туркий тиллар ва ўзбек шеваларидаги фонема ва унинг вариантлари ҳақида маълумотлар бериб, фонетик сатҳда тил ва нутқ муносабатини

¹³³ Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.14-37.

¹³⁴ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С.105.

ёритишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, фонема ва унинг вариантлари масаласи Н.С.Трубецкой, Л.В.Щчерба, А.А.Реформатский каби олимлар қарашлари таъсирида юзага келганлиги таъкидланади¹³⁵.

Москва фонологик мактаби концепциясига кўра, сўз шаклнинг товуш томонини фарқлаш даражасига кўра фонемаларни икки позицияси – кучли позиция (максимал фарқлаш позицияси) ва кучсиз позиция (минимал фарқлаш позицияси)га ажралади. Ўз қуршовидаги товушларнинг таъсирига кам берилган, перцептив томондан максимал дифференциал позиция фонемаларнинг *кучли позицияси* ҳисобланади.

Кучли позициядаги вариантлар иккига бўлинади: 1) асл позицион вариантлар; 2) комбинатор кучсиз вариантлар.

Фонемалар позицияси таснифларида маълум бир фонеманинг бир белгиси учун кучли позиция шу фонеманинг бошқа белгиси учун кучсиз бўлиши мумкинлиги айтилади¹³⁶.

Москва фонологик мактабида фонемалар сўз ва морфемалардан ажратилмаган ҳолда, уларнинг таркибий қисми сифатида қаралади ва уларни ажратишда позиция тушунчаси энг муҳим белги саналади.

А.Реформатский кучсиз позицияларни иккига: перцептив кучсиз (билиш томонидан) ва сигнификатив кучсиз (фарқлаш томонидан) позицияларга ажратиб, биринчиси фонема вариацияларини, иккинчиси вариантларини ҳосил қилишини кўрсатади¹³⁷.

Ўзбек тили ундош фонемалари учун интервокал ҳолат ва сўз охири позицияси кучсиз позиция ҳисобланади. Бу ўринда ундошлар ўзгаришга мойил бўлади (жаҳон диалектларининг деярли барчасида кузатилади).

Ундош фонемаларнинг асосий белгилари коррелятив ва коррелятив бўлмаган белгилари бўлиши мумкинлиги эътироф этилган. Камида икки фонеманинг асосий белгилари умумий бўлиб, бирида бор, иккинчисида йўқлиги билан ажралиб

¹³⁵ Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Akademnashr. I,II - жилд. – 2012. – Б. 239-241, – Б. 272-273.

¹³⁶ Нурмонов А Танланган асарлар. – Тошкент: Akademnashr. I - жилд. – 2012. – Б. 240-241.

¹³⁷ Реформатский А.А. Фонологические этюды. –М.: Наука. – 1975. – С. 74-95.

турадиган белги коррелятив белги ҳисобланади¹³⁸. Адабий тилдан фарқли ўлароқ, шевалар таркибидаги ундошлар ўртасидаги бундай жараёнлар бошқача кечади. Ана шу фонологик белгилар шеваларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб туради.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида ҳам қуйидаги ундошлар жарангли ва жарангсиз белгиларига кўра коррелятив жуфтликлар ҳисобланади:

б – п: [бэнә] яқинда, аввал – [пэнә] пона, *с – з*: [сәмә://сэмән] сомон – [зэмән] замон, *ч – ж*: [чънъ] чинни – [жънъ] асаби (жини кўзимоқ), *қ – ғ*: [ғэрэм] ғарам – [қэрэм] қарам, *д – т*: [дэрэм] даромат – [тэрэм] тарам каби.

ЖҒН шевалари ундошлар ўзининг коррелятив белгиларини, асосан, сўз бошида сақлаб қолади ва кучли позицияга эга бўлади. Масалан: [бэв] боғ, [бэвлиқ] боғлик, [пэллэпэң] полопон каби сўзларда сўз бошидаги *б* ва *п* ундошлари кучли позицияда бўлса, [кэвэп] кабоб, [сэвэп] савоб, [кътэпэм// кътөвим] китобим, [сурөвэ] суроби, [сэвэ] сопи, [тэвып] топиб каби сўзларда интервокал ҳолатда *б* ва *п* ундошлари кучсиз позицияда бўлади.

Адабий тилда жарангли ва жарангсиз белгисига кўра коррелятив муносабатга эга бўлмаган *ҳ, й, м, н, л, р* каби ундош фонемалар жуфтликка кирмайдиган ундошлар ҳисобланади. ЖҒН қипчоқ шеваларида ҳам бошқа шевалардаги каби фонемаларнинг турли факультатив вариантлари ўзаро жуфтлик ҳосил қилиб, маънога таъсир этмаган ҳолда алмашиб кела олади. Масалан, *с–ҳ*: [энәҳэ] онаси; *ш – ҳ*: [эҳэнәқэ] мана шундай, *ч – ҳ*: ўзлашмаларда [ҳэвдъш] чойжўш, қумғон каби.

Ҳ ундоши қадимги турк тилида протеза сифатида учраши, руник ёдгорликларида умуман учрамадлиги, ҳозирги туркий тилларнинг айримларида муқим ўринга эгаллиги, унинг шеваларида протезик мавжудлиги, хусусан, озарб. тили ва шеваларида: [ҳорох] ўроқ, [ҳавэс] новвос, буқа, [ҳахчъх] озар бўлмаган қиз; ўзбек адабий тилида: ҳўл, [ҳэры] чарчамоқ, [ҳурпәй] ҳурпаймоқ; туркман тилида: [ҳун] кун, вақт, [ҳүва] кува каби. Ҳозирги бошқирд, ёқут тилларида *ҳ* боботил ундошлари тараққиётининг кейинги босқич рефлекси сифатида *с, ш, ч, з* ундошлари ўрнида қўлланиб, алоҳида мавқега эга. Жумладан,

¹³⁸ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990. –Б. 19.

ёкут тилида интервокал ҳолатда ҳ жарангли ҳисобланади. Бошқирд тилида: *с – ҳ*: [хөз] сўз, [хәрѳ] сариқ, [хъ:з] сиз, [хөң] сўнг, [хөқър] сўқир, [бөлхә] бўлса, [хэв] соғ; ёкут тилида: *ш – ҳ*: [ахә] оша, егин, [къхън] қиш, [къхъ] киши, *ч – ҳ*: [лъхәх] пичоқ, *з – ҳ*: [күхүн] куз каби¹³⁹.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида туркий ва ўзлашма сўзларнинг исталган ўрнида *ч,ш,с* ундошининг *ҳ* билан алмашинуви кузатилади: [энәхъ], [эхнәқә], [хөвдъш] каби. Бу боботил унсурларининг шевалардаги кўринишларидан биридир. Бундан ташқари, ЖҒН шеваларида *р – л*: [дүвэл] девор; *г – й*: [түйън] тугун; *г – в*: [гүвьт] каби ундошларнинг нутқ оқимида ёндош фонемалар таъсиридаги кўплаб комбинатор вариантлари учрайди. Шевада ҳам ундош фонемалар миқдор жиҳатидан кўплиги учун унинг вариантлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Кучсиз позицияда коррелятив муносабатдаги жуфтликларнинг фарқловчи белгилари йўқолиши мумкин. Бундай фонологик жараён нейтрализация (мўътадиллашув) термини остига бирлаштирилган¹⁴⁰.

А.М.Щербакнинг таъкидлашича, туркий боботил белгиларининг тил тараққиётининг ҳозирги босқичига қадар турли фонетик-фонологик омиллар ва локал факторлар сабабли товушлардаги мослик аста-секин ўз-ўзидан содир бўлади. Боботил ва айрим туркий тилларда жаранглилар ҳам жарангсиз ундошлар ҳам кучли позицияга эга бўлиб, фонологик аҳамиятга эга эмас¹⁴¹. Таққосланг:

<i>озарб. ад.т</i>	<i>турк ад.т</i>	<i>туркм. ад.т</i>	<i>тува т.</i>	<i>татар ад.т</i>	<i>ўзбек ад.т</i>	<i>ЖҒН шевал.</i>
<i>дабан</i>	<i>тебән</i>	<i>дәбан</i>	<i>даван</i>	<i>табән</i>	<i>тавэн</i>	<i>тәвэн</i>
<i>дәйъб</i>	<i>тайъб</i>	<i>тәйъб</i>	<i>дәйъв</i>	<i>тәйъп</i>	<i>тәйиб</i>	<i>тәйғэнып</i>
<i>дүрнә</i>	<i>түрнә</i>	<i>дүрнә</i>	<i>дүрйәйә</i>	<i>дөрнә</i>	<i>турнә</i>	<i>түрнә</i>
<i>төрпак</i>	<i>тәпрәк</i>	<i>тәпрәк</i>	<i>дубурак</i>	<i>түфрәк</i>	<i>тупрәк</i>	<i>турпәк</i>
<i>табақ</i>	<i>табаг</i>	<i>тәбағ</i>	<i>тавак</i>	<i>табәк</i>	<i>тәвәк</i>	<i>тәвә://тәвәк</i>
<i>тук</i>	<i>түй</i>	<i>туй</i>	<i>дүк</i>	<i>түйк</i>	<i>тук</i>	<i>түк</i>

Товуш ва фонемаларнинг эволюцион тараққиётига кўра, боботил давридаги ҳолатларни сақлаган туркий тиллар масштаби мавжудлиги, чуваш, хакас, шор тилларида жарангли,

¹³⁹ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 81.

¹⁴⁰ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990. –Б. 19.

¹⁴¹ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 88-89.

лаб-лаб, портловчи оппозициядаги б га нисбатан унинг жарангсиз жуфти *n* ундошининг кучли позицияга эга эканлиги қайд этилади¹⁴². Қиёсланг:

<i>хакас тилида</i>	<i>турк тилида</i>	<i>қозоқ тилида</i>	<i>ўзбек тилида</i>	<i>ЖҲН шеваларида</i>
<i>пақ</i>	<i>бағ</i>	<i>бав</i>	<i>бэғ</i>	<i>бэв</i>
<i>пақа</i>	<i>бақа</i>	<i>баке</i>	<i>бақа</i>	<i>бэқэ</i>
<i>палих</i>	<i>балък</i>	<i>балък</i>	<i>балық</i>	<i>бэлық</i>
<i>палта</i>	<i>балта</i>	<i>балте</i>	<i>бэлтэ</i>	<i>бэлтэ</i>
<i>пар</i>	<i>вар</i>	<i>бар</i>	<i>бэр</i>	<i>бэр</i>
<i>пос</i>	<i>баш</i>	<i>бас</i>	<i>бэш</i>	<i>бэш</i>

Бошқа туркий тилларда ҳам маълум миқдорда ҳозирги адабий меъёрдаги сўзларда анлаутда *n* қўлланиши мавжуд. Масалан:

<i>турк тилида</i>	<i>туркман тилида</i>	<i>уйғур тилида</i>	<i>ўзбек тилида</i>	<i>ЖҲН шеваларида</i>
<i>пус</i>	<i>пүс</i>	<i>пъс</i>	пис (яширинмоқ)	<i>пъс</i>
-	-	<i>пэлчък</i>	балчиқ	<i>бэлчық//пэлчық</i>
-	<i>палта</i>	-	болта	<i>бэлтэ</i>
-	-	<i>пака</i>	бақа	<i>бэқэ</i>
<i>пут</i>	<i>пүт</i>	<i>пут</i>	оёқ	<i>пүт//эйёқ</i>
-	-	<i>пат</i>	бот	<i>бэт</i>
<i>бичен</i>	<i>бичэн</i>	<i>пичан</i>	пичан	<i>бъчэн</i>

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида *б>n*, *б>в*, *б>м* ҳодисаларининг мавжудлиги ҳам боботурк ҳамда ҳозирги туркий тиллар специфик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Туркий тилларда *м*, *р*, *л*, *н*, сонор товушлари сўзнинг бошида келмаган. Ўзбек тилшуноси Ҳ.Неъматов сўз бошидаги *м* ундошининг қадимги туркий жарангсиз *n* ундошининг жарангли *б* товушига, *б* товушининг сўз бошидаги *м* ундошига ўтиши натижасида пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Олим лаб ундошлари тараққиётини қуйидагича кўрсатади:

$$п>(ф) \rightarrow б>в, в(w) \rightarrow м^{143}.$$

А.М.Щербакнинг эътироф этишича, боботилда жарангли ва жарангсиз ундошлар (кучли ва кучсиз позицияси) фонологик аҳамиятга эга бўлмаган. Жарангли ва жарангсиз фонологик оппозицияларга кўра, жарангсиз ундошларнинг жарангли ундошлар ўрнида, шовқинли ундошларнинг овоздорлар ўрнида

¹⁴² Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – Б. 93.

¹⁴³ Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи. – 1992. – Б. 61-66.

ёки аксинча қўлланиши репрезентация, яъни ўрин алмашилишидир. У ҳам м ундоши этимологик п нинг шовқин ва овоздорлик белгилари – корреляциясига мувофиқ юзага келганлигини қуйидагича изоҳлайди:

$$п(б) \rightarrow \beta / м^{144}.$$

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида ҳам айрим туркий тил ва уларнинг диалектлардагидек, адабий тилдаги кучли позициядаги б ундоши м тарзида талаффуз қилинади: [мурън] бурун, [мўйын] бўйин, [мўйинтүрүк] бўйинтурук, [мъннәрсә] бир нарсә, [мъндәй] бундай, [мънчә] бунча каби. Зеро, кўпчилик туркий тилларда ҳам сўз бошидаги б//п ундоши этимологик аслидай қўлланса, айримларида коррелятив тарзида м га ўтган. Таққосланг:

Турк	Озарб.	Қирғиз	Уйғур	Хакас	Ўзбек	ЖҒН ш.
бъз	бъз	мъз	-	миз	бигиз	бүгүз
батир	батир	батыр	батур	матир	ботир	бэтыр
балта	балта	балта	палта	малта	болта	бэлтэ
балчих	балчих	-	-	малчах	балчиқ	бэлчық
буйук	буйук	-	-	мүзек	буйук	улық
борсук	борсук	-	-	морсук	бўрсиқ	бөрсық
бен	бен	мен	мэн	мин	мен	мэн
дана	дана	музоо	мозай	-	бузоқ	бүзэв

Маълум бўладики, туркий тилларнинг аксариятида ундошларнинг кучли позициясидаги этимологик боботил ундошларининг ўрта тараққиёт давридаги фонетик-фонологик хусусиятларидан айримлари сақланиб қолган. Хусусан, ЖҒН шевалари морфологик кўрсаткичларининг айримларида ҳам қадимий тил унсурлари учрайди: п//б: [ўнақа+бас] унақа+(э)мас, [кэчә+бас] кеча+(э)мас, с/з/р: [бэр+ас+тъм] бор+ар+дим, [кэл+ас+тъм] кел+ар+дим (Поп туманининг Санг, Ғурумсарой, Наманган ш., Машад қ.) каби.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари ундошлар тизимининг синтагматик муносабатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбек шевалари ундошларининг позицион-комбинатор вариантлари инвариант ва вариант концепциялари нуқтаи назаридан ўрганиш уларнинг фонетик-фонологик структураси ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида асосли хулосалар беради.

¹⁴⁴ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 97.

Академик Ш.Шоабдурахмонов ўзбек адабий тили ҳамда шевалардаги товушлар тизимини ўрганиш жараёнида ўзбек тили ундош товушлари ривожига тил лексикасига араб, форс-тожик, европа ва рус тилидан ўзлашган сўзларнинг таъсири катта эканлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, араб-форс сўзлари ўзбек лексикасига кириб келиши билан улар орқали айрим ундошлар ҳам кирди: *ф, ж, ғ* (айн) каби. Бу товушлар аввалига ёзма ёдгорликлар ва бадий асарларда акс этган бўлса, кейинчалик ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ҳам ўз ифодасини топди. Лекин бу ундошлар жонли тилда талаффуз жиҳатдан мустаҳкамлана олмаган.

Шунингдек, ўзбек тили фонетик тизимида *ц, ж, лаб-тиш в* ва *ф* ундошларининг пайдо бўлишини ҳам европа ва рус тилларидан ўзлашган сўзлар таъсирида пайдо бўлганини, лекин бу ундошлар на жонли тилда, на адабий тилда ҳам талаффуз жиҳатдан мустаҳкамланмаганлигини эътироф этган ҳолда, ўзбек шеваларида ундош фонемалар сони адабий тилдагига нисбатан камлигини, ундош фонемаларнинг сони ва уларнинг сифат жиҳатдан характеристикасига кўра “й”ловчи шевалар ўзбек адабий тилига бир мунча яқин туришини айтади¹⁴⁵.

Ўзбек шевалари ичидан айрим олинган шевалар ундошларининг ўзига хос тавсифлари ва хусусиятларини ўрганишда академик В.В.Решетовнинг илмий қарашлари аҳамиятлидир. Унинг фикрича, хилма-хил бўлган ўзбек шеваларининг консонантизми системасини фонологик жиҳатдан, яъни принципиал жиҳатдан фарқ қиладиган ундош фонемаларни аниқлаш ва уларнинг талаффуз қилиниш хусусиятларини белгилаш учун, аввало, маълум гуруҳдаги шевалар қайси хусусиятлари билан бир-бирига яқин, ёки, аксинча бир-биридан қандай жиҳатларига кўра фарқланишини аниқлаш лозим¹⁴⁶.

Тилшуносларнинг асосли фикрига кўра, артикуляцион томондан ўпка-дан чиқаётган ҳавонинг нутқ аъзоларининг маълум бир ўрнида тўсиққа учраш йўли билан ҳосил бўладиган ундошларнинг фонологик муҳим томонларини пайдо бўлиш

¹⁴⁵ Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 92.

¹⁴⁶ Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.81.

ўрни, пайдо бўлиш усули, жарангли-жарангсизлик белгиси, уларнинг фонологик номуҳим белгиларини эса чўзиқлик-қисқалик ва қаттиқлик-юмшоқликлик белгиси ташкил этади¹⁴⁷.

Прага лингвистик мактабининг фонологик концепцияси бўйича, бир хил қуршовда эркин алмашилиш муносабатида бўлган икки товушнинг бири ўрнида иккинчисининг келиши маънога таъсир этмаса, бу товушлар бир фонеманинг турли факультатив вариантлари ҳисобланади. Булар одатда эркин алмашилиш муносаба-тида муайян белгисига кўра ўзаро яқин бўлган товушлар бўлади. Лекин маълум умумий белгига эга бўлмаган товушлар бундай муносабатга киришмайди¹⁴⁸.

Шевадаги *x* ва *ç* ҳамда *ң* (*нг*) ундошлари ўзбек адабий тилидаги шу ундошлардан ҳосил бўлиш ўрни, артикуляцион-акустик жиҳатдан юмшоқ ва қаттиқлиги билан бирмунча фарқ қилади.

Шунга кўра, жануби-ғарбий Наманган шевалари ундош товушларининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1. Шуниси характерлики, жануби-ғарбий Наманган шимолий ва марказий ареали қипчоқ шеваларида *с*, *ш*, *ч*, *т* ундош товушларининг *ç* ундоши билан ўзаро эркин алмашиш дистрибуцияси кузатилади. Хусусан, бу ундошлар локалик белгисига кўра ҳам, акустик белгисига кўра ҳам, пайдо бўлиш усулига кўра ҳам бўғиз ундоши бўлган *ç* га ўхшамайди. Шундай бўлишига қарамасдан, сўзнинг турли позицияларида бу товушларнинг ўзаро маънога таъсир этмаган ҳолда эркин алмашилиши кузатилади. Туркий сўзларда: [*с//ç*]: [*энәҳънькә кәттә*] онасиникига кетди, [*этәҳънь көрдәм*] отасини кўрдим, [*бәләҳъдә бәр*] боласида бор каби. Бу жиҳатдан ЖҒН қипчоқ гуруҳи шевалари туркий тиллар оиласига мансуб бошқирд тилига хос бўлган хусусиятни ўзида намоён қилади. Айрим туркий тилларда қўлланивчи учинчи шахс эгалик шакли *-си*, бошқирд тилида доимо [*-ҳъ*] (*-ҳи*) шаклида қўлланилади¹⁴⁹. Шунингдек, сўз боши ва ўртасида *с* ундошининг *ç* ундошига

¹⁴⁷ Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 87-94.

¹⁴⁸ Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент, Akademnashr. – 2012. – Б. 135.

¹⁴⁹ Дмитриев Н. К. и др. Грамматика башкирского литературного языка. – Уфа: 1981. – С. 42.

алмашилиши кузатилади. Масалан, *соқол-ҳокал, оқсоқол-оқҳокал*¹⁵⁰ каби.

а) адабий тилдагидек чуқур тил орқа ундоши *х* ва бўғиз ундоши *ҳ* фонологик асосига кўра маъно фарқламайди. Мазкур диалектал ареал шеваларида бу икки ундошнинг муҳим белгиси йўқ: [дара://дэрэх(һ)//дэрэқ] дарахт, [ҳыллэнэн] хилланган, [ҳъл-ҳъл] ҳил-ҳил каби *х* ундошининг чуқур тил орқалик белгиси тўлалигича *ҳ* бўғиз ундошига ўтган;

б) сўзнинг турли ўринларида талаффуз қулайлигига эришиш ҳаракати ва мақсади сабабли сўз бошида ўзлашмаларда *ҳ* товуши [ҳъ] ва [ҳү] тарзида, сўзнинг бошқа позицияларида аслидай алмаштирилиб қўлланади:

– олинма сўзларда сўз бошида қўлланади: [ҳъстэж] стаж, [ҳъстэдъйўн] стадион, [ҳъстэнўк] станок, [ҳъстэкэн] стакан, [ҳүстүдэн], студент, [ҳэптэбъс/ /ҳэптэлэбүс] автобус, сўз ўртасида: [мэхънэ] машина каби;

– туркий сўзларда фақат сўз бошида ёки биринчи бўғинда қўлланади: [ш//ҳ]: [ҳэмғэлэт] шамғалат, [ҳълпэк] шилпик, [ҳъшър] шиширма, [ҳъшишэ] (шиша); [ч//ҳ]: [ҳэҳчэймэ] чақчайма, [ҳэкэнлэмэ] чаканглама, [ҳэвдъш] қумғон, [ҳърэммэ] чиранма, [ҳөккэлэ] чўккаламоқ; [т//ҳ]: [ўҳлэт] ўтлатмоқ, [қаҳнэ] қатнамоқ, [ихтъвэр] итқиб юбор, [ихтъ] итқимоқ каби.

Ҳудуд шеваларида сўз охиридаги [ш] ва [ч] ўрнида [ҳ] ундошининг қўлланиши кузатилмайди.

2. Ҳ (нг) ундоши: а) қипчоқ шеваларида чуқур ва саёз тил орқа ундоши бўлиб, унинг қадимий қаттиқлик ва юмшоқлик белгиси сақланиб қолган¹⁵¹. Унинг бу белгиси айрим сўзлардагина қадимги туркий тил унсурлари қолдиғи сифатида маъно фарқлайди: [нумэнэ] нега, нима сабадан – мақсад, [нүмэнэ] нимага – предмет, [нүмэ:н] киминг – эгалик, [нүмэ(вы)н] ниманг – тегишлилик; б) ареалнинг шарқий гуруҳ қипчоқ-қорақалпоқ, шимолий ва марказий қипчоқ шева гуруҳларида юмшоқлик белгиси услубий маъноларни юзалантиради: [бэры:н] боринг (илтимос, ялиниш), [бэрън] боринг (буйруқ), [бэрыңнэр//бэръңлэр] боринглар (кўпликда: илтимос, ялиниш)

¹⁵⁰ Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского литературного языка. – Уфа: 1981. – С. 18.

¹⁵¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғот-ит турк. – Тошкент, 1963. I том –Б. 110; Малов С.Е. Памятники древней тюркской письменности. – М.: Наука, 1951. – С.11; Шербак А. М. Грамматика староузбекского языка. – М. – Л., 1962. – С. 170.

каби; в) *н(нг)* -а сўроқ-таажжуб юкламасидан кейин келиб, ўзидан каттага ҳурмат маъноси-ни ифодалайди: [бэрэсыз-э:н] борасиз-а(нг)?, [уйъмыз-э:н] уйимиз-а(нг) каби; г) Наманган шаҳар тип шеваларида бундай хусусият кузатилмайди: [бэри:] боринг, [оли:(н)] олинг, [қўлү:(н)] қўлинг каби, Фарғона тип шеваларида юмшоқ (саёз тил орқа) варианты [бөрън] боринг, [олън] – олинг, ўзлашмаларда: [сумкән] сумканг каби қўлланади.

Марказий шева ареалининг қарлуқ тип шеваларида бу ундош ҳудди Тошкент тип шеваларидек [н] тарзида қўлланади. Поп тумани Ғурумсарой, Пунгон, Марғизор, Уйғур, Санг, қишлоқларида [бэрън] боринг, [бэрънлар] боринглар, [олън] олинг, [қўлън] қўлинг каби ҳолат яққол кўзга ташланади.

3. Наманган шаҳрига яқинлашган сари “ж”лашиш йўқолиб боради, бироқ Наманган шаҳар шевасига ҳам “ж”ловчи гуруҳ шеваси ўз таъсирини ўтказган. Наманган шаҳрида юрмоқ феъли [жүр] тарзида қўлланади: [жүрүна] юринглар, [жүр кеттү:] юр кетдик каби; “Й”ловчиларга ҳам бу ҳолат ўз таъсирини ўтказган: [жүн] юнг, [жүмә-жүмә] юма-юма, [жирилиб] йирилиб; матонинг ситилиши, [жийилган] (мижиғланган ~ ғижимланган: дистант метатеза), [жөй] йўймоқ каби. Бизнингча, бундай фонетик жараённинг юзага келишини жануби-ғарбий Наманган шева вакиллари ва вилоятнинг барча аҳолиси бир-бирлари билан қадимдан узвий иқтисодий-ижтимоий ва маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради.

4. Диалектал ареалнинг шимолий гуруҳ Наманган шаҳар тип ҳамда Фарғона тип қарлуқ шеваларида умумўзбек қарлуқ тип шеваларидаги саёз тил орқа, портловчи, жарангсиз [к] ундошининг сўз охирида тил ўрта, сирғалувчи, жарангли й ундошга алмашилиши: [терәй] терак, [керәй] керак, [этъй] этик каби кузатилмайди.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари ундошлар таркиби қарлуқ лаҳжаларида 23 та товушдан; қипчоқ лаҳжаларида 21 та товушдан иборат.

Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали лаҳжавий хусусиятларига кўра қарлуқ ва қипчоқ шеваларидан ташкил топганлиги учун унинг ундошлар парадигмаси икки хил кўринишга эга.

1. Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали шарқий ҳудуд Наманган шаҳар тип ва Фарғона тип шеваларининг ундошлар парадигмаси:

овоз ва шовқин иштироки	ҳосил бўлиш ўрнига кўра		бўғиз товуш и	чуқу р тил орқа	саёз тил орқа а	тил ўрт а	тил олд и	лаб товушлар	
	ҳосил бўлиш усулига кўра							лаб-лаб	лаб-тиш
жарангсиз	портловчи			қ	к		т	п	
жарангли	портловчи - сирғалувчи						ч		
жарангли	сирғалувчи				г		д	б	
жарангли	портловчи - сирғалувчи						ж		
жарангсиз	сирғалувчи		ҳ	х			с, ш		ф
жарангли	сирғалувчи			ғ		й	з		в
сонолар жарангли	ён товуш						л		
	титроқ товуш						р		
	бурун товуши				ң		н	м	

2. Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали шарқий гуруҳ қипчоқ-қорақалпоқ шоҳобчаси шимолий ва марказий ҳудуд шеваларининг ундошлар парадигмаси:

овоз ва шовқин иштироки	ҳосил бўлиш ўрнига кўра		бўғиз товуши	чуқу р тил орқа	саёз тил орқа а	тил ўрт а	тил олд и	лаб товушлар	
	ҳосил бўлиш усулига кўра							лаб-лаб	лаб-тиш
жарангсиз	портловчи			қ	к		т	п	
жарангли	портловчи				г		д	б	
жарангли	портловчи - сирғалувчи						ч		
жарангсиз	сирғалувчи		ҳ				с, ш		
жарангли	портловчи - сирғалувчи						ж		
жарангли	сирғалувчи			ғ		й	з		в
сонолар жарангли	ён товуш						л		
	титроқ товуш						р		
	бурун товуши				ң		н	м	

Юқорида таснифланган ундош фонемалар шевада синтагматик муносабатлар асосидаги турли фонетик жараёнлар натижасида хилма-хил вариантларга эга бўлиши мумкин. Ўзбек шеваларидаги кўплаб бундай лисоний ҳодисаларини таҳлилга тортиш, воқеланиш позицияларини аниқлаш ва сабабларини ёритиш умумўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини объектив ёритишда аҳамиятлидир.

2-фасл. Ундошлар синтагматикаси

Лаб ундошлари

Б –лаб-лаб, портловчи жарангли ундош. Қўлланиш доираси ҳудуднинг шарқий ва шимолий ҳамда марказий шева

гуруҳларида турличадир. Ареал қипчоқ гуруҳлари “ж” ловчи ва “й” ловчи шеваларида ҳам алоҳидалик белгиларига эга:

а) сўз бошида б ундоши ҳар икки шева ареалида кучли позицияга эга: [балдэ://бэлдэқ] балдоқ, [балъқ//бэлық] балиқ, [бөръ://бэръң] боринг, [бэлла//бэллэр] болалар каби бир хил ишлатилади;

б) сўз охирида чегараланмаган ҳолатда коррелятив вариантга *n* га алмашиб, кучсиз позицияга эга: [кътэн], [эдэн], [сэвэн], [сэвун//сэвын] совиб қолмоқ, [сэвэн//сэвын] соғиб [жэвэн//жүвэн] жавоб каби. Лекин унли билан бошланувчи аффикс қўшилганда, ЖҒН қарлуқ тип шеваларда *n>б* га тикланади: [кътэбъм], [сэвэбъм], [жэвэбъм] каби, қипчоқ тип шеваларда бошқа қипчоқ шеваларидаги каби *n>б* га тикланмайди: [кътэпъм], [сэвэпъм], [жүвэпъм] каби;

в) б ундоши барча қипчоқ шеваларидагидек, сўзларда аксарият ҳолатларда *в* ундошига алмашади: [тэнөв//тэнэвы] таноби, [кътэвъм//кътэпым] китобим, [эдэвъ//өдөвъ//адавъ] адабини бермоқ, [хъсэвъм//хисэпым], ҳисоби, [сурэпъ//сурэвъ] суробини тортиб қўймоқ, [тэвъм//тэвым] тобим, [эдэвъ//э:дэпы//о:довы] одоби каби.

“Ж” ловчи қипчоқ шева шохобчаларида б ундоши ҳамма вақт ҳам *n* ҳамда *в* ундошига ўзгармайди, сўзнинг оҳирги ўринларида ҳам ўзининг кучли позициясини сақлаб қолади: [кътэбъм] китобим, [эдэбъ] одоби, [сэбэбъ] сабаби каби. “Й” ловчиларда кучсиз позицияга ўтади: [кътэпым, эдэпъ, сэвэпъ] каби. Қиёсланг: [қурбақа//қурвэқэ], [қабақ//қэвақ//қэвэқ], [дэрбэза//дэрвэзэ] дарвоза, [тэрбүз//тэрвыс//тэрғыс] тарвуз, [ышқэбоз//ышқывос] ишқибоз, [бэрэбэр//бэрэвэр] баробар. Бироқ сандхи ҳолатда ҳар иккала гуруҳда ҳам кўмакчи феъллар унли билан бошланса ҳам, бошланмаса ҳам *n > в* ҳолатида ўта кучсиз позицияда қўлланади: [сэтвэрдъ] сотиб юборди, [зчвэрдъ] ичиб юборди, [йүтвэрдъ] ютиб юборди, [тэшлэвэрдъ] ташлаб юборди, [үшлэвэлдым] ушлаб олдим каби;

г) б қанчалик турғун бўлмасин, *-и(б)* аффиксли равишдошларга [э:] ол, [жүбэр//йүвэр] юбор кўмакчи феъллари бирикканда, равишдош кўрсаткичи *и* редукцияга учраб, бунинг натижасида кучсиз позициядаги интервокал ҳолатдаги вариантлари б ва в орасидаги товуш талаффуз қилинмайди:

[*айтварьпть*] айтиб юборипти, [*кўрсатварай*] кўрсатиб юборай, [*йэвэлэй*] еб олай, [*қўйварьпть*] қўйиб юборибди, [*бэхвэгэн*] боқиб олган каби;

д) этимологик *б* ундоши ўрнида *м* нинг қўлланиши лаб ундошлари тараққиёти натижасида юзага келган бўлиб¹⁵², айрим адабий туркий ва уларнинг шеваларидаги кабидир. Адабий тилда кучли позицияга эга *б* қипчоқ шевалардаги айрим сўзларда *м* билан ўз позициясини алмаштиради: [*мурын*] бурун, [*мўйын*] бўйин, [*мўйынтүрүк*] бўйинтурук, [*мьннәрсә*] бир нарса, [*мьндәй*] бундай, [*мьнчә*] бунча, [*мүйүм*] буюм каби. Ёки турк т: *бән* – мен, қирғиз т.: *мъз* – биз, хакас т.: *малта* – болта, *матър* – ботир, *малчых* – балчиқ каби. Шевада [*бэшәқ*] бошоқ, ва [*мэшәқ*] донли экинларнинг ерга тўкилган боши ҳамда [*мурын*] омоним: русча нос, аввал, олдин илгари, [*мъй*] бепоён, чўл, сувсиз текислик жой, қўйхона чиқиндиси, [*бъй*] бой, бирон уруғнинг бошлиғи каби фонематик жараёнлар кузатилади.

з) бир қатор *б* билан бошланадиган сўзлар, аксарият, “ж”ловчиларда *п* билан бошланади: [*пътърдъ*] битирди, [*пүтүн*] бутун, [*пүк*] букмоқ, [*пүткүл*] буткул, [*пүкър//пүхръ*] букри, “й”ловчиларда: [*пъчългән*] бичилган омоним: матодан кўйлак тикмоқ, ҳайвонни бичмоқ, каби. Бу каби ҳодисалар боботил ундошлари тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, туркий тиллар ўғуз, қипчоқ ва қарлуқ-чигил-уйғур гуруҳларида мавжуд¹⁵³.

М – сонор, лаб-лаб ундоши:

а) шевада сўзнинг исталган ўрнида кела олади: [*мўйьн*] бўйин, [*мўрьт*] мўрт,

[*тэм*] уй, [*тәмбәл*] эрка, ишәқмас, [*мәҳмән//мәймән*] меҳмон, [*мум*] сақич, [*ҳәммәм*] ҳаммом, [*тәмәм*] тамом, [*мүңсық*] мумсук каби;

б) *м* ундоши шевада бошқа ундошларга нисбатан турғун бўлиб, ўзга товушлар билан алмашилиши кам учрайди: *м>в*: [*кәсәлвән*] касалманд, [*ъсвәлэх//ъсвәләқ*] исмалоқ каби;

в) “ж” ловчи шохобчаларда сўз охирида сўзга қўшилувчи қўшимча шаклидаги *-ми* сўроқ юкламаси интервокал ҳолатда *-бә*

¹⁵² Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 97; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 61- 66.

¹⁵³ Дмитриев Н. Фонетические закономерности начала и конца тюркского слова. ИСГТЯ. I. – М., 1953. – С. 271.

шаклга ўзгаради: [бэрэсэңбә] борсанми, [этэңбә] отангми, [йэнэңбә] онангми, [ъшлэйсэңбә] ишлайсанми каби;

г) “ж”ловчи шохобчаларда адабий меъёрдаги кўмир сўзида м>в га алмашади: [көвэр] каби, замбил, жамбул каби сўзларда дифтонг содир бўлади: [зə^wвэр], [жə^wвъл] каби. М ундошининг позицион ўзгариши “ж”ловчи шеваларда кўпроқ кузатилса-да, “й”ловчилар шохобчаларда муқим ва турғундир.

В(w) – лаб-лаб, сирғалувчи, жарангли ундош. Шева вакиллари талаффузида лаб-тиш в дан кескин фарқ қилади:

а) бошқа ўзбек шеваларида бўлганидек, сўз бошида, асосан, ундов, тақлид сўзларда ёки ундов ва тақлид сўзлардан ясалган ясама сўзларнинг барчасида, соф туркий бир бўғинли сўзларда ва айрим ўзлашган сўзларда лаб-лаб варианты қўлланади: [wə^wыллэды] вовуллади, [wэй] вой, [wэх] воҳ, [сүw] сув, [күwъ] кува, [wэрыллэ] варилламоқ, [wэпэт] вафот этмоқ, [wэпэ] вафо, [wэзъна] вазифа; сўз ўртаси ва охирида: [өwхэл] аҳвол, [өwлэт] авлод, [өwльйэ] авлиё, [эрwүс] авроз каби қўланса, ўзлашма сўзларда п га алмашади: [эптәмэбъл] автомобил, [эптэбүс//хэптэлэбүс] автобус, [эптэмэт]. Ҳаракат номларида в нинг тушиши натижасида ундан олдинги унли фонематик бўлмаган чўзиқликка эга бўлиб қолади: [кэчү:] кечув, [йэзу:] ёзув, [чэқырү:] чақирув каби. Бироқ -(у)в билан ясалган маросим отларида эса в сақланади: [чэқырүв] чақирди, [эйткэзүв] айткизув, [тэллэв] танлов, [йўхлэв] йўқлов каби;

б) сандхи ҳолатда ҳар икки гуруҳда ҳам равишдош ва сифатдошга эди тўлиқсиз феъли қўшилса, б>в га ўтади ёки унлининг чўзилиши ҳисобига тушиб қолади: [көрүвдэк//көрү:дэк] кўриб эдик, кўрган эдик, [бэрүвдым//бэру:дым] бориб эдим, борган эдим, [ўтырувдым//ўтьрү:дым] ўтириб эдим, ўтирган эдим каби;

в) бошқа қипчоқ шеваларида кузатилгандек, ҳатто “ж”ловчиларда ҳам Хоразм ва Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шеваларидагидек¹⁵⁴: [үвақыт] вақт, [үwэжъм] важим, [үwүжүд] вужуд, [үwүкүл] вакил каби дифтонглашиш кузатилмайди;

¹⁵⁴ Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.108; Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.112.

г) адабий *севмоқ* феълидан ясалган севинч, севинчи (қувончи маъносида) сўзларидаги *в>й* тил ўрта ундошига алмашади: [сүйънъч, сүйънчъ, сүйъндъм] каби. Ювиб сўзидаги *-иб* равишдош қўшимчаси таъсирида *в* тушиб қолади: [йу:n] каби, айрим ҳудудларда (Тепакўрғон, Шовон, Сарой, Қурама, Қатоғон, Шаҳанд, Карқишлоқ) *сув* сўзига эгалик қўшимчалари қўшилганда *в>й* ҳолати кузатилади: [сүйъчәсәммъ, сүйънг бәрмъ] каби;

д) айрим сўзларда *в>ғ* га алмашади: [тәрвѣс//тәрғыс] тарвуз, [қэвыр//қэғыр] қовур, [сўвын//сўғын] совун каби.

П – лаб-лаб, портловчи, жарангсиз ундош. Қарлуқ лаҳжасида ҳам қипчоқ лаҳжасининг “ж”ловчиларда ҳам, “й”ловчиларда ҳам талаффузда, бошқа ўзбек шеваларида бўлганидек, артикуляцион ўрнига кўра фарқ қилмайди:

а) сўзнинг исталган позициясида, бошида, охирида ва ўртасида кела олади: [пэлэпэн//пэлэпэң] қушнинг боласи, [сөпэқ] чўзинчоқ, [тэлып] толиқмоқ, [пэлэв] палов, [төппә//төппәк] тўпланган уюм, [пэқыр] пақир, [көпък] кўпик, [сэп] омоним: кетмоннинг сопи, соф, тоза, қўлдан кетган, ушалмаган, [йьп] ип, [ыпылтырық] нимжон, ориқ каби;

б) ЖҒН шеваларида *п* ундошининг муайян фонетик позицияда қўлланилиши ареалнинг қипчоқ лаҳжасининг иккала гуруҳда турлича. “Ж”ловчиларда: [эппэръп нэр] олиб бориб бер, [кэппөлдъ] келиб бўлди, [ът қэбвэлди] ит қошиб олди каби *б* ни *п* га, [сэбъ үзүн] сопи узун (кетмон), [тэббъ] таппи каби *п* ни *б* га ўтиши кузатилади. “Ж”ловчи шеваларига нисбатан “й”ловчи шеваларда сўзнинг ўртасида *п* ундоши турғун;

в) *п* нинг *в* га алмашиниши ундошлар тараққиётининг маҳсули сифатида амал қилади. Кўплаб туркий тиллардагидек, ЖҒН шеваларида ҳам *чоп, топ, ёп, сеп, теп* типисидаги *п* билан тугаган бир бўғинли феъллар [чөв, төв, йөв, сөв, төв] каби *п* ундоши ўрнида *в* талаффуз этилади. Бу эса қипчоқ шеваларидаги фонема вариантларининг талаффузда қулайликка эришиш учун юзага келган ҳодисадир. Бундан ташқари, бир бўғинли феъллардан *-(у)б* аффикси орқали қўшма феъллар ясалганда иккала гуруҳ шеваларда ҳам ўзакдаги интервокал ҳолатда кучсиз позицияда бўлади: *п<в<б<п*: [чэвъпке] омоним: югуриб кел, ерни чопиб кел, [тэвъпке] тошиб кел, [йэвъпке] омоним: нонни ёпиб

кел, эшикни ёпиб кел, [сөвълкэ] донни сепиб кел, [төвълкэ] тепиб кел каби;

г) қипчоқ лаҳжасининг ҳар икки гуруҳида унли билан бошланувчи феъллар қўшилиб қўшма феъл ёки кўмакчи фелли бирикма ҳосил қилинганда *в* иккилантрилади: [чэвэлды] чопиб олди, [тэвэлды] топиб олди, [йөвэлды] омоним: ёпиб олди, [сөвэлды] сепиб олди, [төвэлды] тепиб олди каби.

Ф – ЖҒН шевалари шимолий ва марказий ареали учун ундош фонема сифатида йўқ. Сўзнинг қайси позициясида бўлишидан қатъий назар ўзлаштирилган сўзлардаги *ф* ундоши *п* ҳолида талаффуз этилади: [пэрмэ] ферма, [пэрмэр] фермер, [пэртък] фартук, [апсис] афсус, [эптэв] офтоб, [тьлпэн] телефон, [йүсүн] Юсуф, [мэ:ръл] Маъруф, [ьшькэл] шкаф каби.

Диалектал ареалнинг шарқий гуруҳ Наманган шаҳар тип умлаутлашган ҳамда Фарғона тип шева шохобчаларида *ф* ундоши аслидек қўлланади. Мазкур шеваларда бу ундош лаб ундоши, лаб-лаб, жарангсиз белгилари асосида айрим сўзларда тўлалигича амал қилади. Жумладан, [мэрүф] Маъруф, [фэтихэ] фотиҳа, [фил] фил, [фэйдэ] фойда, [фэсьл] фасл; ўзлашмаларда: [фэрмэ] ферма, [фэрмэр] фермер, [фэртү://фэртүк] фартук каби.

Тил олди ундошлари

Т – тил олди, жарангсиз, портловчи ундош. Сўзнинг исталган бўғинида келади. Талаффузига кўра ЖҒН шевалар ареали гуруҳларида фарқ қилмайди: [тэрьт] уй ҳайвонларига бериладиган озуқа, [тээ] омоним: сифат, равиш, [тэр] омоним: от, феъл, [теккъс] омоним: сифат, феъл [тьрънкэ] металл идиш-товоқ, [кэттэ] катта, [этэйнэ] атайлаб, [эттэр] аттор, [сүт] омофон: суд//сут, [дүт] тутун – дуд каби.

ЖҒН қипчоқ шевалари учун характерли бўлган хусусиятлари қуйидаги товушлар билан алмаша олишидир: *т>д*: [дэқэштирмэ] тақаштирмоқ, [дэқэтэқ] тақа-тақ, [дўлтэ//дўлтэ] дурда – куйдирилган қаймоқ қолдиғи, [дэвуш] товуш, [дах-дуқъ] тақир-туқир, [дэғын] тағин, [дэлчъ] тепчимоқ, [дъккэй] тик турмоқ, [дъңшэ] тингшамоқ, [дыңъллэт], тақиллатмоқ, [дърсьллэмэ] тарсиллама, [дықъллэт] таққиллатмоқ, [дэхчэ] тоқча, [дузэқ] тузоқ, [дўзэн] чанг-тўзон, [дўмпэйыб] тўмпаймоқ, [дўмтэқ] тўмтоқ, [дэңъллэмэ] тангиллаган каби. Сўзнинг ўрта ва охириги ўринларида *т>д* ҳолати мазкур шевада учрамайди.

m>c: [съѣґнчық] тойғончиқ, [съѣґнъпкэттьм] тойиб кетдим, [сүйәнъп] таяниб; *m>x*: [құлхыллэтъп] қултиллаиб, [ўхлэтъб] ўтлатиб, [ҳалчойъп] тарвайиб, [тэмәғым хълқыллэп турыпты] томоғим таққиллаб турибди; *m>ч*: “ж”ловчи ва “й”ловчи шеваларда ҳам *m* ундоши тор унлилар билан ёндош келганда *ч* ундошига ўтади: [чъш] тиш, [чъшләмә] тишлама, [чүшър] тушурмоқ, [чъшләм] тишлам, [чүш] омоним: тушмоқ, туш кўрмоқ, пайт – туш пайти, [чүшън] тушун, [чүшәв] тушов – сигир соғилаётганда орқа оёқларини боғлаш учун ишлатиладиган калта арқон, [чүшүм] фойда каби.

Ч – тил олди, қоришиқ, аффрикат, жарангсиз ундош. Сўзнинг боши, ўртаси ва охирида кела олади: а) талаффузда умумўзбек шеваларидан фарқи йўқ: [чәқә] омоним: яра-чақа, танга, пул, [чәмъч] чўмич, [чъммәт] чиммат, [чъмчъләк//чъмчалак] жимжилоқ – бешинчи бармоқ, [чўжа] жўжа, [чөнта://чөнтәк] чўнтак, [жъччә] озгина, [чъчвәрә] чучвара; б) талаффузда тил олди юмшоқ унлилар билан ёндош келганда нисбатан олдинга сурилиб, тилнинг учи сал эгилган ҳолда юқори милкка тегартегмас ҳолатда бўлади: [өч] омоним: ўч – қасос, феъл, [чәйнәк] чойнак, [чәч] омоним: соч, сочмоқ, [чўмча://чөнтәк] кисса, [чума://чумәк] чойнакнинг чой тушадиган жойи каби. Тил орқа унлилар билан ёндош, ёки улардан сўнг келганда орқароққа сурилади ва қарлуқ тип шеваларда унлининг чўзилиши ҳисобига чуқур тил орқа ундоши тушиб қолади, қипчоқ тип шевааларда эса тушмайди, аслидай талаффузда сақланади. Тилнинг учи сал эгилиб юқори танглайга тегади: [ўчә://ўчәқ] ўчоқ, [пәчә://пәчәқ] пачоқ, [пъчо://пычәқ] пичоқ, [чақмә://чәхмәқ] омоним: чақмоқ – нумиратив, табиат ҳодисаси, чақув, [чўнтә://чўнтәқ//чўлтәқ] ишга яроқсиз супурги; в) барча туркий тиллар ва уларнинг диалектларида бўлгани каби ЖҒН қипчоқ шеваларининг “ж”ловчи ва “й”ловчи гуруҳларида ҳам *ч* > *ш* қараб силжийди. “ж”ловчи шеваларида бу ҳодиса изоҳ талаб қилмайди, “й”ловчи шеваларда *ч* ундоши сандхи ҳолатда [хъштәмә] ҳеч нима; жарангсиз ва жарангли ундошлар билан ёнма-ён келганда, интервокал ҳолатда, сўз ўртасида, сўз охирида ҳам *ш* га ўтади: [уштә] учта, [қәшты] қочди, [эмәшты] омочни, [чўмъштъ] чўмични каби.

Ж [дж] – тил олди, қоришиқ, аффрикат, жарангли ундош: а) сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади: [жъччә] озгина, [жәпъс] қариндош-уруғ, [жъжъ] чақалоқ, [жўттәгә] атайлаб, [жә:] жуда, [чөжә] жўжа, [тәжъдън] Тожиддин, [мыжсығлә//ғыжымлә] мижғиламоқ, [вәж] баҳона, [тәж] тож; б) шевада ўзлашма сўзлар таркибида келган, тил олди, сирғалувчи, жарангли, адабий тилда жарангсиз *ш* ундошининг жарангли варианты – *ж* ундоши қўлланиши (ёшлар нутқидан ташқари) кузатилмайди: [джүрнал//джөрнәл] журнал, [гәрәдж//гәрәш] гараж, [ә[дж]дәр//а[дж]дар] аждар, [гъ[дж]дә нән// ги[ж]дә нон//гъштә нән] гижда нон; в) қўлланиш доираси бир хил эмас. Худуднинг Қурама, (Тўрақўрғон т.) Кенагас, Қорақалпоқ (Поп т.) Найман (Поп т. Мингбулоқ т.), Момохон, Қолғандарё, Бешсерка, Қайрағочовул, Чордона (Мингбулоқ т.) гуруҳ шеваларидаги й ўрнида ж ишлатилади. Бу йирик қишлоқлар аҳолиси азалдан чорвачилик билан шуғулланган бўлиб, кейинчалик деҳқончилик, дурадгорлик, шираворлик, қисман кигиз (намат) босиш ишлари билан шуғулланадилар. Асосан, Сирдарё оқимининг чап соҳилида истиқомат қиладилар. Ареал таснифга кўра, уларни биз шимолий ва марказий гуруҳ “ж” ловчи қипчоқ шохобчаларига киртганмиз.

Демак, қипчоқ шеваларини тавсифлашда *ж* аффрикатининг алоҳида, муҳим ўрни бор. У ўзбек тили қипчоқ лаҳжаларининг фонетик-фонологик структурасини, товушлар тузилмасини тасниф ва тавсиф қилишда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришда, товуш ва фонетик ҳодисалар қай йўсинда юзага чиқишини тўғри белгилашда асосий роль ўйнайди¹⁵⁵.

Шевада баъзи ҳолларда *ж>ч* ҳодисаси учрайди: [жәжә – чөжә] жўжа, [жъччә – чъччә] озгина, [чүмәк] жўмрак, [кәләчәк] келажак каби. Лекин ЖҒН шеваларида Андижон шевалари айрим шохобчаларидаги каби [бәшънджъ] бешинчи, [әлтънджъ] олтинчи, [өнънджъ] ўнинчи каби ҳолат кузатилмайди.

¹⁵⁵ Ишаев А. Фонетические особенности мангитского говора узбекского языка. Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1962. – С.10; Алиев А. Ю. Уйчинский говор узбекского языка. Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1960. – С.7; Насиров Ш. Кокандский говор узбекского языка. – Ташкент, 1965. – С. 5; Маматов А. Андижанский говор узбекского языка. Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент, 1967. – С. 11.

Туркий тилларда “й”лашиш ва “ж”лашиш масаласи анчадан бери турколог олимларнинг эътиборини жалб қилиб келади¹⁵⁶.

С – тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош. Талаффузига кўра бошқа ўзбек шеваларидагидан фарқ қилмайди, сўзнинг исталган жойида келади, қўлланиш доираси кенг: [сәтъл] турли сиғимдаги сирланган металл идиш, [сөлэхмэндэй], девдай, дев келбат, [сәп] омоним: сарполар, металл сандиқ – сейф, [мўңсық//мўнсүк] зиқна, [гьләс] гилос, [нэввәс] уч яшар буқа.

а) ЖҒН шеваларида с ундоши тил олди юмшоқ унлилардан олдин, очиқ бўғинларда нисбатан олдинга қараб силжийди. Тилнинг учи сал эгилиб пастки милкка яқинлашади. Сирғалиш кучаяди. [сүйкәләммә] эркаланма, [сүйән] таян, суянмоқ, [сә:мьн] Саминжон, [сурәпт] кепата, қиёфа; б) қаттиқ ўзакли сўзлар тил орқа унлилари билан ёндош келганда тилнинг учи пастки милкка, эгилган жойи билан юқори милкка тегади, тўсиқ кучаяди: [сәссық] сассиқ, [сўтә] сўта, [сүрүқ] сурх, ток новдаси, [ыссық] иссиқ каби. Рус тили орқали ўзлашлган сўзлар таркибида ц ундоши бўлса, интервокал ҳолатда с ифодаланади: [сәмън] цемент, [бәнъсә] больница, [сәркүләссә] циркуляция [шьпръс] шприц; в) шевада с>ч ва ш>с ҳолати ўзбек шевалари ва бошқа туркий тиллар, уларнинг диалектларидек¹⁵⁷ умумий кўринишга эга ҳодиса: [чәч] омоним: соч, сочмоқ, [чәчрәт] сачрат, [чәчрәтқы//чәчрәтқы] касаллик: сачратқи, [чычқән] сичқон, [чәчық] сочиқ; [шьпъткъ] супурги, [шьмърмәқ] симирмоқ, [шьпър] супирмоқ, [шәмшъ] Шамсиддин, [шьшәмбъ] сешанба, [шыйдәм] сийдом – сидирға, бир хилдаги каби.

З – тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош. Сўзнинг барча ўринларида кела олади. Талаффузда умумтуркий тиллардан фарқ қилмайди: [зәкән] зовур: сизова сув тўпланадиган ариқ, [зәк] зах, [зүвәлә] зувала, [зырәвә] зирапча, [ҳәвәзә] ҳоваза – рус. подмост, [зәвжә] хотин, [мәзгъл] манзил (Мингбулоқ туманида шу ном билан қишлоқ бор), [нънэзын] тузик, яхши, [мә:ззә] роҳат,

¹⁵⁶ Абдуллаев Ф. А. Фонетика. –Ташкент, 1967; Гаджиева Н. З. Проблсма тюркской ареальной лексики. Среднеазиатский ареал. –М., 1975; Муҳаммаджонов. Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент, 1981.

¹⁵⁷ Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Част II. – М., 1960. – С. 111; Тенишев Э.Р. Сравнительного-историческо грамматика тюркских языков. Фонетика. – М., 1984. – С. 171-240; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 97-105.

[мәзәсә] омоним. маза-таъм, соғлиқ, [мәззәң] лўли элатига мансуб уруғ, аҳоли номи: мард (эркак) + зан (хотин), [эвэз] овоз каби.

З ундоши бошқа қарлуқ ва қипчоқ шеваларида бўлганидек, ЖҒН диалектал ареалида ҳам сўз ўртасида жарангсиз ва жарангли ундошлардан олдин жарангсизлашиб, з>с га ўтмайди. Шунингдек, сўзнинг охири ўрнига доимо феълнинг шахс-сон, кўплик, I-II шахс эгалик ва исмларнинг -миз, -сиз муносабат кўшимчалари кўшилганда з жарангсизлашади: [тәвә+мыс] топамиз, [ўтырә+мыс] ўтирамиз, [кәлә+мис дьйдь] келамиз дейди, [әнә+мыс] онамиз, [йәңә+мьс//жәңә+мыс] янгамиз каби. Интервокал ҳолатда з сақланмайди: [нәмчә тьлыңыс әччық] намуңча тилингиз аччық каби.

Ш – тил олди сирғалувчи, жарангсиз ундош. Талаффузда умумтуркий тиллардан фарқи йўқ. Сўзнинг исталган позициясида келади: [шөвлә] шавла, [шылдыр] кўнгли очық, [ьшкәл] муаммо, [мышық] мушук, [йәмьш] озиқ-овқат, [тәләш] тўполон, [хьшша] шиша, [хьшма] семиз каби.

“Й” ловчи қипчоқ шеваларидаги сўзларнинг бошида спорадик [хьрылләмәқ] шарилламоқ, [хәқыр-хүкүр] шақир-шуқур, [хьлпық] шилпиқ, [хьлқ әтпн] шилқ этиб, [хьлқылләп қәлды] шилқиллаб қолмоқ, [хьмәрьпн]// [йәңдь хьмәрьпн] шимармоқ (енг шимариб), [хьтылләмәқ] шитирламоқ, [хьшшаә] шиша, [хьш] шиш, [хьшьрмәқ] шиширмоқ, [хьрғәймәқ] шиғраймоқ; ғилай кўзли одамнинг қарашы, ғ~р метатезага учраган, [хүндәйьчә] шундайлигича, [хүнча] шунча, [хүнчальк] шунчалик каби. “Й” ва “ж”ловчи гуруҳда ҳам сўз ўртасида жарангсиз ва жарангли ундошлардан олдин ҳам, кейин ҳам ш>с га доимий тарзда ўзгармайди. Бундай ҳолатни [шәмшъ] Шамсиддин, Шамсия каби бир-икки ўзлашма сўзлардагина учратиш мумкин. ЖҒН қипчоқ шеваларида ш>х ўтишини ҳисобга олмаганда бошқа товушларга нисбатан турғун.

Л – тил олди, сонор, жарангли, ён товуш. ЖҒН шеваларида ҳам сўзнинг истаган бўғинида ва аффикслар таркибида ҳам кела олади: [льккәк] илгак, [льппә] этак, [ләчьр] юпқа нон, [мыйләң//ьлпьс] шошмаган одам, [мўжжәл] мўлжал, [рәччьл] ростгўй, [қәңьл] миллатини тайини йўқ каби.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, туркий тиллардаги сонор товушлари сўзнинг бошида келмаган.

Профессор Ҳ. Неъматов сўз бошидаги *л* ундошининг қадимги туркий *с, ш, дж* товушларининг эволюцион тараққиёти натижасида (*с→ш→дж→л*) пайдо бўлганлигини таъкидлайди¹⁵⁸.

А.М.Щербакнинг эътироф этишича, боботилда жарангли ва жарангсиз ундошлар (кучли ва кучсиз позицияси) фонологик аҳамиятга эга бўлмаган. Жарангли ва жарангсиз фонологик оппозицияларга кўра, жарангсиз ундошларнинг жарангли ундошлар ўрнида, шовқинли ундошларнинг овоздорлар ўрнида ёки аксинча қўлланиши репрезентация, яъни ўрин алмашилишидир. У ҳам *л* ундоши этимологик *ш, с, ж* нинг шовқин белгилари корреляциясига мувофиқ юзага келганлигини кўрсатади: *с, ш (дж) → л*¹⁵⁹.

1. Ареал қипчоқ шеваларида сингармонизм қонуни амал қилганлиги сабаб *л* ундошининг маъно фарқламайдиган юмшоқ ва қаттиқ варианты мавжуд. Ўзақда тил олди унлилари билан ёндош келганда талаффузда нисбатан олдинга қараб силжийди. Тилнинг учи сал эгилган ҳолда юқори милк тишларига сал тегади: [кэлъ] ўғир, [сэл] сел, [көл] кўл, [тълъ] тили, [бълэк] билак, [тълэк] тилак, [сэл] сал, [эсэл] асал каби. Ўзақда тил орқа унлилари билан ёндош келганда, шу унлилар артикуляциясининг таъсирида нисбатан орқароққа силжийди. Бунда тилнинг учи эгилиб, шу жойи билан юқори танглайнинг олд томонига тегади: Бир бўғинли сўзларда, айниқса, бу жараён *л* ундошидан сўнг чуқур тил орқа ундошлари келганда аниқ сезилади: [сэлқын] салқин, [бэлғэм] балғам, [элқынды] алқинди (ишлатилган совун қолдиғи), [қэлқэн] қалқон, [тэлқэн] талқон, [тэлҳэ] талҳа – ёввойи доривор ўсимлик каби. 2. Диалектал ареалнинг шарқий гуруҳ қарлуқ тип шева шохобчаларида *л* ундошининг позицион ўрни муқим: [бөлсэ] омоним: бўлса, [кэлсэ] келса, [элсэ] каби. 3. ЖҒН диалектал ареалининг шарқий гуруҳ қипчоқ-қорақолпоқ шохобчасида, шимолий ва марказий гуруҳ қипчоқ тип шева шохобчаларида *л* ундошининг муайян фонетик шароитда, ёндош келган ундошлар таъсирида, яъни унинг синтагматикасида, умумий ва хусусий томонлари бор, қуйидаги ҳолатларда *л* ундоши ўз позициясини йўқотади: а) бошқа қипчоқ шеваларида бўлгани каби чўзиқ унлилар таъсирида ёки

¹⁵⁸ Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 61- 66.

¹⁵⁹ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С. 97.

унлиларнинг иккиламчи чўзиқликка учраши сабабли *л* ундош товушининг тушиши кузатилади: [қэ:сэ] қолса, [бў:сэ] бўлса, [қы:сэ] қилса, [бў:мэсэ] бўлмаса, [йь:йьк] ейлик, [кь:йәйьк] кийайлик, [кэ:гән] келган, [ъчәйъ:к] ичайлик; б) феъл сўз туркумидаги бир бўғинли сўзлар охирида келиб, -сә, -ълтъ, -гән, -мәҳчъ, -гън, -сън, -гүнчә, -мә, -гәнъ, қўшимчалари қўшилганда, деярли барча сўзларнинг ўртасида, унинг турғун позицияси йўқолади ва талаффузда тушиб қолади: [кэсә] келса, [кәлтъ] келибди, [эғән] олган, [эғәч] олгач, [қэмәҳчы] қолмоқчи, [эмәҳчъ] олмоқчи, [қығын] қилгин, [бўсын] бўлсин, [эғынчә] олгунча, [сэмә] солма, [бўғәны] бўлгани; в) -гач қўшим-часи шевада қўлланмайди, унинг ўрнида, асосан, са ёки кейин кўмакчиси қўлланади: [кэсә, кәтәмъс] келса, кетамиз, [кэгәннән кьйьн кәтәмъс] кегач, кетамиз, [унь кўргәннән кьйьн қәйт] уни кўргач, қайт; г) буйруқ-истак шаклидаги феълга биринчи шахс кўплик -лък қўшимчаси қўшилганда: [қәйтәйық] қайтайлик, [бәрәйық] борайлик, [урәйъқ] урайлик; д) шевада *ң* ундош товушидан сўнг -лар қўшимчаси қўшилганда *л* > *ң* га ўтиши, яъни мураккаб ассимилятив ҳолат кузатилади: [эн + нэр // эл+ын + нәр] олинглар, [кән+нәр//кәң+нәр] келинлар, [бәр+ың//бэрың+нар] боринлар, [чъқың+нар//чъқын+нар] чиқинлар, [ичъң//ичъннар] ичинлар, [күлъң//күлъңнар] кулинглар, [турың//турыннэр] туринлар, [дъң//дъннэр] денлар (айтинлар), [ўтырың//ўтэрыннэр] ўтиринлар, [бэръң//бэръннэр] беринлар каби.

Юқоридагилар ЖҒН қипчоқ шеваларида *л* нинг турғун ўринга эга эмаслигини кўрсатади. Албатта, мазкур фонетик ҳодиса Ўзбекистон ареалидаги бошқа қипчоқ шевалар учун ҳам умумий. Бундан ташқари, мазкур шеваларда талаффузда *л* ундошининг *ң* ва *н* ундошларидан бошқа товушларга ўтиши кузатилмайди. Юқорида келтирилган феъл ўзакларида *л* ундошининг тушиб қолиши Фарғона водийсининг кўп шеваларида, шунингдек, уйғур тилида ва бошқирд ҳамда татар тили шеваларида ҳам учраши таъкидланган¹⁶⁰.

Н – тил олди, сонор товуш. Сўзнинг исталган позициясида келади. ЖҒН шарқий ареали қарлуқ тип лаҳжа шохобчаларида адабий тилдагидек кўринишга эга. Қипчоқ тип шеваларда

¹⁶⁰ Дмитриев Н.К. Неустойчивое положение сонорных р, л, н в тюрских языках. – М., 1950. – С. 279.

артикуляцияси бир оз ўзгаради: а) *н* ундоши соф туркий сўзларда сўз ўртасида ва охирида қўлланиб, сўз бошида қўлланиши чегараланган. Агар бундай ҳолатлар кузатилганда кейинги давр ундошларининг тараққиёти маҳсули ҳисобланади. Чунки *н* билан бошланувчи сўзларнинг асосий қисми ўзлаштирилган қатламга мос келади¹⁶¹: [нүмэңа//нүмэвғэ] нега, нимага, [нънэън] тузик, яхши, [ныхтэ//ныхтэвэр] ниқтамоқ, [ныхсэ//нъхсэвэр] қоп тўлгач, оғзини боғлаш учун муштлаш ёки бир-икки кўтариб ташлаш, [нўхтэ] ҳайвон калласига арқон боғлаш учун махсус мослама каби; б) ЖҒН қипчоқ шеваларида *н* ундоши меъёрда талаффуз этилиши билан бирга ўзакнинг қаттиқ ёки юмшоқлигига қараб талаффузда олдинга ва орқага қараб силжийди. Қаттиқ ўзакли сўзлар таркибида келганда нисбатан орқароққа силжийди. Унда тилнинг ўрта қисми эгилиб, танглайга тегади. Бу ҳодиса, айниқса, тил орқа ва чуқур тил орқа товушлардан сўнг келганда сезилади: [бэрэдығэн] борадиган, [қэғэн] қолган, [ўйнэннэр] ўйнанглар каби; в) тил олди унлилари ва *ч, с, ж* ундошлари билан ёндош келганда эса, нисбатан олдинга силжийди, жуда юмшоқ талаффуз этилади. Тилнинг учи пастки тиш милкига тегар-тегмас ҳолатда бўлиб, эгилган жойи юқори тиш милкига яқинлашади, ҳавонинг ўтишига тўсиқ сусаяди: [чүвэң] пашша, [нэчънчэ] нечанчи, [жэнжэл] жанжал, [сэнсэз] сенсиз, [бешэңчэ] бешинчи, [жъннь] аҳмоқ, ақлдан озган каби; г) *й* ундошидан олдин келганда, ассимилятив тарзда унинг таъсирига ўтади: [нэйёқ] нон йўқ, [сэйёқ] сен йўқ, [ўййўл] ўн қатор, [эсэййўлы] осон йўли, [қэйным] қайин ака – қайин оға, қайин ука каби. Лекин бундай ҳолларда *н* маъно фарқлаш хусусиятига эга эмас; д) бошқа шеваларда бўлгани каби *н* ундоши сўздаги ёндош ундошлар хусусиятидан келиб чиқиб қуйидагича ассимилятив ўзгаради: *нл>лл* – [тэллэ] танла, [мэймыллэр] маймунлар, [күллэк] кунлик, [ўллық] ўнлик, [тўллық мэтырйэл] тўнлик мато; *нб>мб(мп)* – [тэмбэл] танбал, [шэмбэ] шанба, [сүмбүл] сунбул, [йэмбэш] ёнбош, [йэмэмбўлды] ёмон бўлди, [нэмпүлы] нон пули, [жэмбъл]; *нм>мм* – [уммэдъ] унмади, [қўммэдъ] кўнмади, [мэммэн] манман, [уммэ] унми, [мэммэ]

¹⁶¹ Мелиоранский П. Памятник в честь Кюльтегина. - ЗВОРАО, Т: XII, в. II-III, СП 6, 1899. - С. 34-35; Батманов И. А. Фонетическая система современного киргизского языка. - С.99; Абдуллаев Ф. А. Фонетика. - Ташкент, 1967. - С. 96.

менми; *нғ>ң* – [қыңңър] қинғир, [тўңңыз] тўнғиз каби; Шевада *н* ундоши тил ўрта *г* ва чуқур тил орқа *ғ* ундош товушларидан олдин келганда турғун эмас. Мазкур ундошларнинг таъсирида артикуляциясини ҳам ўзгартириб орқага силжийди: [мьңгән] минган, [мэймыңғэ//мэймылғэ] маймунга, [қўңғыз] қўнғиз каби. Бундай ҳодисалар бошқа ўзбек шеваларида ҳам мавжуддир¹⁶². г) шевада жарангсиз *к,т,ш,қ,п,с,х,ҳ* ундош товушларидан сўнг келганда, шу товушлар таъсирида жарангсизлашиб *т* га ўтади, доимо қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари *-нинг* ва *-ни -тъ* ва *-дъ* тарзида қўлланади: [кўпчълъхтъ] кўпчиликни, [тэрәхтъ] теракнинг, [эттъ] отни, [шти] ошни, [бшлыхты] бошлиқни, [қўшыхтъ] қўшиқни, [қылыхтъ] қилиқни, [тешә сәптъ] теша сопини, [тестъ жүвәпъ] тестнинг жавоби, [дэрәхты] дарахтнинг, [ҳәмрәхтъ] хомини каби.

Р – тил олди, титроқ сонор товуш. Сўзнинг барча позициясида келади.

Талаффузда бошқа туркий тиллардан фарқи йўқ: [рысқы] риск-насиба, [рәсчъ] ростгўй, [рәйъс] раис, [йәрмә] омоним: сочининг фарқи, донли ўсимлик, феъл: ёрмоқ, [қырмәч] овқат куюндиси, [йўрық] маросим, [карт] сўри, ёғоч супа, [бултыр] ўтган йили, [бәлдыр] болдир каби; а) *р* ундоши ҳам ўзакнинг қаттиқ, юмшоқлигига қараб икки хил талаффуз қилинади. Кенг унлилардан кейин келганда нисбатан қаттиқ: [әрдәнә] ордона қолмоқ, [әрдән] орадан, [қәрәчәдән кәгән] қорачадан келган, тор унлилардан кейин нисбатан нисбатан юмшоқ: [йърък//ърък//ирик] йирик, [ысырық] исирик, [мүйүмләр] буюмлар, [сүрмә] омоним: сурма, сурмоқ; б) ЖҒН қипчоқ шеваларида *р* ундошининг сўз бошида қўлланиш доираси кенг, уларда дифтонглашиш деярли йўқ. Сўз ўртасида ва охирида қўлланши редукцияга учрамайди, тушиб қолиш ҳоллар кузатилмайди, бу эса *р* ундошининг шевада бошқа ундошларга нисбатан турғунлигини кўрсатади:

Адабий тилда	Наманган ш. тип шева	Қипчоқ шеваларида
торт	тәттъ	тәрът
бормадим	бә:мадъм	бәрмәдым
олиб келавер	әпкеләвъ:	әпкелә://әпкәләвыр
бор	бә:	бәр

¹⁶² Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – С. 153-155.

Шевада *p* ундоши спорадик равишда қуйидаги позицияда *n*, *л*, *ң*, товушлари билан алмашинади: *p>n* – [сүннәй] сурнай, [кәннәй] карнай, [тыннәқ] тирноқ; ўзлашмаларда: [күрәнът] курорт; *p>л* – [зәрәл] зарар, [зәръл] зарур, [дүвәл] девор; *p>ң* – ўзлашмаларда: [йәрмәңкә] йармарка. Бироқ *p>й*: [бәрәйкән] борар экан, [кәләйкән] келар экан, [бәрәстъ] борарди, [кәләстъ] келарди каби фонетик ҳодисалар ЖҒН шарқий ареали Наманган шаҳар тип ҳамда Фарғона тип шева шохобчалари учун хос; в) мавжуд илмий фикр ва хулосаларда қипчоқ шевалардаги айрим сўзларнинг бошида *p* ундоши деярли учрамайди: сўз бошида *p* товуши бор сўзлар олдидан, албатта, протетик унли пайдо бўлади¹⁶³ дейилган: [ўрэмәл] рўмол, [ўрәзә] рўза, [ʁрәжәп] Ражаб, [ʁрәҳмәт] Раҳмат каби. Аммо ЖҒН шеваларида эса бундай ҳолатлар кузатилмайди. Рус ўзлашма сўзидагина *ў* сўз бошига орттирилади: [ўрыс] каби. Шевада *p* ундоши муқим, соф ҳолда қўлланади.

Тил ўрта ундошлари

Й – тил ўрта, сирғалувчи жарангли ундош, талаффузда умумўзбек шеваларидан фарқ қилмай, сўзнинг барча ўринларида кела олади: [йъгнә] нина, [йъвын] ёғингарчилик, [йөрғәк] йўрғак, [йъп] ип, [йылән] илон, [йъңғълыхль] йиғинчоқ, [үймәлә] тўпланмоқ, [йәй] ёймоқ, [ъйәк] энгак//ияк, [йүмәлз://йүмәлзқ] юмалоқ, [зйлә] оила, [зәйъп] заиф, [кәйъп] кайф, [чъйлә] аралаштирмоқ: а) бир бўғинли сўзларнинг охириги ўрнида деярли барча сўзларда адабий тилдагидек ишлатилади: [күй], [буй], [суй], [бой], [чөй] чой каби; б) ЖҒН қипчоқ гуруҳ “й”ловчи шевалари сўз бошида этимологик *й* орттирилади ва сақланади: [йълон, йъп, йърък, йъръң] илон, ип, йирик, йиринг каби, “ж”ловчи шевалари сўз бошида ўз позициясини йўқотади ёки *ж* га алмашади: [ълән] илон, [ъръң] йиринг, [ърък] йирик, [жъп] ип каби; в) *й* ундоши ЖҒН гуруҳ “й”ловчи шеваларида бошқа ундошларга нисбатан турғун. Бошқа қипчоқ шеваларида бўлганидек, шимолий ва марказий ареал шеваларида маълум фонетик позицияда ўзгаришга юз тутди: “ж”ловчиларда: *й>ч*: [йәч>чәч] ечмоқ; Шарқий ареал Наманган шаҳар тип ҳамда Фарғона тип шохобчаларида: *й>г*: [къйън>кэгън] кейин, *й>ғ*: [шүндәй>шүндә://шүндәқ// шүндәғ] ҳолатлари кузатилади; г) бошқа

¹⁶³ Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. –Тошкент: Фан, 1961. – Б.136.

қипчоқ шеваларида умуман учрамайдиган, шеванинг ўзигагина хос $\text{й} > (\text{э})\text{п}$: [шундэп] шундай, [қандэп] қандай, $\text{й} > (\text{э})\text{қэ}$: [шундэқэ] шундай, [қандэқэ] қандай тарздаги ҳолат мавжуд. Шевада $\text{й} > (\text{э})\text{п}$ ва $\text{й} > (\text{э})\text{қэ}$ вариантдош бўлиб, синоним аффикс сифатида қўлланади. Бу жараён ЖҒН шеваларидаги “ж” ловчи ва “й” ловчи қипчоқ шеваларига хос.

К – тил ўрта портловчи, жарангсиз ундош. Артикуляцион пайдо бўлиши ва талаффузда умумўзбек шеваларидан фарқи йўқ. Сўзнинг исталган бўғинида кела олади: а) диалектал ареалнинг қипчоқ шеваларида сингармонизм қонуни мавжудлиги сабабли к ундоши унлилар таъсирида муайян фонетик позицияларда нисбатан олдинга силжиб, юмшоқ, тил олди товушидек талаффуз этилади. Бунда тил эгилиб, учи пастки тиш милкига, эгилган жойи билан юқори танглайнинг олд қисмига тегиб, портлаш ҳосил қилади: [эпкэ] олиб кел, [пъшкэк] кува таёғи, [кэттэм] кетдим, [камалдэк] камон – ўқ-ёй отувчи қурол, [кэкътэк] кекирдэк, [кэрэндэ] коранда, [кэрэптэ] корафта. Лекин ёндош товушларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда уларнинг синтагматик муносабатининг юзаланиши натижасида [кэмэл] Камол, [кэмъл] Комил, [көкэр] кўкармоқ, [экэвэмъс//йэккэвэмъс//экэлэмъс] икаламиз типигаги сўзларда орқага силжийди; б) ЖҒН қипчоқ шеваларида бошқа ўзбек шеваларидаги каби, сандхи ҳолатда жарангсиз ундош товушлардан (баъзан жарангли ундошлардан) олдин келганда портлаш хусусиятини йўқотиб, сирғалувчи (спирантизация) товушга ўтади¹⁶⁴. Агар ўзакдаги унлилар хусусиятига кўра, $\text{к} > \text{х}$ га мос келади: [көхчэй] кўк чой, [қарсэх чэл] қарсак чал, [көхләйэптэ] кўкляпди, [сөхйэптэ] сўкяпти, [мәхтән] мактаб, [эшъхтән] эшиқдан, [тэшъхтән] тешиқдан, [гэндърәхләп] гандиракляб, [тэхйэптэ] тикяпди каби; в) интервокал ҳолатда эгалик аффикслари қўшилганда $\text{к} > \text{г}$ бўлиши умумий ҳодиса. Лекин шевада бошқа қипчоқ тип шеваларидагидек сўз ўртасида $\text{к} > \text{г}$ ҳодисаси умуман учрамайди. ЖҒН шеваларида этимологик к сингармонизм талабига мувофиқ қ га мос келади: [қәйтәйық]

¹⁶⁴ Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент, 1962. 106-бет; Жўраев Б. Шахрисябский говор узбекского языка. – Ташкент, 1964. – С.53; Тошкент области ўзбек шевалари. –Тошкент. –1976. – Б.17; Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеваси. Ўзбек диалектологияси материаллари. I. – Б.136; Ғуломов Х. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси. Ўзбек диалектологияси материаллари. I. – Б.77.

қайтайлик, [урдық] урдик, [турэйық] турайлик, [чыздық] чиздик каби. Мазкур фонетик талаб асосида $k > q > f$ ҳодисаси ҳам мавжуд: [эйлық] ойлик, [эйлығым] ойлигим, [хәпәчълық] хафачилик, [хәпәчылығым кәлдъ] хафачилик, [эчәптлық] очофатлик, [эчәптчылығым кәлдъ] каби.

Г – тил ўрта, портловчи, жарангли ундош. Артикуляцион ўрни ва талаффузига кўра умумўзбек шеваларидан фарқ қилмайди. Сўзнинг фақат бошида ва ўртасида учрайди: [гүппъ//гүпү] семиз, тўла, [гүппәңләп йықылдъ] қаттиқ йиқилди, [гәндърәҳләп] гандираклаб, [эгвәр] эгиб юбор каби: а) қипчоқ шеваларида g ундошидан сўнг тил орқа қаттиқ унлилар ишлатилмайди. Шунинг учун у жуда юмшоқ талаффуз этилиб, маълум фонетик позицияларда портловчилик хусусиятини йўқотиб сирғалувчи y товушига ўтади. Интервокал ҳолатда $g > y$ га ўтиши бу қипчоқ шеваларга хос хусусият. Фақат сўз ўртасидагина $g > y$ ва $g > v$ га ўтиши ЖҒН гуруҳ қипчоқ шеваларининг ўзига хос хусусиятидир: [тъймә] тегма, [түймә] тугма, [түйън] тугун, [съйър] сигир, [тъйәдъ] тегади, [гүвът] гургут, [сүрвәр] сургин, [йүвәрвәр// жүвәрвәр] юборгин, [жөнәтвәр] жўнатгин каби.

ЖҒН шеваларида сингармонизм қонунига мувофиқ ўзақдаги унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқлиги, ёндош келган ундошнинг жарангли ва жарангсизлигига қараб $-ғә(-га)//-қа// -ға$ типидега ўзгаради: [қэйга//қэйғә] қаерга, [нүмөңгә//нүмәвғә] нега, нимага, қ ундоши билан тугаган барча сўзларга $-қә(-қа)$ қўшилади: [тәрәққә] тароққа, [йәңәққә] ёнғоққа каби. Аксарият сўзларга жўналиш қўшимчаси $-ғә$ тарзида қўшилади: [әвғә] овга, [дәлғә] далага, [йүлғә] йүлга, [түйғә] түйга, [түвышқәнғә//түвышғәнғә] туғишганга, [қәндәшғә] қариндошига, [әнәвғә] мана бунга каби.

Чуқур тил орқа ундошлари

Қ – чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз ундош. Талаффузда умумтуркий тиллардаги қ дан фарқ қилмайди. Шевада сўзнинг исталган позициясида кела олади: [қўләнәтэйәқ] пайпоқ ёки пайтавасиз оёқ кийим кийиш, [қүтүм//хүтүм] айёр одам, [ўқәрық] жўякларга сув олинадиган ариқ, [уныққән] ранги ўчган, [дөққы] қўпол одам, [дыққәт] ҳафа, [чырмөвық] чирмавиқ, [әҳсәқ//әқсәқ] чўлоқ, [қөнәқ] товуқ уясидаги мослама, меҳмон маъносида умуман ишлатилмайди.

ЖҒН қарлуқ гуруҳ шеваларида адабий меъёрдаги каби хусусиятларга эга. Бироқ қипчоқ гуруҳ шеваларида интервокал позицияда *қ>ғ* ҳодисаси мавжуд. Лекин у “ж”ловчи гуруҳда маълум сўзлар доирасидагина мавжуд, қипчоқ тип шеваларидагидек умумий ҳодиса эмас: [чъғъп кэттъ] чиқиб кетди, [шфэвэф] ошқовоқ, [чъғъръппэр] чақириб бер каби. Умуман, биз ўрганаётган шеваларда сингармонизм ҳодисаси мавжуд бўлиб, фақат жарангли ундош товушлардан олдин келганда эмас, жарангли ундошлар билан ёндош келганда ҳам, ҳатто, интервокал, ҳолатда ҳам *қ>х* га ўтади. Бунда *х* ундоши *хуштак*, *хато* сўзларидаги тил орқа товуш бўлмай, немисча (*ich*) ва тил орқа *х* товуши ўртасидаги бўғиқ товушдек талаффуз этилади: [қүрүх йэр] қуруқ ер, [тўхсэн] тўқсон, [ыхтысэт] иқтисод, [эхшэм] оқшом, [эхлым] ақлим, [сэнэхлъ] саноқли каби. Шевадаги айрим сўзларнинг охиридаги *қ* нинг *в* га ўтиши кузатилади: [бүзэв] бузоқ, [эртэнъ тэрэвъ] арранинг тароғи: тиши каби.

Шевада спорадик равишда *қ* ни *к* тарзида юмшоқ талаффуз этилиши ҳам учрайди: [кэйгә кўйғэнсэн] қаерга кўйгансан, [чөйдэн кўйвэр] чой кўйиб юбор, [кэхләмә] қатлама, Бу хусусият ЖҒН қипчоқ шевалари учун типик ҳодиса бўлмай, жуда кам сўзлар билан чегараланган бўлиб, Балиқчи тип шевалардагидек кенг тус олган эмас¹⁶⁵.

Ғ – чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. ЖҒН гуруҳ шеваларида *ғ* фонемасининг қўлланиш даражаси чегараланмаган. Шевада бир ва икки бўғинли сўзларнинг охири ва ўртасида келадиган зтимологик *ғ* товушига *в* мос келади: [тэв] тоғ, [бэв] боғ, [сэв] соғ, [йўвғэн] йўғон, [бүвдэй] буғдой, [эвдэр] ағдар, [бөврым] бағрим, [түвышқэн] туғишган каби: а) қипчоқ тип “ж”ловчи гуруҳ шеваларида адабий тилдаги *ғ* товуши ўрнида тил ўрта *й* товуши алмашиб, [сэйэсэн] сиғмоқ: сиғасан, [түйды] туғмоқ, туғди, [бүйдэй] буғдой тарзида қўлланиши характерлидир. Бу ҳолат кўпроқ ва, асосан, ёши улуғ шева вакиллари нутқида кузатилади. Лингвогенетик бу жараён қозоқ тили ва қипчоқ тип шеваларига хос хусусиятдир¹⁶⁶. Чунки мазкур диалектал ареалда қозоқ ва қорақалпоқ уруғлари бир неча

¹⁶⁵ Тургунов А. Фонетическая структура Балыкчинской группы говоров узбекского языка. Автореф. дис. ...канд. фил. наук. – Ташкент: 1969. – С. 7.

¹⁶⁶ Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент, 1981. – Б.64.

асрлардан буён ўзбеклар билан биргаликда яшаб келадилар. ЖҒН гуруҳ шеваларидаги мазкур фонетик ўзгаришлар маънога путур етмаган ҳолларда содир бўладн; б) *ғ* тарихан сўз бошида, ўртасида ва охирида ишлатилган бўлса, айти вақтда ЖҒН қипчоқ шеваларида сўз ўртаси ва охирида бошқа товушга ўзгариб қўлланиши билан тавсифланади: [бэйлэ/бовлэ] боғламоқ, [сувэр] суғор, [сэвлэм] соғлом каби; в) маълумки, *в* лаб-лаб ва лаб-тиш ундошлари туркий тилларнинг энг қадимги даврлари учун хос бўлмаган. Бу ундошлар кейинги тараққиёт босқичларида сўзнинг ўрта ва охиридаги *б*//*й* ва *ғ* товушларидан ҳосил бўлган¹⁶⁷: [сүб//сүй] сув ёки [қэбүр//қывыр//қэғүр] қовурмоқ, [қэғүн] қовун, каби. Айти шундай ҳолатлар ва элементлар бугунги кунда Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғи шевасида сақланган. Адабий тилимиздаги *сэб* // *сэв* // *сэз* + *лэвчъ* = *совчи*, *сүб* // *сүй* // *сув* // *суғ* // *суғ* + *эр* + *мэк* = *суғормоқ* сўзлари ҳам бу жараён то бугунгача амалда эканини кўрсатиб туради. Демак, қипчоқ шеваларида сўз охиридаги, ясовчи қўшимча қўшилганда сўз ўртасидаги *ғ* ундош фонемаси эволюцион тарзда, изчиллик билан *в* ундошига айланган:

Қадимги ва эски туркий тилда	ЖҒН қипчоқ шеваларида	Ўзбек адабий тилида
<i>бүзэғ</i>	<i>бүзэв</i>	бузоқ
<i>йэзығ</i>	<i>йэзув</i>	ёзув
<i>барығ</i>	<i>бэрув</i>	бормоқ
<i>сэығ</i>	<i>сэв</i> // <i>сэвлык</i>	соғ//соғлик
<i>сэғ</i>	<i>сэв</i>	соғмоқ

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида сўз охиридаги *ғ* фонемасининг тараққиёт йўлининг ҳозирги *-в(-ув)* кўриниши қуйидагича: *сэғ* → *сэв* → *соғув* (ҳаракат номи), *сэығ* → *сэв* → *соғ* (сифат) каби; г) қипчоқ шохобчаларида *ғ* ундошининг сўз охиридаги позициясининг ўта барқарор эмаслиги сабабли сўзлар маъносини *ғ(в)* товушидан кейинги грамматик қўшимчалар фарқлайди: [сэйърдъ сэвэн кэ] сигирни соғиб кел, [энэң сэвми] онанг соғми, [тўвз] тоғи, [бўвы] боғи (бир-икки боғи) каби.

¹⁶⁷ Қошғарий. М. Девону луғот-ит турк. – Тошкент, 1960; Юсуф хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Қ. Каримов нашри. – Тошкент, 1972; Малов С. Е. Памятники древнотюрской письменности. – М., 1951. Древнотюрский словарь. – Л., 1951; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С.97; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 61-66.

Х – чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз ундош. Шевалар ареали шарқий гуруҳи Наманган ва Фарғона тип шохобчаларида амал қилади. Сўзнинг барча позицияларида келади. Талаффузда сирғалиш тил орқасида, бўғизда эмас, танглай ўртасида содир бўлади. Тил эгилган жойи баланд танглайга яқинлашади: [хэтын] хатинг, [хэтының] хотининг, [ухлэ] ухла, [ыхтэйэрың] ихтиёринг, [дэрэх] дарахт каби.

ЖҒН қипчоқ шеваларида чуқур тил орқа х фонемаси бўғиз ундоши ҳ ундоши каби талаффуз қилинади. Қипчоқ шеваларида х ва ҳ ундошларининг фонематик белгилари йўқ, маъно фарқланмайди.

Ҳ – чуқур тил орқа сонор товуш. Мингбулоқ тумани Гуртепа, Олтинқўл, Мулқобод, Узунтепа, Қумқишлоқ қишлоқларида тил ўрта товушидир. Шарқий ареал қарлуқ лаҳжаларида муқим ўринга эгалиги кузатилмайди. Барча ўзбек шевалари ва адабий тилда бўлганидек, фақат сўзнинг ўртаси ва охирида келади: [мэңэйэм] менга ҳам, [йэңэттэ] ҳозир, [эң] олинг, [кэң] келинг, [сэң] солинг, [бэң] бўла қолинг, [тэңэңэ] танғимоқ каби.

Тилдаги ўзгаришлар, хоҳ у адабий тил, хоҳ шева бўлсин, бирданига эмас, балки аста-секинлик билан узоқ давр давомида содир бўлиши маълум жараёндыр. Айниқса, тилнинг фонетик-фонологик сатҳидаги дастлаб онда-сонда учрайдиган ҳодисалар, фонетик вариантлар, товушларнинг уйғунликда ёнма-ён қўлланишлари ва бошқалар узоқ вақт давомида лингвистик қонуниятларга айланади.

Ҳар бир тараққиёт даври учун хос бўлган фонетик хусусиятлар ва уларнинг илдишлари, бутунлай ўзгариб кетмаган жиҳатлари жануби-ғарбий Наманган шевасининг ундошлар тизимида ҳам сақланиб қолган.

Маълумки, қадимги туркий тил ундошларининг қаттиқлиги (йўғонлиги) ва юмшоқлиги (ингичкалиги) билан эски туркий ва ҳозирги ўзбек тилидан кескин фарқланган.

Эски туркий тилда қ ва к, ғ ва г каби икки жуфт ундош орасидагина қаттиқ-юмшоқлик фарқи сақланиб қолган холос. Бошқа ундошларда бундай ҳолат сезилмайди¹⁶⁸. Бироқ жанубий-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларига эски туркий тилнинг илк

¹⁶⁸ Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тирихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи. – 1992.

тараққиёт даврларидаги ундошлар таҳлилга¹⁶⁹ асосланган ҳолда фикр юритсак, *ң(нг)* ундошининг юмшоқлик ва қаттиқлик жиҳатини кўрамиз.

ЖҒН диалектал ареалида товушдаги юмшоқлик ва қаттиқлик фонологик белгилари, маъно фарқлашни юзага келтиради: [нүмөң(ғ)э] нима учун, нима сабабдан – сабаб равиши сўроғи, [нүмөңэ] нимага – от туркуми сўроғи. [бэзэрғэ нүмөң(ғэ) бэрэсэн?] Бозорга нима учун (нима олишга) борасан? [бүнъ нүмөңэ сэлэй?] Буни нимага солай? каби. Биз бу ундошни фонема сифатида таснифламаганимизнинг сабаби, бугунги кунда бу ҳолат фақат айрим сўзлар миқёсидагина учрайди. Шевада типик жараён эмас. Аста-секинлик билан бундай жараён тугаб бормоқда.

Сўзнинг ўрта ва охирида кела оладиган *ң(нг)* ундоши туркий тилларнинг энг қадимий товушларидан бири. Туркологлар томонидан *ң(нг)* ундошининг урчиши, тарихий тараққиёти мураккаб масала эканлигини¹⁷⁰ таъкидлашган. Жануби-ғарбий Наманган шеваларида турли ҳолларда *н* товуши сифатида сақланганлиги, *й* ва *ғ* товушларига айланганлиги ҳамда аслидай қўлланишини кўришимиз мумкин.

Қадимги ва эски туркий тилдаги *йэлың* сўзидаги *ң[нг]* ундоши *йэлын* тарзида *н* га айланган: [йэлын] аланга, [йэлыз] сўзида *ғ* га ўзгарган: [йэлыз] ёлғиз, [сөңэк] сўзида *й* ундошига ўзгарганлигини кўришимиз мумкин: [сүйэк] суяк каби. Мазкур шевада *ң[нг]* ундоши ўзининг тарихий аслини кўп сўзларда сақлаб қолган: [оңгыр*чўңқыр]¹⁷¹ нотекис, [эңэк] энгак: русча подбородок, [оңэй//ўң] қулай, [үңүқэн] ранги ўчган каби.

Бундан ташқари халқ жонли тилида, айрим туркий адабий тилларда *ң[нг]* ундоши *в* тарзида қўлланиши ёки умуман тушиб

¹⁶⁹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғот-ит турк. – Тошкент: 1960. I том. – Б. 218.

¹⁷⁰ Малов С.Е. Памятники древней тюркской письменности. – М.: Наука, 1951. – С.11; Шербак А. М. Грамматика староузбекского языка. – М. – Л., 1962; Сравнительная фонетика тюркского языка. – Л., 1970; Решетов В.В, Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. –Тошкент, 1978; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларнинг ҳақида умумий маълумот. Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1962; Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1961.

* Маҳмуд Қошғарий онгур сўзи ғор – чуқурлик маъносида қўлланишини таъкидлаган. ЖҒН қипчоқ шеваларида бу сўз фақат нотекис йўл маъносида ишлатилади.

¹⁷¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғот-ит турк. – Тошкент, 1963. I том –Б. 110.

қолиши мумкинлиги ҳақида фикрлар бор¹⁷². Бироқ жануби-ғарбий Наманган шеваларида *н[нз]* ундошининг *в* ундошига айланган ҳолатлари ёки умуман тушиб қолиши учрамайди. Чунки бу шевада *н[нз]* ундошининг алоҳида ўрни жуда кенг ва аҳамиятли лисоний-фонологик имкониятлари борлиги кузатилади.

Шуниси характерлики, ЖҒН шеваларида бу ундош сўз, ўзак таркибидаги унлиларнинг қаттиқ, юмшоқлигиги ва ўзидан кейин келган ундош товушларнинг артикуляцион ўрнига кўра уч хил позицияда талаффуз этилади: а) ўзакдаги унлилар юмшоқ, тил олди унлилари бўлса, *н[нз]* ундоши ниҳоят юмшоқлашиб, тил олди томон силжийди. Тил учи эгилиб пастки тишга, эгилган жойи билан юқори танглайнинг олд томонига тегади: [эккьзьн] экдиринг, [бүзүн] бузинг, [съйнъңчъ] синглинг-чи каби; б) ўзакнинг таркибида тил орқа унлилари бўлса, орқага силжийди, тил орқа ундошидек талаффуз этилади: [нэныңыңыздэн бэрың] нонингиздан беринг, [йаңь кэптъ] ҳозир келибди, [буңэ] бунга каби; в) ўзак таркибида тил орқа унлилари бўлиб, [н] ундошидан сўнг [ғ,қ] чуқур, [з] саёз тил орқа товуши келса, нисбатан орқага силжиб, чуқур тил орқа товушидек талаффуз этилади, бурунлашиш кучаяди. [н] ҳам, [ғ] ундоши ҳам соф *н, ғ* ундошларидек талаффуз қилинмайди: [йэлэңғэч] яланғоч, [эмэғэну] олмаган-ку, [бўмэғэну] бўлмаган-ку, [бықыңлэғэн] билқиллаган, юмшоқ, [ыңқыллэғэн] инқиллаган.

ЖҒН шеваларида [н] ундоши қатор ундошларга нисбатан турғун бўлса-да, спорадик ўзгаришга юз тутади: [н>й]: [съйнъм] синглим, [кўйным] кўнглим, [сўйэк] сўнгак каби. Лекин булар Тошкент тип шеваларидагидек ёки қарлуқ лаҳжалари каби кенг тарқалган эмас.

Ҳ – сирғалувчи, жарангсиз бўғиз ундоши. Талаффузда бошқа умумўзбек шеваларидагидан фарқ қилмайди. Диалектал ареал қипчоқ шеваларида *ҳ* ундоши сўзнинг исталган позициясида, чуқур тил орқа *х* ўрнида ишлатилади: [ҳайът] ҳайит, [ҳаммә] ҳамма, [бэҳэ] баҳо, [эҳмэқ] аҳмоқ, [дэрэх] дарахт, [үҳлэ] ухламоқ

¹⁷² Дмитриев Н. Фонетические закономерности начала и конца тюркского слова. ИСГТЯ. I. –С. 271; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970. – С.97; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 61- 66.

(уйқи) каби. Лекин сўз бошида ишлатилиш даражаси шевалараро бир хил эмас.

Шарқий, шимолий ва марказий ареал қарлуқ тип шеваларида адабий тил меъёрларига мос келади.

ЖҒН қипчоқ шеваларида ҳ сўз бошида келганда “й” ловчиларда немисча (*ich*) тарзида талаффуз этилади, “ж”ловчиларда тушиб қолади: [ҳәңәмә // әңәмә] хангома, [ҳәрәкәт//әрәкәт] ҳаракат, [ҳәптьәк//әптъйәк] ҳафтияк, [ҳөппә//өппә] семиз, [ҳәнәпъйә//әнәпъйә] ханафия каби.

Наманган вилоятининг жануби-ғарбий ҳудудига мансуб “й” ловчи қипчоқ шеваларида (Баланд Гуртепа, Гуртепа, Ўртақишлоқ, Узунтепа, Ўзгариш, Мулқобод, Этак, Қорёнтоқ, Дўмса, Қўшқишлоқ, Шўрсув, Терак, Довдуқ каби қишлоқларда) ўзбек тилининг бошқа шеваларида учрамайдиган, туркий башқир, хакас тилларига хос айрим фонетик хусусиятлар кузатилади:

а) *s>ç* товушлари алмашуви: Прага лингвистик мактабининг фонологик концепцияси бўйича, бир хил фоннинг қуршовида эркин алмашиниш муносабатида бўлган икки товушнинг бири ўрнида иккинчисининг келиши маънога таъсир этмаса, бу товушлар бир фонеманинг икки варианты ҳисобланади. Одатда эркин алмашиниш муносабатида муайян белгисига кўра ўзаро яқин бўлган товушлар бўлади. Лекин маълум умумий белгига эга бўлмаган товушлар бундай муносабатга киришмайди.

Шуниси характерлики, жануби-ғарбий Наманган шеваларида акустик-артикуляцион жиҳатдан умумийликка эга бўлмаган товушларда ҳам ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси кузатилади. Хусусан, *s* ундоши локалик белгисига кўра ҳам, акустик белгисига кўра ҳам, артикуляцион усулига кўра ҳам бўғиз ундоши *ç* га ўхшамайди. Шундай бўлишига қарамасдан, сўзнинг турли позицияларида бу товушларнинг ўзаро маънога таъсир этмаган ҳолда эркин алмашиниши кузатилади. Масалан, сўзнинг анлаут позициясида: [ҳәмсәҳпъйәз] саримсоқпиёз, [ҳәскәнммә] сесканма, [ҳънчәләк] синчалак, [ҳәйъ-ҳәрәкәт] саъй-ҳаракат, [ҳүп-күп] суф-куф, [ҳүҳчәлпәк] суқчелпак: кинна, суқ кирганга тандирда пишириб бериладиган махсус нон тури каби.

Кўринадика, анлаутда *s* ундошининг *ç* ундошига алмашиниши мазкур ундошдан кейин келган унлиларнинг кенг-

торлик, лабланиш-лабланмаслик белгиларига боғлиқ эмас. *С* ва *ҳ* ундошларининг кенг унлилар олдида ҳам, тор унлилар олдида ҳам, лабланган ва лабланмаган унлилар олдида ҳам алмашилиши кузатилади.

Шевадаги *с>ҳ* ундошларининг яна бир характерли хусусияти шундаки, бу фонетик ўзгариш морфемик бирликларнинг моддий шаклига ҳам таъсир қилади. Хусусан, унли билан тугаган асос қисмга учинчи шахс эгалик қўшимчаси *-ҳъ* шаклида қўшилади: [энә+ҳъ] онаси, [отә+ҳъ] отаси, [болә+ҳъ] боласи, [мәҳнә+ҳъ] машинаси, ўзлашма сўзларда: [сўмкә+ҳъ// ҳәмкә+ҳъ] сумкаси, [мәҳнә+ҳъ] машинаси. Жануби-ғарбий Наманган шеваларида сўз охирида *ҳ* ундошининг *с* ундоши ўрнида қўлланиши учрамайди.

Маълумки, рус ва бошқа Овropa тилларидан ўзлашган сўзларнинг бошида бир бўғин таркибида келган икки ва ундан ортиқ ундошларни талаффуз қилиш қийинлиги туфайли, оғзаки нутқда талаффуз қулайлигини таъминлаш учун бундай лексема номемалари фонетик тузилиши туркий номемалари фонетик архитектуроникасига мослаштирилади. Натижада ана шундай ўзлашма лексемаларнинг факультатив варианты вужудга келади.

Номема бошида бир бўғинда келган икки ундош қуйидаги йўл билан икки бўғинга ажралади ва бир бўғиндаги қатор ундошларни икки бўғин таркибига ўтказиш йўли билан туркий тиллар номемалари фонетик архитектуроникасига мослашади. ССV, ССVC, ССVСС типидagi фонетик тузилишга эга бўлган лексема номемалари VC-CV, VC-VC, VC-CVC типидagi фонетик тузилишдаги лексема номемасига айлантирилади (протеза ҳодисаси). Масалан, [ъс-тәл] стол, [ъс-тә-дъйән] стадион каби.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларининг энг характерли фонетик хусусияти шундаки, юқоридагидек сўз бошида бир бўғинда икки ундошли ўзлашма сўзларни ўзбек тили фонетик қонуниятига мослаштириш, талаффуз қулайлигига эришиш ҳаракати туфайли анлаутда унли олдидан яна бир *ҳ* ундоши орттирилади. Натижада бир бўғинда қатор келган икки ундош икки бўғин таркибига бўлинади ва шу билан талаффуз шевага мослаштирилади: [ҳъс-тәж] стаж, [ҳъс-тә-нөк] ста-нок, [ҳъс-тә-кән] ста-кан, [ҳүс-тү-дән] сту-дент, [ҳъс-тәл] каби.

ЖҒН қипчоқ шеваларида *ҳ* ундоши *ш*, *ч* ва ҳатто, баъзан *т* ундоши билан ҳам ана шундай муносабатга кириша олади.

Масалан: *ш>ҳ*: [ҳэқыр-хуқыр] шақир-шуқур, [ҳылпық] шилпық, [ҳьмэр] шимармоқ, [ҳьшшэ] шиша, [ҳэлырэмэ] шалвирамоқ, [ҳьшэрмэ] шиширмоқ, [хүндэйчэ] шундайлигича, [ҳэмғэлэт] шамғалат, [хүнчэ] шунча, [хүнчэлэк] шунчалик, [мэхнэқэ//мэхнэқэ] мана шунақа, [мэхэндэй] мана шундай, [мэхэнчэ] мана шунча; *ч>ҳ*: [ҳэхчэймэ] чақчайма, [ҳэкэңләмэ] чаканглама, [ҳыңқырмэ] чинқирма, [хэрэммэ] чиранма, [хьмрълмэ] чимирилма, [хөккэлэ] чўккала, [хуввэс] чуввос, [хуль-чулэ] чули-чули, [хэкэнэ-хүкэнэ] чакана-чукана, [хэлкэш-хулкэш] чалкаш-чулкаш, [хэңгэк] чангак: илмоқ, илгич каби.

Худуд шеваларида сўз охиридаги *ш* ва *ч* ундоши ўрнида *ҳ* ундошининг қўлланиши кузатилмайди.

Айрим ҳолларда тил олди, жарангсиз *т* ундоши ҳам бўғиз, сирғалувчи *ҳ* ундошига алмашади: [ўхлэт] ўтлат, [қэхнэ] қатнамоқ, [хэтэвэр] итқиб юбор, ирғитмоқ каби.

Далиллар кўрсатадики, жануби-ғарбий Наманган шеваларида *ҳ* ундоши жуда фаол қўлланади ва турли позицияларда *с*, *ч*, *ш*, *т* ундошлари ўрнида алмашилиб кела олади. Бу эса шева вакилларининг М.Кошғарий мансуб бўлган туркий шева билан генетик боғлиқлиги ҳақидаги хулосалар келиб чиқишига туртки бўлади. Чунки у ўзини унли билан бошланган сўзлар олдида *ҳ* ундошини орттириб қўллайдиган уруққа мансублигини кўрсатган эди¹⁷³.

Қадимги ва эски туркий тил, айниқса, эски ўзбек тили ундошларини шева ундошлари ва ҳозирги ўзбек тили ундошлари билан қиёслаш шуни кўрсатадики, тарихий жиҳатдан ундошлар кескин ўзгаришларга учрамаган. Ундошларга оид ўзгаришлар, асосан, янги ундошларни ўзлаштириш ва товуш алмашилишлари билан чегараланади, бу эса тил тарихининг асл кўриниши – шеваларда ундошлар унлилардан кўра барқарор бўлган деб хулоса чиқаришга имкон беради.

3-фасл. Ундошлар билан боғлиқ фонетик ҳодисалар

Ассимиляция ва диссимиляция

Ассимиляция туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида кенг тарқалган фонетик ҳодиса бўлиб, нутқнинг моддий занжирида, яъни товушлар кетма-кетлигида маълум бир белгига кўра икки

¹⁷³ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғот-ит турк. – Тошкент, 1963. I том –Б. 17.

ноўхшаш ундошнинг сўзловчининг талаффуз қулайлигига интилиши туфайли ўхшаш ундошга айланишидир.

Кўринадики, муайян лексема таркибида маълум белги асосида зидланувчи икки ундош талаффуз ноқулайлигини бартараф қилиш ҳаракати туфайли зидланиш белгисини йўқотади, бир хил ундошларга айланади. Натижада лексеманинг оғзаки сўзлашув варианты – услубий вариант майдонга келади.

Ассимиляция ҳодисаси морфемалар оралиғидаги икки ёндош ноўхшаш ундошлар ўртасида ҳам, бир лексик морфема таркибида бўғинлар оралиғидаги икки ёндош ноўхшаш ундошлар ўртасида ҳам рўй беради. Масалан, ўзбек адабий тилидаги *тақирламоқ – тақилламоқ, сўзла – сўйла* сингари сўз шаклларидаги *тақир–тақил, сўз–сўй* каби сўз вариантлари ассимиляция ҳодисасининг натижасидир. Булардан *рл, рн* ундошлар жуфтлигининг *лл, нн* га айланиши биринчисининг титроқлик, иккинчисининг ёнлик ёки бурунлилик белгилари ўртасидаги зидланишнинг йўқолиши ва ҳар иккисининг ёнлик ёки бурунлилик белгисига ўтиши; *зл* ундошлар жуфтлигининг *йл* жуфтлигига айланишида эса, биринчисининг жаранглилик, иккинчисининг сонорлик белгиси асосида бир хиллашиши асос бўлган.

Илмий адабиётларда бу фонетик ҳодисалардан ассимиляция ҳақида бир хил қараш бўлса-да, диссимиляция ҳақида бир неча қарашлар мавжуд.

Туркий тилларда ҳам ундошларнинг ён товушлар таъсирида артикуляцион-акустик жиҳатидан ўзгариши, яъни жаранглашуви ёки жарангсизлашуви, ҳосил бўлиш ўрнига кўра ва ҳосил бўлиш усулига кўра ўзгариши ассимиляциядир. Бу ҳодисани контакт ёки дистант, прогрессив ёки регрессив, тўлиқ ёки тўлиқсиз бўлиши таъкидланади¹⁷⁴. Шу билан бирга, пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра бир типга кирувчи икки бир хил товушнинг, ассимиляцияга зид равишда, икки ҳар хил товушларга ўзгариши диссимиляция ҳодисасини юзага келтиради ва унинг ҳам ассимиляция каби турлича бўлади¹⁷⁵. Профессор Р.А. Будагов товушларнинг ён товушлар таъсирида

¹⁷⁴ Реформатский А. А. Введение в языкознание. – М.: Наука, 1960. – С.165.

¹⁷⁵ Реформатский А. А. Введение в языкознание. – М.: Наука, 1960. – С.168.

тўлиқ (*туссиз-тузсиз*) ёки қисман (*сизди-сизни*) ўхшаши ассимиляция деб ҳисоблайди¹⁷⁶.

Диссимиляция ҳодисаси турлича талқин қилинади. Масалан, турколог А.Н. Кононов ва Э.В. Севортянлар [дж] ва [тж] аффрикатларининг [д] ва [т] портловчи элементларини йўқотиб, [ж] ва [ш] сирғалувчи товушларга айланиши, шунингдек, икки бир хил товушнинг бирини бошқа товушга ўзгаришини диссимиляция ҳисоблайдилар¹⁷⁷.

В.В.Решетов эса [зэрэр>зэрал>залал], [әнжър>әнжъл], [мэлл>мэрл] типдаги ўзгаришни диссимиляция деб айтади¹⁷⁸. Шунингдек, пайдо бўлиш ўрни жиҳатдан аввалгисидан фарқ қиладиган товушга ўтиш ҳодисаси ҳам диссимиляция деб кўрсатилган¹⁷⁹.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида ён товушлар таъсирида рўй берадиган комбинатор ўзгаришлар орасида энг кўп учрайдигани ассимиляциядир. Шевада ассимиляциянинг контакт ва дистант, прогрессив тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, регрессив тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, мураккаб тўлиқ, тўлиқ бўлмаган шакллари мавжуд.

Ёндош (контакт) ундошлар ассимиляцияси барча шеваларда ва адабий тилдаги каби мазкур шевада ҳам морфологик шакллар билан боғлиқ: [йўқоттым] йўқотдим, [әпкәттъ] олиб кетди, [тэллә] терла, [йылләр] илонлар каби.

Ёндош бўлмаган (дистант) ундошлар ассимиляцияси тури [мъчъчә] мусича, [муңэ//мунғэ] бунга, [мънәм//мънән] билан шевада камроқ учрайди.

Прогрессив тўлиқ ассимиляциянинг жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларидаги энг характерли томони шундаки, қарлуқ лаҳжалари прогрессив тўлиқ ассимиляциясидаги жараёнлар бу шевада прогрессив тўлиқсиз ассимиляцияда кечади: ЖҒН Наманган шаҳар ва Фарғона тип шеваларда: [тәмърръ]; қипчоқ шеваларида: [тәмърдъ] темирни каби.

¹⁷⁶ Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М., 1958. – С. 158.

¹⁷⁷ Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. – М., – Л., 1956. – С. 28-40; Севортян Э.В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюрских языках. Исследования по сравнительной грамматике тюрских языков. I. Фонетика. – М., 1955. – С.313.

¹⁷⁸ Решетов В.В. Узбекский язык. I. – Ташкент: Узгосиздат, 1959. – Б. 101.

¹⁷⁹ Ишаев А. Манғит шевасида ассимиляция ва диссимиляция // Тил ва адабиёт масалалари. 1959, – № 3. – Б. 52.

Прогрессив тўлиқ ассимиляция мазкур шевада жуда кам, фақат ўзак к ва жарангсиз ундош билан тугаган сўзларда учрайди: [сүттъ] сутни, [туттъ] тутни каби. Сўз ўзаги тил олди, сирғалувчи жарангли ва жарангсиз ундош товушлар билан тугаса, бу ҳодиса рўй бермайди.

Прогрессив тўлиқсиз ассимиляция жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида салмоқли ўрин тутади: [қышты] қишни, [кэлъштә әпкә] келишда олиб кел, [пулды] пулни, [қырғэлты] қирқ олти каби.

Регрессив тўлиқ ассимиляция ниҳоятда кўп учрайди. (Айниқса, Поп, Мингбулоқ туманида, Тўрақўрғон тумани жануби-ғарбий қипчоқ шева шохобчаларида): [күлләрдә] кунларда, [кәсълләр] келсинлар, [кәннәй] карнай, [кәссән] кетсин, [қэлыррәқ] қалинроқ, [бьннәрсә] бир нарса каби.

Регрессив тўлиқсиз ассимиляция жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида асосан жарангсиз ундошлар доирасида учраганлиги боис кўп эмас: [тўхсән] тўқсон, [хэвлыҳмә] ҳовлиқма, [чыхты] чиқди каби.

Мураккаб тўлиқ ассимиляция бошқа қипчоқ шеваларида бўлганидек, нисбатан кўпроқ учрайди: [бўппән] бўлибман, [бъллә] бирга, [бәләллък] баландлик каби.

Мураккаб тўлиқсиз ассимиляция жануби-ғарбий Наманган қипчоқ “ж” ловчи шева вакиллари нутқида ҳам, “й” ловчиларда ҳам бошқа турларига нисбатан кўп кузатилади. “й” ловчиларда: [тәрәхтъ] “ж” ловчиларда: [тәрәгтъ] теракнинг, [қылыштән] қиличдан, [мәхтәпкә] мактабга, “ж” ловчиларда: [тындәқ], “й” ловчиларда: [тыннәқ] тирноқ, [қүдүхты] қудуқни.

Диссимиляция ҳодисаси, юқорида таъкидлаганимиздек, туркий тилларда, ўзбек шеваларида ҳам ассимиляцияга нисбатан камроқ содир бўлади.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалари вакиллари жонли тилида сўздаги икки бир хил товушнинг талаффузда бири-бирига таъсир кўрсатиши натижасида бошқа товушларга ўтиши: [зәръл] зарур, [зәрәл] зарар, [мәрәл] малол каби ҳамда ҳосил бўлиш ўрни ва усули жиҳатидан бир хил товушларнинг бири-биридан фарқли товушга айланиши: “ж” ловчиларда: [дэвэр//дэвәл]; “й” ловчиларда: [дүвәл] девор, ўзлашмаларда:

[ʒkʲɛr//ukʲɛr] укол, (Тўрақўрғон туман ҳудуди шеваларида) каби ўзига хос ўрин тутди.

Демак, жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалари ундошлар тизими ва ундаги фонетик ҳодисалар бошқа ўзбек тили қипчоқ шевалари билан умумий ўхшашликка эга бўлса-да, ўзига хос характерли жиҳатлари ҳам бор. Бошқа шевалардагидек, бу шевадаги ассимиляция ҳодисасида ҳам ўзбек тили консонантизимидаги барча ундошлар иштирок этади. Диссимиляция ҳодисасида эса сонорларнинг барчасининг, асосан, *p* титроқ ва *l* ён товушларининг бошқа товушлардан фаоллиги кузатилади.

Шевадаги кўплаб сўзлар ўзагининг ўзгаришида ассимиляцияга тескари ҳодиса – диссимиляция сабаб бўлиб, лексема номемаси таркибидаги маълум белгисига кўра икки ўхшаш ундош товушнинг талаффуз қулайлигига эришиш ҳаракати туфайли ўхшаш белгилари йўқолган. Бундай ҳодиса натижасида лексема номемасининг оғзаки сўзлашувга хос вариантлари ҳосил бўлган. Масалан, *мәймүн*// [мәймыл] лексемасидаги бир фарқли хусусиятга эга *n* ҳамда *l* ундошлари (*n* портловчи, *l* сирғалувчи) ЖҒН шеваларида ўзининг фонематик белгисини йўқотган ва шевада талаффузга қулай [мәймыл] лексемаси вужудга келган.

Диссимиляцияга учраши учун иккита бир хил ундошнинг бўлиши шарт эмас. Маълум бир белгиси билан ўхшаш бўлган икки ундош ҳам диссимиляцияга эҳтиёж сезиши мумкин. Масалан, жануби-ғарбий Наманган шеваларида адабий тилдаги *мабодо* сўзи таркибида *m* ва *b* ундошлари лабиаллик белгисига кўра ўхшаш бўлганлигидан, нутқий жараёнда талаффуз қулайлигини таъминлаш мақсадида биринчи ундош тил олди сонор ундошга алмаштирилади, натижада [нэвэдэ//нэвэдэндэ] тарзида талаффуз қилинади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги ўзбек тилшунослигида у ёки бу шевага хос бўлган хусусиятларни оддийгина тавсифий жиҳатдан эмас, балки аниқ тарихий-этимологик нуқтаи назардан, туркий ва туркий бўлмаган тил фактлари асосида қиёсан тадқиқ қилиш бир қатор тарихий-лингвистик муаммоларнинг ечимини топишга имкон яратади.

Шу нуқтаи назардан жануби-ғарбий Наманган шевалари ареали ўзига хос бир қатор фонетик-фонологик жиҳатларга эгаки, бундай ўзига хосликлар ўзбек шеваларининг айрим шохобчаларида кузатилса, айримларида кузатилмайди. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий тили ва унинг шеваларида амал қилаётган ранг-баранг ва жуда қадимий тарихга эга бўлган, ҳали ўзининг соф лингвистик тадқиқотини топмаган лисоний хусусиятларнинг қиёсий-тарихий генезисини, унинг тарқалиш ва амал қилиш майдони – ареалини белгилаш ва таснифлаш тадқиқотнингмазмунини ташкил этади.

Метатеза

Жануби-ғарбий Наманган шеваларининг ўзига хос бир қатор фонетик ҳодисалари ичида метатеза алоҳида ўрин тутади.

Метатеза сўз таркибидаги, асосан, товушларнинг, баъзан бўғинларнинг

ўрин алмашилиш ҳодисасидир¹⁸⁰.

М.Миртожиев тўғри таъкидлаганидек, ўзбек тилида сўз бўғинларининг ўрин алмашинуви, яъни бўғин метатезаси учрамайди¹⁸¹.

Тилшуносларнинг эътироф этишича, метатеза қадимий фонетик ҳодиса бўлиб, бошқа тиллар каби туркий тилларнинг илк тараққиёт босқичларида, жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам кузатилади¹⁸². Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида метатезага учраган бир қанча сўзлар ҳозирда адабий меъёрга айланган. Масалан, *турпоқ*~*тупроқ*, *тўрғамоқ* ~ *тўғрамоқ*, *авҳол* ~ *аҳвол*, *ёғмир* ~ *ёмғир*, *қуфл* ~ *қулф*, *ўғрат* ~ *ўргат*, *сурпа* ~ *супра* каби¹⁸³.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида метатезанинг икки тури кузатилади: 1) ёндош (контакт) метатеза; 2) масофали (дистант) метатеза.

¹⁸⁰ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – С. 231

¹⁸¹ Миртожиев.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Университет, 1998. – 90 б. – Б. 86.

¹⁸² Кошғарий Маҳмуд. Девону луғат-ит турк. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов). – Тошкент, 1960-1963; Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 304 б. – Б. 141.

¹⁸³ Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 141. Ўзбекистон миллий энцикло- педияси. – Тошкент: Ўз.МЭ Давлат илмий нашриёти. – 2003. 5-ж. – Б. 609.

Ёндош метатеза сўздаги ёнма-ён товушларнинг ўрин алмашинуви. Масалан, [тәғмә] ~ тамға, [йълғә] ~ йиғла, [ўшқайдъ] ~ ўхшайди, [әйнәләй] ~ айланай, [әвәрә] ~ арава каби.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида ёндош метатезанинг қуйидаги кўринишлари учрайди: ғр~рғ: [тўрғә]~тўғра, [ъғрът]~ирғит (отмоқ, отиб юбормоқ), [ъжъғрән]~ижирғанмоқ; ҳв~вҳ: [өвхәл] ~ аҳвол; пр~рп: [түрпәқ]~тупроқ, [къпръ]~кирпи (типратикан), [сурпә]~супра; рй~йр:[дәйрә]~дарё, [мәйрәм] ~ Марям (қиз бола исми), [дәт-пәйрәт]~дод-фарёд, вр~рв: [әрвәз] ~ авроз, [әрвә-әстәр] ~ авра-астар, [эврәҳ] ~ арвоҳ, [сәрвъ] ~ Саври (қиз бола исми); рг~гр: [ўгръләй]~ўргилай; лз~зл: [мүзләм]~мулзам; рс~ср: [тәсрәйъп]~терсайиб (терсаймоқ); зй~йз: [тәйзық] ~ тазйиқ; зр~рз: [әрзәйъл] ~ асроил; (д>)тҳ~ҳт: [әҳтәм] ~ Адҳам; нс~сн: [эснәм қәтты] ~ энсам қотди (энсаси қотмоқ); бр~р(б>)в: [тәрбәт//тәрвәт]~тебрат (беланчак тебратмоқ); ўзлашмаларда: лй(н>)~йл: [нәчәйлък] ~ рус. начальник каби.

Таҳлиллардан кўринадикки, ўзбек адабий тили ва бошқа шеваларга хос [тўрғә]~тўғра, [түрпәқ]~тупроқ, [дәйрә]~дарё каби кўринишдаги ёндош метатеза мазкур шевада кўп кузатилади.

Масофали (дистант) метатеза сўздаги ёндош бўлмаган, бир-биридан узоқроқ бўлган товушларнинг ўрин алмашинуви. Масалан, [пәйқәп] ~ пайпоқ, [әвәрә] ~ арава, [нәләти] ~ лаънати.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида ёндош бўлмаган масофали метатезанинг айрим кўринишларини қуйидаги ундош товушлар доирасида кузатилади: б-л~м(>б)-н: [мънән] ~ билан; р-в~р-в: [әвәрә]~арава; т-п~п-т: [пытылләды] ~ типирлади; т-қ~қ-т: [қытылләды] ~ тиқирлади; с-қ~қ-с: [қысық] ~ сиқик; м-ғ~ғ-м: [ғыжымлә] ~ мижғила, л-н~н-л: [нәләтъ] ~ лаънати, [әйнәләй] ~ айланай; р-л ~ л-р: [тәлғыр] ~ тарғил (тарғил сигир); р-й~й-р: [қыйғър//қырғәй] ~ қирғий; дж-з ~ з-дж: [мъзәж] ~ мижоз каби.

Ш. Шоабдурахмонов¹⁸⁴ ўзбек адабий тилида ҳам айрим сўзлар тарихий аслидек эмас, метатезик ҳолатда (ўг~ўгран~ўрган, ёғ~ёғмоқ~ёмғир каби) эканлигини, ўзбек тили шеваларида метатеза ҳодисаси асосан сонор товушлар орқали юз беришини таъкидлайди. Бироқ жануби-ғарбий Наманган шеваларида сонор

¹⁸⁴ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1962. – Б.128.

бўлмаган ундошлар доирасида ҳам метатеза кузатилади: [тэйзық]/таэйиқ, [эв^w]/афв, [қысық]/сиқиқ, [әхтәм]/Адхам, [мъзэж]/ мижоз каби.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларига хос метатеза ҳодисасини тарихий-этимологик манбасига кўра қайси қатлам лексикасида юз беришини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) ўз қатлам лексикаси доирасидаги метатеза: [қыйғър//қыйғэй] ~ қирғий, [әйнәләй]~айланай, [тәлғыр]~тарғил, [қысық] ~ сиқиқ, [пытыллэды] ~ типирлади; [қытыллэды] ~ тиқирлади, [ғыжымлэ] ~ мижғила, [ғржығэн] ~ ижирғанмоқ;

2) ўзлашма қатлам лексикаси доирасидаги метатеза:

а) форсча-тожикча ўзлашма сўзларда: [дот-пәйрәт]~дод-фарёд, [пәйрэв] ~ пайров, [әзрәндә] ~ арзанда, [әрвә-әстәр] ~ авра-астар, [дәйрә] ~ дарё каби;

б) арабча ўзлашма сўзларда: [өвхәл] ~ аҳвол, [тэйзық] ~ таэйиқ, [эв^w] ~ афв, [әхтәм] ~ Адхам, [мъзэж] ~ мижоз, [нәләтэ] ~ лаънати, [әрзәйғл] ~ асроил, [мүзләм]~мулзам, [эврэх] ~ арвоҳ, [сәрвэ] ~ Саврихон каби;

в) рус ва у воситасида бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда: [нәчәйлэк] ~ начальник, [тәлэркә] ~ тарелка.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларига хос метатеза ҳодисаси таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур ҳодиса тилдаги ва унга ўзлашган сўзлар талаффузининг соддалашуви, шеванинг ички фонетик-фонологик ва орфоэпик қонунияти меъёрларига мослашуви асосида юзага келади.

Ундошлар алмашиниши

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида ундошлар билан боғлиқ фонетик ҳодисаларнинг айримлари бошқа ҳудудлардаги халқ жонли тили қипчоқ шевалари билан умумий ўхшашликка эга. Бироқ унда консонантлар билан боғлиқ шундай жиҳатлар борки, улар бошқа шеваларда кам учрайди.

Ундош фонемалар алмашуви ундошларнинг сирғалишга мойиллиги (спирантизация), алмашиниши, ўтиши, мослиги, ўзгариши (жаранглиланиши ва жарангсизланиши) каби фонетик жараёнлар билан боғланади.

Ўзаро қариндош тилларни ёки бир тилнинг турли даврларини қиёслаганда, бир тилдаги товушлар иккинчи бир тилда бошқа товушлар билан алмашинади ва товуш алмашиниши

вужудга келади¹⁸⁵. Масалан: *йулдуз-жулдуз-йулдус-йултуз-йултур-жултур*. Бунда *л* сонор ундошидан ташқари, турли туркий тилларда бошқа товушлар ҳам ўзгариши мумкин¹⁸⁶. Деярли барча туркологик тадқиқотларда сонор товушлар, бошқа ундош товушларга нисбатан инсон тилининг энг қадимги товушларидан, деб қаралади. *л* ундоши эса бешта сонорнинг биридир. Юқоридаги мисолда сўз бошида *й, ж, ва д, т, р, з* товушлари ўзаро алмашган.

Бу хусусият ўзбек шеваларига, хусусан, жануби-ғарбий Наманган шевалари қипчоқ диалектининг “й”ловчи ва “ж”ловчиларига ҳам хосдир.

Худуднинг “й”ловчи қипчоқ гуруҳи нутқида *б* ундоши сўз бошида аслидай сақланади (*бор, бешлик* каби), сўз ўртаси ва охирида *в* ва *п* га алмашади. Худуд “ж”ловчи шеваларидаги ўзлашмаларда эса барча шеваларда кузатилганидек, сўз бошида *б,ф>п* га ўтади: [пәтъңкә] – ботинка, [пәрмәр] фермер каби.

